


Мирзохид МИРЗАОЛИМОВ
Фофуржон АБДУЛЛАЕВ

ГЕРИАТРИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Мирзоҳид МИРЗАОЛИМОВ
Фоғуржон АБДУЛЛАЕВ

ГЕРИАТРИЯ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТИББИЁТ, БИОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ УЧУН
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

УДК: 616-053.9

КБК: 57.4

A - 13

Мирзаолимов, Мирзохид

Гериатрия / монография / Мирзаолимов Мирзохид Мирзавалиевич; Наманган: Usmon Nosir media, 2021. – 336 б.

КБК: 57.4

Муаллифлар:

НамДУ Физиология кафедраси

катта ўқитувчиси, PhD.,

Мирзаолимов Мирзохид

Мирзавалиевич

Наманган Давлат университети

профессори, б.ф.д.

Абдуллаев Фоуржон Рахимжонович

Гериатрия фани бўйича ёзилган ушбу монография тиббиёт олий ўкув юртлари дастурига мос бўлиб, унда фан тўғрисида тушунча, қариш жараёнига таъсир килувчи омиллар, қарилек даврида кўпроқ учрайдиган касалликларнинг кечиши, диагностикаси ва замонавий даволашга ёндошиш кенг ёритилган, қарияларни парвариш килиш усуулларига алоҳида аҳамият берилган.

Ушбу қўлланма олий ўкув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

А.Э.Занабидинов

АнДУ профессори, б.ф.д.

T.O.Рахмонов

НамДУ доценти, т.ф.н.

Ушбу монография Наманган Давлат университети илмий-техникавий кенгашининг 09.10.2021 йилдаги 10-сонли қарори қарори билан чоп этишга рухсат этилган.

ISBN: 978-9943-7646-2-0

© М.М. Миразаолимов. 2021

© Usmon Nosir Media. 2021

252 00/5

Дунёда илмдан бошқа најсөт йўқ

ва бўлмагай.

Ином ал-Бухорий

МУАЛЛИФЛАРДАН

Ушбу кўлланма қарилек даври ва унда учрайдиган касалликларни ташхиси ҳамда даволаш муаммоларига багишланган. Авваламбор тибиёт олий ўкув юртларида ўқиётган талабалар учун кизикарли, деб ўйлаймиз ва ундан амалиётда ишлаётган ҳамшира ва шифокорлар ҳам фойдаланса бўлади. Дарсликда геронтология ва гериатрия фани ҳакидаги асосий маълумотлар кенг ёритилган. Шу жумладан, қарилек жараёнинг замонавий қарашлар. ушбу жараёнда тизимларда бўладиган ўзгаришлар ҳамда қарилек даврида энг кўп учрайдиган ички касалликларнинг асосий клиник белгилари, лаборатор кўрсаткичлари. ташхис қўйиш учун ёрдам берувчи асосий текширув усуллари кўрсатадиган ўзгаришлар, даволаш йўллари, қарияларни парвариш қилиш усуллари келтирилган. Дориларни қўллашда уларнинг асосий ва ножўя таъсиirlари хисобга олиниб, энг кенг қўлланиладиган дорилар ҳакида батафсил маълумотлар ҳам берилган.

Китобда замонавий, керакли материаллар тушунарли қилиб баён этишга ҳаракат қилинди. Дарсликни ёзишда рус ва хорижий тилларда нашр этилган адабиётлар ҳамда шу соҳа бўйича интернет тармоғидан олинган маълумотлар ва материаллардан фойдаланилди.

Ўйлаймизки. ушбу қўлланма талабаларга ўкув жараёнидага ва шифокорларга уларнинг амалий фаолиятларида зарурий қўлланма бўлади. Монография ҳакидаги маслаҳат ва таклифларингизни қабул киласиз ва уларни келажакда албатта хисобга оламиз.

Фаннинг мақсади

Талабаларга гериатрия фани назарий билимларини олиш ва уларни мустаҳкамлаш, амалий кўникмаларни хосил килиш. эгалланган билим ва кўникмаларни амалиётда кўллашни ўргатиш. Уларга деонтологик тарбия асосларини ўргатиш, амалиётда ахлоқий жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, мутахасисликка қизиқишини шакллантириш, талабаларда ўз билимларини кенгайтиришга қизиқишини тарбиялаш. клиник фикрлашни ривожлантиришдан иборат.

Фаннинг долзарблиги

Геронтология ва гериатрия фани тарихи қисқача ўрганилганда қарилик муаммолари инсоцларни қадим замонлардан бери қизиқтириб келганлиги маълум бўлади. Геронтология – мураккаб табиий фанлардан бири бўлиб. қариш жараёни, унинг биологик, тиббий (гериатрик), социал, психологик, гигиеник ва иқтисодий жиҳатларини ўрганади. Гериатрия фани эса геронтологиянинг асосий қисмларидан бири бўлиб. кекса ва ёши улуғ кишиларнинг соглигини саклаш, уларда кўп учрайдиган касалликларнинг хусусиятларини ўрганадиган фан ҳисобланади. Гериатрия саломатлик фани бўлиб, ўқув дастурларида асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Чунки, қарилик деб аталмиш кўпгина ўзгаришлар эрта – етуклиқ, ҳатто ўсмирилик даврларида ҳам бошланиши мумкин. Геронтология ва гериатрия асосини қариш биологияси ташкил қиласди. Аммо қарилик муаммолари комплекс бўлиб, биотиббий, психологик, антропологик, ижтимоий-иктисодий муаммолардан иборатdir.

Замонавий геронтология ва гериатриянинг мақсади физиологик ва патологик қариш жараёнларининг нафакат специфик белгиларини аниклаш. балки уларнинг ривожланиш босқичларини, кечиши динамикасини, уларнинг кечишидаги умумийлик ва хилма-хилликни аниклашдан иборат.

1-БОБ. ГЕРОНТОЛОГИЯ ФАНИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- Таълимий:** Талабаларда геронтология фанини ривоҷланшиш тарихи, жаҳон миқёсида олиб борилгаётган илмий язигиликлар ҳақида низарий билимларни, шунингдек, бу фан бўйича амалий қўнижмаларни шакллантириши.
- Тарбиявий:** Талабаларнинг жамоада, кичик гурӯҳларда ва индишидуал ишлари қобилиятиларини шакллантириши, касбга бўлган қизиқишларини ортитиши
- Ривоҷлантирувчи:** Талабаларнинг эркин фикрлаши ва мустақил ишлари қобилиятини ривоҷлантириши.

1-МАВЗУ

ГЕРОНТОЛОГИЯ ВА ГЕРИАТРИЯ ФАННИНИГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўқув мақсади

Талабаларда геронтология ва гериатрия фанининг ривоҷланшиш тараққиёти ҳақида билимларни шакллантириши.



Асосий маълумотлар

 Инсон саломатлиги ва унинг ҳаётини давомийлиги организмнинг қариш жараёни билан чамбарчас боғликдир. Ҳозирги даврда соғлиқни саклаш тизимида энг долзарб мӯаммолардан бири одамнинг қариш жараёнини ўрганиш хисобланади. Бу жараённи ўрганувчи фан геронтология фанидир.

Геронтология, юононча *geros* – қари ва *logos* – билим демакдир. Геронтологиянинг асосий мақсади инсонни фаол ва тўлақонли ҳаётини узайтириш йўлларини излаб топишдан иборатdir.

Қариликнинг биринчи таърифи ва сабаблари антик даврга тўғри келиб, қадимги юонон шифокори Букрот (эр.авв. IV аср) қариликка организм куриши ва тана иссиклигининг йўқолиши натижаси, деб баҳо берган. Платон эса қарилик ривожланишига ўрта ёшдаги ҳаёт тарзининг таъсирини таъкидлаб ўтган. Қариликни секинлаштирувчи сир-асрорлар қадимги Хитой ва Ҳинд тиббиётида, Ибн Синонинг «Тиб конунлари» асарида чукур ёритилган.

Шунингдек, узоқ яшаш сирларини қадимги Юонон олимлари Арасту ва Букротлар ўз тажрибаларида ўрганганлар. Буюк нотик ва ёзувчи Цицерон ҳам бу фан хақида ўз фикрларини баён этган. Рим шифокори Галенning айтишича, қариликдаги саломатлик бошқа ёшдаги саломатликлардан фарқ қиласиди ва бу ҳолат касаллик ва саломатлик ўртасидаги оралиқ ҳолат деб ҳисобланади.

Россияда қарилик муаммоларига бағишлиланган масалалар мухокамаси XVIII аср ўртасига тўғри келади. Бунга рус шифокори И.Фишернинг «Қарилик, унинг даражалари ва касалликлари» (1754) китоби мисол бўла олади. Буюк рус олими И.И. Мечников Россияда ва бутун жаҳонда илмий геронтология асосчиси бўлиб ҳисобланади. Кейинчалик геронтология ва гериатриянинг ривожланишига А.А. Богомолец, А.В. Нагорний, В.Н. Никитин, И.П. Павлов, В.В.Фролькис, Л.Ф.Чеботарев ва бошқа кўпгина олимлар ҳисса қўшганлар. 1938 йил Киевда қарилик муаммоларига бағишлиланган I-конференция ўtkazilgan. Германияда эса шу йили биринчи геронтология журнали чиқа бошлаган.

XX аср бошларида геронтология илмий фан сифатида ривожланди. Бунда Америка олими Р.Пирл, таникли геронтологлар А.Комфорт ва Б.Стреллерлар ўtkazган текширувлар катта ёрдам берди.

XX аср ўрталарида келиб қарилик муаммоларига кўпгина табиий (биология, тиббиёт) ва ижтимоий фанлар (демография, иқтисодиёт) ва

бошқалар) томонидан эътибор кучайди. Қарилик асосларини ўрганишда биологик ва физиологик текшириш усуллари катта аҳамиятга эга бўлди. 1958 йили Киевда дунёда энг йирик геронтология институти ташкил этилди. 1963 йили Жаҳон Соглиқни Саклаш ташкилоти томонидан геронтолог ва гериатрларнинг қарилик жараёнига багишланган семинари ўтказилди ва унда:

- 20 ёшдан 44 ёшгача ёшлар
- 45 ёшдан 59 ёшгача ўрта ёшлилар
- 60 ёшдан 74 ёшгача кекса ёшлилар
- 75 ёшдан 89 ёшгача қариялар
- 90 ёшдан катта ёшдагилар узок умр кўрувчилар. деб қабул қилинди.

Ҳар йили қариялар сони ер юзида 2,4%га кўпаймокда. Бунинг сабаби аҳолининг ижтимоий-иктисодий ҳолатини, ҳамда гигиеник шароитини яхшиланиб боришидир. Айрим маълумотларга кўра, 2020 йилга бориб кекса ва қариялар сони I миллиардга етиши мумкин.

Геронтология ва гериатрия тиббий биология фани билан чамбарчас боғлик бўлиб, қариш сабабларини молекула ва ҳужайралардан то бутун организмгача ўрганади. Кекса ёшдаги беморларга хизмат килиш ҳар бир тиббиёт ходимишининг меҳнати асосини ташкил киласди. Чунки тиббий хизматга муҳтож беморларнинг 25-30 фоизи кекса ёшдаги беморлардир.

Маълумки, демографик кўрсаткичлар қариялар ҳисобига кўтарилиб бормокда. Бу эса ўз навбатида геронтология ва гериатрия соҳасидаги билимлар доирасини янада чуқурроқ кенгайтиришни талаб қилди.

Геронтология фани таркибига: қариш биологияси, гериатрия, геронтопсихология, герогигиена, геродермия, геродиетика ва героэкология киради.

Гериатрия – кекса, ёши улуг қишиларда касалликларнинг кечиш хусусиятларини ўрганадиган фан ҳисобланади.

Геронтопсихология – кексалар психик холатини ва феъл-атворини ўрганади.

Герогигиена – кексайган ва катта ёшдаги кишилар гигиенасини ўрганади.

Геродермия – кексайган кишилар тери қоплами хусусиятларини ўрганувчи бўлимдир.

Геродиетика – кексайган кишилар овқатланиши ва унинг хусусиятларини ўрганади.

Героэкология – қариш жараёнига экологик омилларнинг таъсир этишини ўрганувчи бўлимдир.

ҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ КЕЧИШИ ВА ДАВРИЙЛИГИ

Қариш, қарилек организмда ёшнинг улгая бориши билан рўй берадиган табиий ўзгаришларнинг якуний босқичидир. Қариш жараёнларида орган ва тўқималардаги ўзгаришларга ташки муҳит таъсир қиласи. Қарилекдаги ўзгаришлар физиологик жараён бўлиб, кўпчилик олимлар фикрига кўра касаллик хисобланмайди, лекин организмнинг функционал қобилиятининг чекланишига ва ташки заарли омилларга чидамлилигининг пасайишига олиб келади. Бундан ташқари қариш биологик парчаланувчи жараён бўлиб, бунда организмнинг мослашиш қобилияти чеклана бориб, турли патологик ўзгаришлар ривожланади ва ўлим муқаррарлиги тезлашади.

Кўп ҳужайрали мураккаб организмлар умри давомида анатомик ва функционал жиҳатдан маълум бир ўзгаришларни бошидан кечиради. Бу ўзгаришлар ёш ўтган сари уларнинг ташки кўринишида намоён бўлади. Қарилекда юз териси қуруқ, буришган, серажин, илвиллаган, ранги паст, юпқалашганлиги натижасида тери остидаги томирлар бўртиб кўриниб туради. Бош кисмидаги соч толалари оқарган, сийраклашган, кўзлари нурсиз, оғиз бўшлигига тишелар стишмайди, умуртка погонаси буқчайган, харакатлари сустлашган бўлади. Бу белгилар қарилекка хос белгилардир. Кўриш ва эшитиш

қобилияти қарилекда пасаяди. Қари одам тез-тез жунжикади. Бўйи ва вазни ҳам камаяди. Эркаклар бўйи 50-85 ёилар ўртасида камида 3 сантиметрга, аёллар бўйи эса 4 сантиметрга пасаяди. Меъёрда эркаклардда тана вазни 40 ёшда, аёлларда эса 50 ёшда максимал ҳолатда бўлади.

Ёшнинг даврийлиги – инсон ҳаётини биологик, қисман ижтимоий ва иқтисодий тавсифларга асосан алоҳида босқичларга бўлиш демакдир. Содда ва кенг камровли (универсал) тасниф ўз ичига 3 та даврни олади: болалик, ўсмирилик, қарилек.

Қадимги Юнон олимни Пифагор (эр.авв. IV аср) инсон ҳаётида йилнинг фаслларига мос 4 та даврни ажратади:

- 1 давр – тикланиш «баҳор» (0-20 ёш)
- 2 давр – ёшлик «ёз» (20-40 ёш)
- 3 давр – гайратга тўлиш «куз» (40-60 ёш)
- 4 давр – сўниш «киш» (60-80 ёш)

Бизнинг юртимиизда ёшга қараб, инсон ҳаётини қуидаги даврларга бўлиш тавсия қилинган:

1. Она қорнида ривожланиш (антенатал давр) (1-жадвал)
2. Постнатал ривожланиш (2-жадвал)

1-жадвал

Она қорнида ривожланиш даври

БОСҚИЧЛАРИ	ДАВОМИЙЛИГИ
1) бошлангич давр	0-2 ҳафта
2) эмбрионал давр	3-8 ҳафта
3) ҳомила (фетал) давр	антенатал ривожланишнинг 2-9 ойи

1) чақалоқлик даври	ҳаётнинг 1-ойи
2) эмизиклик даври	1ой – 1 йил
3) мактаб ёшигача бўлган давр	1-3 йил
4) мактабгача бўлган давр	3-7 ёш
5) кичик мактаб ёши даври	7-11
6) катта мактаб ёши (ўсмирилик) даври	12-18 ёш
7) ёшлик даври	18-21 ёш эркаклар, 18-20 ёш аёллар
8) етуклиқ даври I	22-35 ёш эркаклар, 21-35 ёш аёллар
9) етуклиқ даври II	36-60 ёш эркаклар, 36-55 ёш аёллар
10) кексалик даври	61-74 ёш эркаклар, 56-74 ёш аёллар
11) қарилик даври (улуг ёш)	75-90 ёш эркаклар ва аёллар
12) узок яшовчилар	90 ёш ва ундан юқори, эркаклар ва аёллар

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшнинг даврийлигини чегаралаш шартли равишда олинган. Табиийки бу чегара у ёки бу томонга суримиши мумкин. Айниқса, бу ҳолат қарилик даврига тўғри келиб, бу даврни кексаликдан ажратишида қийинчилик тутдиради.

Маълумки, ёшлик давридан етуклиқ даврига ўтишда инсон ҳаётининг сифатини ўзгаришлари 30-35 ёшдан, лекин сезиларли пасайиб бориши 45 ёшдан сўнг бошланади. Нафоқа ёшига тўғри келувчи 45-59 ёшни физиологик ва ижтимоий хусусиятларга кўра «ўрта» ёш деб қараш тавсия килинади. Бу даврда одатда турли эндокрин ўзгаришлар кузатилиб, климакс ривожланиши ва қарилик жараёнларига таъсир қилиши эркакларга нисбатан аёлларда кучлироқ намоён бўлади.

Кексалик даври иш қобилиятини ва фаоллик даражасини сакланиши билан ҳам характерланиши мумкин. Ҳаёт циклининг охирги босқичи – физиологик

қарилик эса 75 ёшдан бошланиши аниқланган. Узоқ яшовчилар (90 ёшдан юкори) кечки физиологик қарилик модели сифатида қаралади.

Демак, физиологик қариш детерминирланган биологик жараён хисобланади, эрта қариш эса, табиий жараён кечишининг турли омиллар билан boglik бўлган ўзгариши, деб қаралади.

Геронтология адабиётларида «физиологию» ва «вактидан олдинги» қариш терминлари кенг ишлатилади. Физиологик қариш деганда қариликдаги ўзгаришларни аста-секин ривожланиши ва табиий бошланиши англашиб, организмнинг ташки мухитга мослашиш қобилиятини чекланиши тушунилади.

Эрта қариш деганда соглом одамлар ёшига нисбатан турли ўзгаришларни эрта пайдо бўлиши тушунилади. Бошқача айтганда, инсоннинг биологик ёши паспорт ёшидан ўзиб кетади.

Инсоннинг тез қаришга олиб келувчи турли патологик жараёнлар, қариликка хос бўлган ташки белгиларни ёшликда эрта пайдо бўлиши сабаблари клиницистларга яхши маълум. Баъзи касалликлар инсонни ўзининг ёшидан катта кўрсатишга сабаб бўлади. Буларга атеросклероз, юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллиги, қанди диабет, гипотиреоз, семизлик киради.

Қариш жараёнида канцерогенез кучаяди, аутоиммун бузилишлар юзага келади. Бу патологик ҳолатларни ривожланиши ёш ошган сари кучаяди. Қариликка хос бўлган ўзгаришларнинг организмда эрта бошланиши касаллик келиб чиқишининг янада ривожланишга олиб келади. Бундан хуроса шуки, касаллик қаришни тезлаштиради. Қарилик эса кўп ҳолларда касалликни авж олдиради. Эрта қаришга олиб келувчи мойил омиллар қуйидагилар: гиподинамия, узоқ ва тез-тез кайтарилувчи асабий-эмоционал зўрикиш, тартибсиз овқатланиш, сурункали касалликлар, зарарли одатлар ва наслий мойиллик (ота-онаси ҳайтининг киска давомийлиги).

ҚАРИЛИК ТУРЛАРИ

Геронтологиянинг асосий мақсадларидан бири кариш жараёни – нормал, физиологик ҳолат ёки касаллик эканини ўрганишdir. Гален қарилик касаллик эмас, балки организмнинг алоҳида бир ҳолати, лекин ёшликка характерли бўлган соглиқ эмас деган. У қариликни соглиқ ва касаллик орасида, деб билган. Сенека эса «қарилик – бедаводир» деб таъкидлаган.

И.В. Давидовскийнинг таъкидлашича, қарилик факат биологик сабабларга кўра эрта ва кеч бўлади, ҳар доим ўз вактида бўлади, факатгина ўлим бевақт бўлади.

В.В. Фролькиснинг фикрича, физиологик қариш деганда табиий бошланиб секин ривожланувчи, организмни ташки муҳитга мослашиш имкониятларини чегараланиши ва ўлим эҳтимолининг ортиши билан кечувчи қариш тушунилади.

Табиий (физиологик, нормал) қариш деб, қарилик белгиларини улгайишнинг аниқ бир босқичида табиий бошланиб, кетма-кет, аста-секин ривожланиши демакдир.

Секинлашган (ретардланган) қариш – ёш улгайишнинг ҳамма (умумий) популяцияга қараганда секинлашган босқичда кечиши билан фарқланади. Бу тоифа қариликнинг кўринишига узок умр кўриш феномени киради.

Вактидан олдин ёки эрта (патологик) қариш – эрта бошланган, тез кечувчи, ёш даврда қарилик белгиларини ёрқинроқ намоён бўлиши билан характерланади. Бунда инсоннинг биологик ёши унинг календар ёшидан ўзиб кетиши аникланади. Вактидан олдин қарышни аниклаш нафакат ҳаёт давомийлигини оширишининг индивидуал дастурини тузишга имкон яратади, балки уни келиб чиқишининг эндоген ва экзоген механизмларини билишга ва уларни олдини олишга асосланган комплекс профилактик чора-тадбирларни ўз вактида амалда қўллашга имконият беради. Биологик ёшни аниклаш вактидан олдин қарыш синдромини диагностика қилишнинг усули хисобланади.

Эрта қарыш омиллари 2 групга бўлинади:

1. Эндоген омиллар;

2. Экзоген омиллар.

Эндоген омилларга организмнинг турли касалликлари, ирсий омиллар, хромосом касалликлар киради. Организмни эрта қаришига энг кўп сабабчи бўлган касалликлар атеросклероз, артериал гипертония, сурункали ўпка касалликлари, ошқозон, жигар касалликлари, асаб ва эндокрин касалликларидир. Қариш жараёнида ирсият муҳим аҳамият касб этади. Эрта қаришни ёки узоқ умр кўришни наслдан наслга ўтиши исботланган.

Экзоген омилларга иклиний, касбий, ижтимоий-иктисодий, экологик сабаблар киради. Турмуш тарзи, гиподинамия, стресслар, норационал овқатланиш ҳам экзоген омиллар бўлиб хисобланади.

Аёлларда қариш жараёнининг анча секин бориши ҳам генетик аппарат хусусиятларига, ҳамда аёлларда заарли одатларнинг йўқлигига боғлик.

Патологик қариш ташки муҳит омили, иклиний, касбий, ижтимоий-иктисодий, экологик, турмуш тарзи, организмнинг орган ва системаларига сурункали касалликларнинг таъсири қилиши натижасида келиб чиқади.

Вақтидан олдин ёки эрта қаришга олиб келадиган факторларни бартараф этиш соғлиқни саклаш тизими ва ижтимоий геронтологиянинг асосий стратегик вазифаси хисобланади.

Геронтологлар фикрича, эрта қариш 40-50 ёшларда пайдо бўлади. У салбий соматик, ижтимоий-рухий ва иктиносий аспектларига эга. Вақтидан олдин қариш – қизиқишлиарнинг чегараланиши, ҳаётдан қониқмаслик, шахснинг дестабилизацияси сабабларидан биридир. Вақтидан олдин қариш ноактив ва қари аҳолини яшаши учун керак бўлган барча чиқимларни ўзига оладиган ишга лаёқатли аҳоли сонининг камайишига олиб келади. Бу босқичда геронтологиянинг энг муҳим вазифаларидан бири нафакат ҳаётни узайтириш, балки қарн одамларни жамиятдаги ва оиласдаги ўрнини мустахкамлаб, фаол ва сифатли яшашини таъминлашдан иборатdir.



Мунозара учун саволлар.

1. Геронтология фаны нимани ўрганади?
2. Геронтология фанининг ривожланиш тарихи?
3. Геронтология фанининг таркибий қисмлари?
4. Инсон ҳаёти қандай даврларга бўлинади?
5. Қарилек турлари деганда нимани тушиунасиз?
6. Эрта қарини сабаблари нималар?

Ўқув мақсади

Талабаларда қарилек даврида рўй берадиган хужайра ва тўқималардаги ўзгаришлар ҳақида назарий билимларни шакллантириши.



Асосий маълумотлар

 Анатомик ўзгаришлар қарилек атрофияси кўриннишида, склерозга мойиллик холатида характерланади. Бу холат моддалар алмашинувининг бошкача бўлиб қолиши, шунингдек, жинсий безлар функциясининг сусайишига, эндокрин мувозанатнинг бузилишига, яъни янгиланиш ва емирилиш мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Бунга ёрқин мисол «анорексия» – иштаханинг йўқолишидир. Бунга тўқималарнинг яшаш учун зарур бўлган энергия манбаи хисобланувчи озуқа моддаларига бўлган талабининг пасайиб кетиши сабабдир. Қарилек атрофияси хужайраларда юз берадиган регрессив ўзгаришлар йигиндиси, яъни хужайралар хажмини, сонини камайиши ва улар протоплазмасида физикавий ва морфологик ўзгаришлар рўй бериши натижасида терининг юпқалашуви, суяқ ва тогай тўқималарнинг мурглашуви, тери ости ёғ катламининг йўқолишида намоён бўлади. Аёлларда «климакс» бошланганидан кейин тухумдонлар ва бачадон кичраяди. Эволюцион жараёнида бош мия вазни ҳам камаяди. Нерв тўқималарида пигментли, ёғли дегенерация ва атрофик ўзгаришлар рўй беради.

Қон айланиш системасида атеросклероз вазомотор ўзгаришларга сабабчи бўлади. Булар одамнинг бошига қон қўйилиб келиши билан ифодаланади, артериал босим кўпинча кўтарилади.

Юракда миофброз қайд этилади. Бу эса юрак фаолиятини сусайтиради, қон айланиш системасининг стишмовчилигига ва органларнинг озука

моддаларига, кислородга түйинмаслигига олиб келади ва маълум бир клиник симптомларга сабабчи бўлади. Булар бош айланишида, хотиранинг пасайишида, уйқунинг бузилишида, оёқ-кўлларнинг кучсизлигига намоён бўлади.

Қарилек ҳар бир организмда индивидуал ривожланади. Инсоннинг ёшини биологик ва календар, яъни хронологик тарзда ўрганиш мумкин. Кўпинча, қариш жараёни инсоннинг ёшига мос келмайди. Масалан, 60 ёшли одам организмида 70 ёшга кирган одам организмига хос бўлган таркибий ўзгаришлар, функциялар бузилиши кузатилиши мумкин. Демак, физиологик қариш билан бир каторда эрта қариш жараёни ҳам мавжуд экан. Инсоннинг календар ёши биологик ёшидан қанча катта бўлса, қариш жараёни шунча секин кечади, умри узаяди. Ҳозирги тиббиётнинг вазифаси эрта қаришни олдини олиш ва инсоннинг турмуш тарзидаги, ижтимоий мухитидаги қаришга таъсир этадиган омилларни йўқотишдан иборатдир.

Қариш жараёни организмда ҳужайра, орган, система ва бутун тана даражасида ривожланади ва бу ўзгаришлар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир.

В.В. Фролькис назариясига биноан, организм қаришида адаптацион-регулятор механизмининг бузилиши сабаб бўлади. Қариш мураккаб биологик жараён бўлиб, организм ҳаёти мобайнода унга таъсир этаётган эндоген ва экзоген омиллар мухим физиологик функциялар ишини издан чиқаради. Қаришнинг олдини олиш учун экзоген омиллар таъсирини камайтириш, экологик турмуш тарзини яхшилаш зарур, бу эса умрни узайтиради.

Эволюция мобайнода организм ҳаёт фаолиятида қаришга қарама-карши бўлган жараён – витаукт мавжуд. Витаукт *vita* – лотинча ҳаёт, *auctum* – узун деганини англатади.

Қариш ва витаукт жараёнларининг ўзаро алоқаси инсон тугилиши билан пайдо бўлади ва умрни узайтиришни ифодалайди.

Қариш кўп ўчокли умумбиологик жараён бўлиб, ҳужайраларнинг ядросида, цитоплазмасида, мемброналарида, митохондрия ва бошка

структуралариди намоён бўлади. Қариш жараёни ривожланишида 4 хил хусусият фарқ қилинади:

- Гетерохронлик
- Гетеротоплик
- Гетерокинетиклик
- Гетерокатефтенлик

Гетерохронлик хусусияти бу қариш жараёнининг турли орган, тўкима, система ва хужайраларда ҳар хил муддатда бошланишидир. Масалан, айрисимон безнинг атрофияси 13-15 ёшларда бошланса, жинсий безларнинг атрофияси климактерик даврда бошланади. Марказий нерв системаси ва эндокрин системанинг турли бўлимларида ҳам гетерохрон қариш кузатилади. Гетеротоплик хусусияти маълум бир органнинг турли қисмларида қариш белгиларининг турлича намоён бўлишидир.

Гетерокинетиклик хусусияти организм тўқималарида қариш жараёнининг турлича тезлик билан кечишидир. Яъни, айрим тўқималарда эрта қариш белгилари суст ривожланиб бориши мумкин Аксинча, бошка тўқималарда кечрок бошланган қариш белгилари тез ривожлана бориб, организмнинг функционал ҳолатига таъсир этиши мумкин.

Гетерокатефтенлик хусусияти организмдаги ёшга boglik ўзгаришларнинг турли хил йуналишларда, организмдаги ҳаётий жараёнларнинг бирини сўниши ва иккинчисини фаоллашуви билан кечиша намоён бўлади.

Қариш жараёнини кўп олимлар хужайраларнинг генетик аппаратидаги ва оқсил биосинтезидаги бузилишлар билан boglaydilar. Ўзгаришлар ДНКнинг генетик маълумотлар узатиш звеносида содир бўлади. Оқсил молекуласидаги ўзгаришлар хужайра функциясининг бузилишига олиб келади. Бу ўзгаришлар хужайрада энергиянинг пайдо бўлиши, узатилиши ва сарфланишида кузатилади. Хужайрада кислородга бўлган эҳтиёж камаяди, ферментлар фаоллиги пасаяди. Липидлар алмашинуви издан чикиб, хужайра мембраннынинг фосфолипид таркиби бузилади, қонда холестерин,

триглицеридлар, липопротеидлар сони ошиб кеташи, натижада атеросклероз ривожланади. Бу эса қариш жараёнини янада тезлаштиради.

Қариш жараёнида хужайрајлар функциясининг бузилиши ва нобуд бўлиши орган, тўқималар ва организм иш фаолиятини издан чиқаради, хужайрада дистрофик ва компенсатор ўзгаришлар юз беради.

Қариллик окибатида мия нейронлари 30-40%га, буйрак нефронлари, ўпка альвеолалари 30-50%га камаяди.

Қарышнинг асосий морфологик кўриниши орган ва тўқималарнинг атрофияси бўлиб, бу хужайраларнинг камайиши хисобига ривожланади. Ҳар бир орган тўқималарида атрофик хужайралар билан бир каторда нормал хужайралар ҳам учрайди. Атрофияга учраган хужайралар хисобига нормал хужайраларда гиперфункция ва гипертрофия содир бўлади. Яъни мослашув сабабли хужайраларда ядро сони кўпайиб, ундаги ДНК миқдори ортиб боради. Митохондрияларнинг умумий миқдори камайиши окибатида гигант формадаги митохондриялар пайдо бўлади. Хужайраларда органоидларнинг парчаланиши маҳсулоти бўлган фермент-липофуцин тўплана бошлайди ва хужайралар функциясининг ўзгариши кузатилади. Нейронларнинг маълумот қабул қилиш кобилияти пасаяди. секретор хужайраларда моддаларни синтез ва ажратиш процесси камаяди. Юрак хужайраларининг кисқариши пасаяди, хужайра мембраннынинг кўзгалиши, биоэлектрик хусусияти бузилади. Хужайраларда кальций ионларининг фаол транспорти бузилади, бу эса ўз навбатида хужайра функциясини издан чиқаради. Бириктирувчи тўқималарда коллаген толаларининг фибриллалари хусусиятини йўқола бориши ва ўзгариши кузатилади.

Мунозара учун саволлар.

1. Қарышик атрофияси деганда нимани тушунасиз?
2. Қарии жараёни ривожланшининг 4 хил хусусиятини санаб беринг.
3. Қарии жараёнида ҳужайрада қандай ўзгаришлар рўй беради?
4. Қарии жараёнининг нейрогуморал механизми деганда нимани тушунасиз?

ТЕКШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларда қарияларни клиник текшириши бўйича тушунчаларини ва ушбу текширувлар кўрсаткичларини аниqlаши бўйича амалий кўнкималарини шакллантириши

**Асосий мътлумотлар**

Қари ёшдаги беморлар тиббий ёрдамга мурожаат қилишганда уларни жамиятнинг тенг хуқуқли аъзоси, деб билиш ва уларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш зарур.

Тиббиёт ходимлари геронтологик bemорларда кечадиган касалликларни ўзига хос хусусиятларини, улар билан сухбатлашишни, уларни қандай парвариша ва даволашни билишлари шарт. Кекса одамлар текширилганда уларда 3-4 та касаллик аникланиши мумкин. Булар юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллиги, ўпка эмфиземаси, умуртка погонаси остеохондрози, катарактса, кулок оғирлиги, простата бези аденоидаси, онкологик касалликлар ва бошқалардир.

Қари одамлар организмида сурункали кечадиган касалликлар кўпроқ учрайди. Аммо ўткир ва инфекцион касалликлар ҳам учраб туради. Қарияларда патологик жараён жуда секинлик билан ривожланади. Шунинг учун улар тиббий ёрдамга кеч мурожаат қиладилар. Ўткир касалликлар клиникаси организмнинг қаршилик фаолияти пасайланлиги сабабли суст ифодаланган бўлади. Шу сабабли тиббиёт ходимлари катта ёшдаги одамларни текширишда, даволашда, парвариша шартни алоҳида кўнкималарга эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Диагностика учун, касалликнинг турли хил кўринишларини ўрганиш мақсадида bemорларни текширишнинг ҳар хил усусларини: сўраб суриштириш ва кўздан кечириш, тана ҳароратини ўлчашдан тортиб, лаборатория ва

функционал текширишларни ҳам ўтказиш зарурдир. Геронтологик беморларни текширишнинг субъектив ва объектив методлари мавжуд.

Субъектив текшириш, яъни сўраб суриштириш, беморнинг касаллик бўйича шикоятини, мазкур касаллик тарихини, ҳаёт тарихини, бошидан кечирган касалликларини, оила турмуши ва ирсият тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Беморларни сўраб суриштириш ҳамда анамнез тўплаш уларнинг хотираларига тааллукли бўлиб, қуидаги тартибда олиб борилади:

1. Орган ва системалар бўйича сўраб суриштириш.
2. Тиббий анамнез (бошдан кечирган касалликлари, жаррохлик амалиётлари, даволаш турлари ва уларнинг натижалари)
3. Оиласвий ҳаёт анамнези.
4. Ижтимоий анамнез.
5. Овқатланиш тартиби.
6. Рухий ва жинсий анамнез.

Кекса ёшдаги бемордан анамнез тўплаш тибиёт ходимидан усталикни талаб килади. Чунки, бундай беморларда эшлиши ва кўришнинг пасайиши, руҳий аҳволидан норозилик, инжиқлик ва эзмалик анамнез тўплаш вақтини узайтириб юборади. Гериатрик беморни сўраб суриштириш пайтида беморлар бемалол эшлиши аппаратидан фойдаланишлари керак. Бунда бемор қулогига бакириб гапириш, уни жеркиш ярамайди. Аксинча, секинроқ, равон гапириш, шифокор ва ҳамшира юзида ҳамдардлик ва беморга қизиқиш аломатлари акс этиши керак. Шундагина бир-бирларига ишонч уйгонади. Агар бемор касалхонага қариндошлари билан келган бўлса, унда шифокор ва ҳамшира аввал улар билан алоҳида сухбатлашиб олиши керак.

Беморнинг шикоятлари турли туман бўлиб, маълум бир касалликнинг клиникасига мос келмаслиги мумкин. Беморлар касалликнинг асосий белгиларига унча эътибор бермай, қарилик сабабли деб тушунтиришга уринадилар. Сийдик ва ахлатни тутиб туролмаслик ёки қабзият, камкуватлик,

бош айланиши каби белгилар оғир патологик ҳолатнинг белгиси бўлиши мумкин.

Илгари бошидан кечирилган касалликлар ва ўтказилган даволаш муолажалари, қабул қилган дори-дармонлар ва уларнинг натижаси сўраб ўрганилади.

Ижтимоий анамнез тўплашда гериатрик беморларнинг хаёти, турмуши сўраб суриштирилади. Уларнинг туар жой, майший шароитлари, санитария шароитлари билиб олинади. Беморнинг оиласвий муносабатлари, ким билан яшайди, тиббий ва ижтимоий ёрдамга мурожаат қилганми ҳамда унинг натижалари қандай бўлганлиги ўрганилади. Жуда эхтиёткорлик билан эр ёки хотиннинг ўлимини қандай қабул қилганлиги сўралади.

Беморнинг овқатланиш таркиби сўраб суриштирилганда, улар тўғри ва рационал овқатланадими, ёғлар ва углеводлар чекланганми, оқсилга бой овқатларни (гўшт, балиқ, тухум, сут маҳсулотлари) мунтазам истеъмол қиласадими ва овқатни чайнашда тиш протезларидан фойдаланадими, деган саволларга жавоб топиш керак.

Руҳий анамнезни йигишдан максад, bemорда хавотири – депрессив ҳолатлар, ўз жонига қасд қилиш, руҳий тушкунликка тушиш ҳолатлари кузатиладими ва бу ҳолатларни нима билан боялашини билиб олишдир.

Бемордан жинсий анамнез йигилганда, жинсий хаёт билан яшаш-яшамаслиги, фарзандлари бор-йўклиги, клиакс ва унга алокадор касаллик кўринишлари (бошга дув этиб қон қуишлиб келиши, бош оғриклари, кўзғалувчанлик) качон пайдо бўлганлиги тўғрисида сўраб кўрилади.

Геронтологик bemорлар объектив текширилганда айрим органлар зарарланиши бутун организм фаолиятининг бузилишига сабаб бўлишини эсда тутиш зарур. Объектив текшириш қуидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Беморларни кўздан кечириш.
2. Пальпация.
3. Перкуссия.

4. Аускультация.

5. Асбоблар билан ва лаборатория текшириш методлари.

Тиббиёт ходимлари кекса ёшдаги беморларни алоҳида парвариш қилишлари, этика ва деонтология қоидаларига вижданан амал қилишлари. кекса ёшдаги беморлар руҳий ҳолатини тушунишлари зарур.

Бундай беморларни даволашда уларнинг касаллик тарихи билан бир каторда ижтимоий психологияк аҳволи билан ҳам танишиш керак. Оила шифокори ва ҳамшираси гериатрик беморлар аҳволи билан яқиндан танишиб чиқиб, тез-тез уйларига бориб улардан хабар олишлари зарур. Айниқса, ёлгиз яшайдиган қарияларнинг ижтимоий, руҳий ва жисмоний аҳволини билиш гериатрик ёрдамнинг асосий вазифаларидан биридир.

Касалхонада қарияларга кенг шароитлар яратиш, улар билан кўпроқ сухбатлашиш, ҳаётга қизиқишиларини орттириш лозим.

Ҳамшира бундай беморларни овқатлантириши, ювинтириши ва кийинтириши, улар билан психологик алоқа ўрнатиб, ўзига ишончни орттириши керак. Қари беморларни касалхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбур килмаслик лозим.

Гериатрик беморлар ўз ўтмишлари ҳакида фахрланиб гапирадилар. Уларни кўпроқ ўтмиш ва ўтмиш воқеалари, ютуклари қизиктиради. Улар келажак ҳакида ўйлаш ва гапиришдан, ўлимдан кўркадилар. Шундай пайтларда ҳамшира беморларни ҳаётлари сермазмун. фойдали ўтганлигини, ўз ота-оналиқ бурчларини яхши адo этганликларини, жамият учун катта фойда келтирганликлари ҳакида ишонтиришлари керак. Бу эса қарияларнинг согайишига ёрдам беради.

Ҳамширалар бундай беморларни аҳволи билан яқиндан танишиб чиқиб. тез-тез уйларига бориб улардан хабар олишлари зарур. Айниқса. ёлгиз яшайдиган қарияларнинг ижтимоий, руҳий ва жисмоний аҳволини урганиб, керакли ёрдам бериш гериатрик ёрдамнинг асосини ташкил этади. Оила шифокори ва ҳамширалари қарияларни бўш вактларида руҳан

тетиклаштирувчи ва согломлаштирувчи тадбирлар, сұхбатлар ташкил этишлари, фаол ҳаракатлануувчи тадбирларни жорий этиб, рационал овкатланишларида антисклеротик ва энергетик сарфни камайтирувчи пархез тайнинлашлари керак.

Бундай беморларни парваришилашда уларнинг уйқулари бетартиб бўлишини эсда тутиш зарур, яъни кундузи кўп ухлаб, кечаси сергак юришларини эсда тутиш керак. Бундай ҳолларда уйқусизликнинг олдини олиш учун ухлатувчи дорилар тайнинлаш ўрнига кечқурун тоза ҳавода сайр қилишни, оёқ ва белларни енгил уқалашни, оёкларни иссиқ кўрпага ўраб ётишни тавсия қилиш жоиз. Кундузги уйкуни эса бирор қизикарли машгулот билан алмаштириш керак. Масалан, китоб, журнал, газеталар ўқиш билан.

60 ёшдан ошган одам организмидаги кўкрак қафасининг сүяқ мускул скелетида дистрофик-дегенератив ўзгаришлар рўй беради. Кўкрак қафаси деформацияланиб бочкасимон тус олади ва ҳаракатланиши чекланади. Бу ўзгаришлар ўпка вентиляциясига ножўя таъсир кўрсатади. Бронх деворини мускул қавати атрофияга учраб тораяди. шилимшик тўпланади. бронхларнинг перистальтикаси пасайиб балғам кўчиши сусаяди. Ўпканинг бириктирувчи тўқимасида деструктив ўзгаришлар рўй беради. Ўпка артерияси ва артериолаларида ривожланган фиброз уларнинг эластиклигини пасайтиради. Ўпка тўқимасидаги ёшга алокадор ўзгаришлар унинг тириклик сигимини анча камайтиради.

Кекса ва ёши қайтган одамларда артериал қоннинг кислород билан тўйиниши пасаяди, артериал гипоксемия ривожланади.

Қарилик оқибатида буйраклар ва сийдик ажратиш аппарати фаолияти ҳам ўзгариади, уларнинг концентрацион хусусияти камайиб, тунги диурез кўпаяди. Қариликда уйқу пайтида сийдик ҳосил бўлишининг физиологик тўхталиши кузатилмайди. Эркакларда кўпроқ простата безининг адено маси пайдо бўлади. Тунги диурезнинг ортиши ҳам кексалар уйқусининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун кечки пайтда суюқликларни, чойни кўп истеъмол қилиш

чекланади. Иложи борича сийдик учун идиш хоналарга берилади. Чунки кариялар кечқурун йиқилиб тушишлари мумкин.

Йиқилиш ва баҳтсиз ҳодисалар кариялар ҳәтида тез-тез учраб туради. Бунга кўриш, эшитишнинг пасайиши, мувозанатнинг бузилиши, бош айланиши, камқувватлилик, оёқ мушакларининг бўшашганлиги сабаб бўлиши мумкин. Қарилекда сүякларда бўладиган остеопороз ҳолати сүякларнинг сининини осонлаштиради. Шунинг учун хоналарда, коридорларда, ванналарда кексаларнинг юришига ҳалакит берадиган ортиқча нарсалар бўлмаслиги зарур. Ваннахонада уларни ёлгиз қолдириб бўлмайди, пол сирпанчик бўлмаслиги керак. Сувнинг ҳарорати 35°C дан ошмаслиги керак. Ваннахонада таянч мосламалари бўлиши шарт. Коридорларда девор бўйлаб ушлаб юриш учун махсус мосламалар бўлиши кексаларнинг юринини осонлаштиради, йиқилиб тушиш ҳавфини камайтиради.

Замонавий даволаш муассасаларида барча хоналарда сигнализация, икки ёкли телефон алоқаларининг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бемор кровати 60 см. дан паст бўлмаслиги ва функционал кроват бўлиши керак. Ёстиклар ва кўрпалар юмшоқ, иссик бўлиши лозим. Хона ёруг, шинам, овқатланиш столи ва алоҳида лампа бўлиши талаб этилади. Хона ҳарорати $20-23^{\circ}\text{C}$ да бўлгани маъқул.

Кекса ёшда бадан терисининг юпқалашиши сабабли терининг ҳимоя вазифаси бузилади. Шунинг учун кекса ёшли bemorларни ҳафтада 1-2 марта чўмилтириш зарур. Терининг қуруклашган жойларига кремлар суртилади. Оёқ тирноклари мўрт, қаттиқ бўлиши сабабли уларни иссик, ёғли сувда буглаб, қадоқларни кунжут мойи билан юмшатиб, кейин олиб ташланади.

Беморларнинг ташки қиёфасига ва кийинишига эътибор бериш, соchlарини турмаклашга, тараб қўйишга ёрдам бериш уларнинг кайфиятини кўтаради ва согайишига ёрдам беради.



Мунозара учун саволлар.

1. Геронтологик беморларда кечадиган касалликларнинг ўзига хос хусусиятларини сўзлаб беринг?
2. Беморларни субъектив төкшириши деганда нимани тушунасиз?
3. Объектив төкшириши кетма-кетлиги қандай амалга оширилади?
4. Кекса ёшдаги bemорларни даволашда нималарга эътибор берииш керак?

2-БОБ. НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ

1-МАВЗУ

НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИДА ЁШГА АЛОҚАДОР ҮЗГАРИШЛАР

Ўқув мақсади

Талабаларнинг кексалар нафас олиш тизимидаги ёшга алоқадор үзгаришлар түғрисидаги билимларини чуқурлаштириш.



Асосий мәғлұмомттар

 **Нафас олиш тизими.** Нафас органларининг шиллик қаватларида қариш жараёнида атрофик үзгаришлар пайдо бўлади. Бронх деворларида дистрофик, склеротик үзгаришлар юзага келади ва бронхлар деформациялари кузатилиши мумкин. Ўпка эластиклиги камаяди, размерлари кичраяди, альвеолалар шакли ўзгаради, базал мембрана қалинлашади. Нафас олиш ритми тезлашиб, аритмия вужудга келади. Ўпканинг ҳаётий сигими камаяди. Альвеолалар орасидаги түсиклар емирилиб, катта альвеолалар пайдо бўлади ва қарилек атрофик эмфиземаси ҳамда пневмосклероз ривожланади. Бу эса бронх ўтказувчанлигининг ва нафас мушаклари кучининг пасайишига, кўкрак қафаси ригиддигини ошишига олиб келади.

Кексаларда нафас йўли ва ўпканинг сурункали касалликлари оқибатида ўпка тўқимаси ва бронхларда бириттирувчи тўқима ўсиб кетиши мумкин. Гериатрик беморларда сурункали бронхит, пневмониялар, ўпка сили, бронхиал астма касалликлари оқибатида ўпка эмфиземаси пайдо бўлади.

2-МАВЗУ

НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларнинг кексалар нафас олиш тизими касалликлари түғрисидаги билимларини чуқурлаштириш.



Асосий мәғлұмомттар

 **Ўткир бронхит** – бронхларнинг ўткир яллигланиши бўлиб, кексаларда грипп ва ўткир респиратор касалликлар оқибатида, асосан бронх шиллик

пардалари заарланиши билан давом этувчи яллигланиш ҳисобига келиб чиқади. Шунингдек, ўткир бронхит турли хил юқумли касалликлардан сўнг: қизамиқ, кўйкўтал, бўғма, ич терлама хасталикларидан қолган асорат сифатида юзага келиши мумкин. Касаллик кечишига қараб З турга бўлинади: *енгил, ўртacha оғир, оғир.*

Беморлар ланжликга шикоят қиласидар, тўш орқаси ачитаётгандек, тирналаётгандек бўлишини айтишади. Тана ҳарорати меъёрида ёки субфебрил бўлади. Аввал йўтал қуруқ бўлади, кейин шилимшик йирингли балғам кела бошлайди. Беморларда салбий омиллар устунлик килганда, айниқса, аллергик ҳолат бўлганда касаллик чўзилиб кетади. Аускультацияда кўпинча хуштаксимон, гоҳо яккам-дуккам нам хириллашлар эшитилади, бунда нафас чиқариш узайиб, нафас олиш кийинлашиб қолади.

Кексаларда яллигланиш бронхиолаларга ҳам тарқалиши мумкин. Бронхиолит қўшилгач, bemor аҳволи ёмонлашади, ҳансираш кузатилади, интоксикация кучаяди, тахикардия, гипотония, юрак етишмовчилиги кўшилади. Беморни даволашда. албатта, ётоқ режими тайинланади. Ўпка вентиляциясини енгиллаштириш мақсадида bemor ярим ўтирган ҳолда ётгани маъқул. Кексаларда пневмония, нафас етишмовчилиги кабилар тез пайдо бўлади. Шунинг учун антибиотиклар, сульфаниламидлар тайинланади (ампициллин, эритромицин, бисептол).

Йўталга карши либексин, амброзан, иситмага карши ацетилсалацил кислотаси, балғам кўчирувчи дорилар – термопсис, мукалтин, бромгексин буюрилади. Натрий гидрокарбонат, ментол, эвкалипт эритмалари ингаляциялари тавсия килинади. Горчичниклар, спиртли компресслар кўкрак кафасига кўйилади. Бемор тўғри даволанса, касаллик асосан соғайиш билан тугайди.

Сурункали обструктив ёки нообструктив бронхит – бронх деворининг диффуз яллигланиши бўлиб, кексаларда энг кўп учрайди. Касалликнинг сабаби

ўткір бронхитлар. юқори нафас йўлларининг сурункали заҳарли омиллар таъсири, касб касалликлари, чекиш, зах иклим таъсири бўлиши мумкин.

Беморни қуруқ ёки балғамли йўтал, ҳансираш, дармонсизлик, салга чарчаб колиш безовта килади. Балғам шизимшик. Йирингли характерда бўлиши мумкин. Йўтал совук тушиши билан ёки зах жойларда кучаяди. Аускультацияда дагал нафас, қуруқ ва нам хириллашлар эшитилади.

Бронхлар ўтказувчанинг бузилиши эмфизема пайдо бўлишига, деструктив ўзгаришлар эса бронхоэктазларга олиб келади. Бу ўзгаришлар нафас етишмовчилигини келтириб чиқаради. Аллергик компонент қўшилса бронхиал астма пайдо бўлиши мумкин. Сурункали бронхитда нафас етишмовчилигини аниклашда ҳансирашга эътибор берилади.

I - даражали нафас етишмовчилигида ҳансираш жисмоний зўриқиша пайдо бўлади, тезда чарчашиб кузатилади, цианоз бўлмайди, нафас мускуллари ўпка вентиляциясида иштирок этмайди.

II - даражали нафас етишмовчилигида ҳансираш доимий ҳолатда пайдо бўлади. Енгил цианоз кузатилади, чарчашиб кучли бўлади, нафас мускуллари вентиляцияда иштирок этади.

III - даражали нафас етишмовчилигида тинч пайтда ҳансираш, цианоз ва чарчашиб кучли ифодаланган бўлиб, нафас олишда ёрдамчи мускуллар ҳам иштирок этади.

Сурункали бронхитнинг энг кўп учрайдиган асорати ўчокли пневмония бўлиб, бунда bemor ахволи ёмонлашади ва ҳансираш кучаяди, адинамия, тахикардия пайдо бўлади. Сурункали бронхитнинг кўзиган даврида bemorларда делириоз ҳолат, психоз кузатилиши мумкин. Бу эса мия қон томирларидаги ёшга алокадор ўзгаришлар ва гипоксия туғайлидир.

Сурункали бронхитни даволаш асослари:

1. касалликни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш;
2. бронхлардаги яллигланиш жараёпини йўқотиш;
3. бронх ўтказувчанинги яхшилаш;

4. гипоксияга қарши курашиш;
5. организмнинг қаршилик қобилиятини ошириш.

Касаллик қўзиб турганда антибиотиклар (пенициллин, цефалоспоринлар) ва сульфаниламидлар (бисептол, сульфален) буюрилади. Бронхолитиклардан эуфиллин, теофиллин, беротек тайинланади. Балғам кўчирувчи, десенсибилловчи воситалар ва оксигенотерапия, физиотерапевтик муолажалар мақсадга мувофиқдир. Согайиш даврида беморга жисмоний машқлар, организмни чиниқтириш, тоза ҳавода сайд этиш, инфекция ўчокларини санация қилиш, чекиши ташлаш тавсия этилади.

Бронхиал астма – нафас йўлларининг сурункали касаллиги бўлиб, унинг асосида яллигланиш белгилари ётади. Яллигланиш бронхларнинг ўта сезувчан, гиперреактив бўлиб колишига, кейинги боскичларда эса бронх-ўпка аппарати тузилишининг катта ўзгаришларига, эпителиал қопламининг йўқолиб боришига, базал мембрана фиброзига, қадаҳсимон хужайраларнинг гипертрофияланишига сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар уларнинг ҳансираб колишига сабаб бўлади, кўкрак қафасида хириллаш. оғирлик пайдо қилиб, кечалари йўтал хуружига олиб келади.

Бронхиал астманинг қўйидаги сабаблари мавжуд:

1. Аллергенлар.

Чанг – 40-50 фоиз органик бирикмалар ва 50-60 фоиз анорганик моддалардан ташкил топган. Хонадонларда учрайдиган каналар (уй каналари) энг кўп тарқалган кучли аллерген бўлиб, уларнинг жаҳон буйлаб бронхиал астманинг шак-шубҳасиз асосий сабабчиси эканлигини тасдиқловчи далил ва исботлар бор.

Ҳайвон аллергенлари. Ҳонаки иссиққонли ҳайвонлар аллерген манбалари бўлиб, уларнинг секретлари (сўлаги), экскретлари ва кўчиб тушган эпителийси ва бошқалар шулар категорига киради. Болаларда аллергияланишининг юзага чиқишида кемириувчи ҳайвонлар катта рол йўнайди.

Овқат аллергенлари. Овқат аллергияси мезда-ичак йўли шиллик пардасининг эпителийси ва базал мембранаси томонидан макромолекулалар ҳолида бўладиган овқат қолдикларини қон оқимига кўпроқ ўтказиб юборилиши сабабли бошланади.

Дори аллергенлари. Пенициллин, стрептомицин, тетрациклин, сульфаниламидлар ҳамда аспиринга жавобан рўй берадиган аллергия ҳаммадан кўп учрайди. Илк бор нафас қисиб, бўғилиб колишларни баъзан дори аллергияси бошлаб беради ва бу прогностик жиҳатдан ёмон белги бўлиб. ушбу жараённинг зўрайиб бориши билан характерланади.

II. Инфекцион агентлар.

Инфекция қуйидаги тарзда бронхлар обструкциясини келтириб чиқаради
ва уни зўрайтириб боради:

- бактериал аллергияни шакллантиради;
- бронхларда (нафас олинганида тушувлари) аллергенларни кўпроқ конга
ўтказиб юборадиган шароит тугдиради:
- ноинфекцион аллергенларга сезувчанлик бусагасини пасайтиради;
- бронхлар ва ўпка хужайраларида бўлиб турадиган метаболизмни бекарор
холга келтиради, натижада бронхлар ўта сезувчан ва ўта реактив бўлиб колади.

III. Кимёвий моддалар.

Кимёвий заарли омиллар аксарият ишлаб чиқариш билан боялиқ бўлади.
Заарли кимёвий моддаларнинг кишига таъсири шу таъсирнинг муддати.
доимилиги ва даражасига бояликдир.

**Бронхиал астманинг клиник кечиши – нафас қисиши ва унинг авж олиб
боришида уч давр тафовут килинади.**

I - Хуруж даракчилари даври. Хуруж бошланишидан бир неча дақика,
баъзиди эса, бир неча соат илгари беморларда йўтал ёки томок ачишиши пайдо
бўлиб, кўз, қулок, баъзан териси кичишиб туради. Диурез хаддан ташқари
кўпаяди ва бошқа ўзгаришлар ҳам кўрилади.

II - бўғилиш белгилар даври. Бу пайтда бемор кўкраги “қисилиб”
бораётганинни сезади, тўла нафас чикара олмай қолади.

III - касаллик хуружининг кайтиш даврида беморнинг аҳволи бир оз
енгиллашади. Беморда йўтал кучайиб, бир талай балгам ажралиб туради.

Бронхиал астма диагнози ўз вактида қуйилган тақдирдагина уни
муваффакиятли даволаш мумкин. Бронхиал астмага қуйидаги клиник белгилар
хос: одамнинг вакт-бевакт ҳансираф туриши. ўпкада хуштакли
хириллашларнинг бўлиши, кўкракнинг қисилаётгандек бўлиб сезилиши ва
йўтал ҳамда унинг тунда ва ёрта саҳарда кучайиши характеристли.

Бронхиал астмани кўпинча қуйидаги касалликлардан фарқлаш катта
аҳамиятга эга.

1. Сурункали обструктив бронхит билан оғриган беморлар учун ҳансираш,
нафас олишга қийналиш хос бўлиб, одатда киши йўталгандга. жисмоний иш
килганда зўрайди ва беморга енгиллик келтирмайди.

2. Трахея ва йирик бронхлар экспиратор стенозига трахея ва йирик
бронхлар шиллик пардасининг вируслар туфайли тақрорланиб турадиган
яллигланиши, бактериал flora туфайли бошланган сурункали патологик
жараён, бронх-ўпка аппаратининг тугма нуқсонлари сабаб бўлиши мумкин.

3. Вирусли ўткир респиратор касаллар майданда бронхиолаларнинг тарқоқ тарзда обструктив заарланиши билан бирга давом этиб боради.

4. Ҳикилдон, трахея ва йирик бронхлар компрессияси баъзи ўсмалар, ёт жисмлар, овоз бойламларининг фалажи, полиплар, абсцесслар ҳамда қалқонсимон без ўсмаси туфайли юзага келади.

5. Юрек астмасини бронхиал астмадан ажратиб олиш жуда қийин. Кўпинча бронх-ўлка патологияси билан ҳам, юрак-томирлар патологияси билан ҳам касалланган бўлади.

6. Истерик астма аксари стресс вазиятларидан кейин ёш аёлларда ҳансираш хуружлари кўринишида намоён бўлади.

7. Уремик астма сурункали буйрак етишмовчилиги бор бўлган беморларда кўриладиган бронхлар обструкцияси ва бронхлар ўтказувчалигининг ўзгариши беморлар қонида азотли чиқиндилар ва мочевинанинг кўп тўпланиб қолишига боғлиқ бўлади.

8. Гижжа инвазиялар кўп холларда бронхлар обструкциясига, ёш болаларда бронхиал астма бошланишига сабаб бўлади.

9. Даво килингани билан тузалавермайдиган астма беморда гастроэзофагеал рефлюкс борлигидан далолат бериши мумкин. Қизилўнгачга караган диафрагма тешигининг чурраси ана шундай рефлюкс бошланишига олиб келади.

10. Респиратор оксалоз. Бу касалликнинг сабаби оксалат кислота алмашувининг бузилишидир. Ушбу касалликнинг клиник белгилари кўйидагилардан иборат:

- ирсий анамнез билан
- беморнинг климактерик ёшдалиги;
- аёл жинсида эканлиги;
- одамга азоб берадиган қурук йўтал тутиб туриши ва йўтал хуружи авжига чиқканда беихтиёр қовуқ бўшлиши;
- одамнинг ташки қиёфаси ўзига хос бўлиши;
- одатдаги давонинг наф бермаслиги;
- лаборатория маълумотлари;
- узок вақт мобайнида нормадан 1,5 баравар ортиқ оксалатурия бўлиб туриши билан изохланади.

Астмага қилинадиган даво клиник ва лаборатория кўрсаткичларини яхшилаш ва касллик устидан назорат олиб боришга эришишни кўзда тутади. Бронхиал астмани даволашда беморларни биргаликда ҳаракат қилиши ўргатиш, клиник ва функционал симптомларга караб астма оғирлигини аниклаш ва мониторлаш ҳолатини ўрганиб чиқиш, хавфли омиллар таъсиридан

холи бўлиш ёки улар устидан назорат олиб бориш, ҳар бир беморнинг ўзига яраша даво режаларини ишлаб чикиш.

Бронхиал астмада яллигланишга қарши воситалар ва таъсири узок, давом этадиган бронходилататорлар, яллигланишга қарши препаратлар кенг кўлланилади. Ёши ўтган беморларда, айниқса ёндош юрак касалликлари бўлганда атровент препаратини небулайзер орқали кўллаш жуда яхши натижалар беради, деярли салбий асоратлар кузатилмайди.

Даволашда “боскичма-боскич” ёндашиш астманинг нечоглик огирашиб бораётганига караб дориларнинг дозаси ва уларни неча марга ишлатиш ҳамда қандай ошириб боришни кўзда тутади. Бундан максад энг кам микдорда препаратлар кўллаб, етарлича наф олишга эришишдир. Астмани уч ой ичидаги назорат остига олишга муваффақ бўлинса, давони камайтириш ёки “пастки” боскичга тушириш тўгрисида мулоҳаза килиб кўриш мумкин. Булар умумий тавсиялар ҳисобланади. Алоҳида даво режаларини шифокор беморнинг индивидуал хусусиятлари ва астманинг қандай кечаетганига караб давом эттириши лозим.

Пневмония – ўпка тўқимасининг яллигланиши бўлиб, кўпинча касаллик кўзгатувчиси бактериялар, вируслар бўлиши кузатилади.

Кексаларда пневмониялар кўпинча бошқа бирор касалликнинг асорати сифатида ёки организмнинг каршилик кобилияти пасайгани сабабли мустакил касаллик тариқасида бошланади. Огириччи ва хирургик касалликлар билан оғириб, қимиirlамай ётадиган беморларда гипостатик пневмониялар ривожланиши мумкин.

Қаттиқ совқотиш, рухан зўрикиш, яхши овқатланмаслик ва нафас йўлларининг яллигланиш ҳоллари пневмонияга мойил қилиб қўядиган омиллардир.

Касаллик клиникаси бирдан бошланмайди, умумий беҳоллик, лоҳаслик, иштаҳанинг пасайиши кузатилади. Кексаларда қалтираш, кўкракда оғриклар каби симптомлар кузатилмаслиги мумкин. Беморлар объектив текширилганда юзи ва лабларида цианоз кузатилади, нафас тезлашган бўлиб, перкуссия, аускультацияда куруқ хириллашлар эшишилади. Пневмония сабабли кексалар юрагида миокардиодистрофик ўзгаришлар, буйраклар заарланиши кузатилади. Кон тахлилида лейкоцитлар нормада бўлиб, ЭЧТ баланд бўлади. Касаллик

клиникаси суст ифодалангани сабабли пневмония рентгенологик текширувнатижасига кўра аникланди. Даволашда касалликнинг дастлабки пайтларидан бошлаб антибиотиклар буюрилади. Ўпка тўқимасига яхши диффузия бўла оладиган антибиотиклардан цефалоспоринлар, ярим синтетик пенициллинлар яхши наф беради (3-жадвал). Кексаларни антибиотиклар билан даволашда кандидозларнинг олдини олиш мақсадида нистатин, леворин, поливитаминлар тайинланади. Қон айланиш системасида бўладиган асоратларнинг олдини олиш мақсадида кўрсатма асосида юрак гликозидлари, камфора бериш мақсадга мувофиқдир. Балгам суюлтирувчи ва кўчирувчи воситалар ва оксигенотерапия ўтказиш керак. Гериатрик беморларнинг иммунобиологик фаолиятини кучайтириш мақсадида, карши кўрсатма бўлмаса, биоген стимуляторлардан алоэ экстракти кўллаш мумкин.

ҚЎЗФАТУВЧИ ТУРИГА ҚАРАБ АНТИБАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

3-жадвал

Микроорганизм	1-катор	2-катор	Қўшимча препаратлар
Staphylococcus aureus	Оксациллин ёки цефалоспорин I	Котrimоксазол АМП/СБ, АМСЛКК	Ванкомицин, линкомицин, клиндамицин, хлорамфеникол
Enterococcus	Ампициллин ёки амоксициллин (+ гентамицин)	ПИП/ТАЗ	Ванкомицин, тетрациклин, хлорамфеникол, азлоциллин, карбенициллин, нитрофураны
Escherichia coli	Ампициллин ёки амоксициллин	Котrimоксазол, цефалоспорин I, цефалоспорин II	Цефалоспорин III, фторхинолон, тетрациклин, АМБ/СБ, АМО/КК, фторхинолон, азлоциллин, пиперациллин

<i>Proteus spp.</i>	Ампициллин ёки амоксициллин	Котримоксазол	Цефалоспорин II-III, АМБ/СБ, АМО/КК, фторхинолон, азлоциллин, пиперациллин
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	Норфлоксацин ёки ципрофлоксацин ёки офлоксацин	Цефтазидим	Имипенем, ПИП/ТАЗ, азtreонам, гентамицин, офлоксацин, цифoperазон
<i>Klebsiella pneumoniae</i>	Цефалоспорин II-III	Фторхинолон	Котримоксазол, хлорамфеникол, карбенициллин, гентамицин, имипенем
<i>Enterobacter spp.</i>	Фторхинолон	Цефалоспорин III	Гентамицин, амикацин, имипенем, азtreонам, Котримоксазол, ПИП/ТАЗ
<i>Serratia marcescens</i>	Цефалоспорин III фторхинолон	Имипенем	Гентамицин, мезлоциллин, ПИПДАЗ
<i>Chlamidia trachomatis</i>	Макролиды	Фторхинолон	Тетрациклин, доксициклин, хлорамфеникол, рифампицин
<i>Candida</i>	Флуконазол	Амфотерицин В, кетоконазол	Клотrimазол, миконазол

Пневмония билан огриган беморларга хамшира касаллик профилактикасини ва пайдо бўладиган асоратларни уқтириши зарур. Турли респиратор касалликларининг олдини олиш. организмни чиниқтириш, нафас гимнастикасини қилиш кераклигини ва чекиш мумкин эмаслигини беморлар билишлари шарт.

Ўпка эмфиземаси – бу альвеолаларнинг ҳаво кўпайиши туфайли чўзилиб, улар орасидаги тўсикларнинг бузилиши натижасида ўпка тўкимасининг шишинқираб туришидир. кетиши ва эластиклигининг йўколишидир.

Беморларни ҳансираш ва йўтал безовта қилади. Ҳансираш экспиратор характерга эга бўлиб, bemor юзида цианоз кузатилади, кўкрак қафаси бочкасимон шаклда бўлади. Бемор объектив текширилганда ўпкада перкутор кутича товуши, аускультацияда қуруқ ва нам хириллашлар эши билади.

Рентгенологик текширувда ўпка майдонлари тиниқлиги кучайган, диафрагма пасайган, харакатчанилиги чекланган бўлади. Беморларга бронхолитиклар, балгам кўчирувчи дори моддалар, оксигенотерапия, нафас гимнастикаси ва тоғ курортларида дам олиш тавсия этилади.

Кексаларда нафас йўли ва ўпканинг сурункали касалликлари оқибатида ўпка тўқимаси ва броңхларда биринкирувчи тўқима ўсиб кетиши мумкин, бу касаллик пневмосклероз деб аталади ва бунда bemorни ҳансираш безовта қилади. Рентгенограммада ўпка нақшининг ўзгариб қолгани, ўпка илдизидан чиқиб келаётган тарам-тарам соялар борлиги аникланади.

Ўпка сили. Кекса ва ёши улуғ одамлар организмининг қаршилик қобилияти пасайиши, уларда қандли диабет, пневмониялар кўп учраши сабабли ўпка сили ривожланиши мумкин. Кекса одамлар ўртасида ўпка кеч диагностика қилиниши, етарлича даволанмаслик ва рентген текширувлари кам ўтказилиши оқибатида ўпка сили кўпайиб кетмоқда.

Ўпка сили белгиларини, кўпинча, кариллик ёки шамоллаш, деб англашилади. Чунки, кексаларда сил клиникасида кўп терлаш, тана ҳароратининг кўтарилиши кам кузатилади, кўпроқ беҳоллик, озиб кетиш, йўтал, балгам ажралиши каби белгилари бўлади.

Беморлар балгамида микобактерияларини топиш жуда кийин. Рентгенографияда ва томографияда сил манзарасини кўриш мумкин.

Кексаларда силни даволаш учун химиопрепаратлар қўллаш мумкин. Стрептомицин, фтивазид, тубазид, ПАСК, препаратлари қўлланилганда bemor албатта стационарда бўлиши керак, чунки бу препаратлар юрак қон айланиш ва жигар системасига асорат қолдириши мумкин. Даволашда, кўрсатмага кўра, десенсибилловчи дори воситалари ва гормонлар қўлласа бўлади.

Ўпка сили билан огриган беморлар диспансер назоратида бўлишлари шарт. Ҳамшира беморнинг уйига тез-тез бориб, аҳволидан хабар олиши, гигиена қоидаларига риоя килишни, балгамни маҳсус туфданларда йигиб бориши зарурлигини кузатиши зарур.

Ўпка раки – ўпкадаги ҳавфли ўсма бўлиб, 40 ёшдан 70 ёшгacha бўлган беморларда кўп учрайди. Ўпка ракининг келиб чикишида чекиш, ўпканинг сурункали касалликлари ва ташки мухитдаги заарлар моддалар таъсири сабаб бўлади.

Касаллик аста-секин авж олиб боради. Беморни йўтал, кўкрак қафасидаги оғриклар безовта килади. Балгамда қон чиқиши мумкин. Ҳансираш, иштаҳанинг йўколиши, кахексия кузатилади. Тана ҳарорати ўртача бўлади. Лимфа тугунлари катталашади. Ўпка раки ташхиси рентгенологик текширувда қўйилади. Кексаларда ўпка ракини даволашда асосан консерватив даво буюрилади, оператив даво кам кўлланилади. Нур билан даволаш беморнинг иммунологик қобилятини сусайтириб юбориши мумкин. Шунинг учун у эҳтиёткорлик билан тайинланади. Химиотерапия ўтказиш мақсадида циклофосфан, тиофосфамид, 5-фторурацил қўлланилиши мумкин.

Ўпка раки билан огриган беморлар доимо назоратда бўлишлари керак. Ҳамшира беморга диккат-эътиборини кучайтириши, буюрилган доридармонларни, кўрсатмаларни ўз вактида бажариши зарур.

Нафас аъзолари касалликларида шифобахш овқатланиш асосий касалликнинг хусусиятларига, унинг клиник кечишига таяниб тузилади. Ўткирва сурункали яллигланиш жараёнида бемор мижози иссиқлик томонга ўзгаради, буни ҳисобга олиш зарур. Бемор рационида уни ҳазм аъзоларининг ҳолати ва организмнинг моддалар алманишуви бузилишлари ҳам ҳисобга олинади.

Ўпкадаги йирингли яллигланиш билан кечадиган касалликлар, экссудатли плевритлар, ўпка силида bemor овқатланишини кучайтириб, ортиқча йўқотилган оксиллар ва витаминлар етишмовчилигини тиклаш организмнинг сил ва носпешифик ўпка инфекцияларига чидамлилигини

оширади. Нон ва нон маҳсулотлари, шўрва, ош, ёғсиз гўшт, сут, қатик, тухум, макарон маҳсулотлари, мева ва сабзаватлар, шириналликлар, турли ичимликлар, шарбатлар, наъматак суви тавсия этилади.

Бемор жуда ёғли гўшт, товук, қўй ва мол ёғлари, думба ёғи, креми кўп тортлар истеъмол қилиши мумкин эмас.



2-боб бўйича саволлар

1. Нафас олиши тизимида ёшига боғлиқ қандай ўзгаришилар кузатилади?
2. Сурункали обструктив бронхит ривожланнишига олиб келадиган асосий сабабларни санаб беринг.
3. Кексаларда сурункали бронхитни даволашнинг асосий принципларини айтинг.
4. Кексаларда зотилжамнинг клиник кўриниши ва уни даволашнинг ўзиға хос хусусиятларини санаб беринг.
5. Кексаларда пневмониянинг олдини олишига йўналатирилган профилактика ишларини айтиб беринг.
6. Кексаларда бронхиал астмани клиник кўриниши ва даволашнинг ўзиға хос хусусиятлари қандай?
7. Нафас олиши тизими касалликлари билан оғриган bemorлар учун овқатланиши рағиони қандай бўлиши зарур?

ЮРАК ҚОН-ТОМИР ТИЗИМИДА ЁШГА АЛОҚАДОР ЎЗГАРИШЛАР

Ўқув мақсади

Талабаларнинг кексалар юрак қон-томир тизимидағи ёшга алоқадор ўзгаришлар түгрисидаги билимларини чукурлаштириш.



Асосий мәттүс мөттәләр

 Юрак-қон томир тизими. 60 ёшдан ўтган одам юрагининг огирилиги камаяди, бўшликлари кенгаяди, эндокард қалинлашади, кардиомиоцитлар атрофияга учрайди. Қон томирларининг ички қавати қалинлашади, эластиклиги камаяди. Юрак қисқаришлари ритми секинлашади, гемодинамика ва кардиодинамика ўзгаради.

Миокарднинг қисқариш қобилияти ва энергетик жараённинг сустлашиши юрак етишмовчилигига олиб келади. Қон айланиши регуляциясининг бузилиши, конда вазопрессин микдорининг ортиб кетиши, буйракларда қон айланишининг бузилиши артериал гипертензияга олиб келади. Коронар қон томирларнинг склерози эса юрак ишемик касаллигига сабаб бўлади.

Кексаликдаги юрак хасталирининг асосини атеросклеротик ўзгаришлар ташкил этиб, бу гериатрияниң мухим муаммоларидан бири хисобланади.

Атеросклероз 45-59 ёшларда бошланиб, организмнинг каришини тезлаштиради. Атеросклерозни ривожлантирувчи омиллар: беморнинг ёши, жинси; холестерин ва липопротеидларнинг ошиб кетиши; артериал босимнинг ошиб кетиши; чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш; қандли диабет; овқат омиллари, семизлик; асабийлашиш, кўп ҳаяжонланиш; ирсий омиллар; кам ҳаракатланиш; қон иувучанлигининг издан чиқиши.

Атеросклерознинг ривожланишидаги асосий омил бу гиперхолестеринемия ва гиперлипопротеинемиядир. Атеросклерознинг кўп учрайдиган турлари аорта склерози, кардиосклероз, мия томирлари склерозидир. Атеросклерознинг олдини олиш учун уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш лозим.

40 ёшдан ошган барча беморларда холестерин, триглицерид ва липопротеидлар миқдори текширилади. Беморларга холестерини кам бўлган овқатлар буюрилади ва турмуш тарзини ўзгартириш тавсия этилади. Антисклеротик моддалар 3 гурухга бўлинади:

1. Холестеринни ичаклардан сўрилишига қаршилик қилувчи моддалар. Булар – диоспонин, полиспонин, денгиз карами.

2. Холестеринни парчаловчи моддалар. Булар – линестол, арахидн, холестирамин.

3. Холестерин ҳосил бўлишига қаршилик қилувчи моддалар. Булар – клофибрейт, мисклерон.

Бундан ташқари ўт ҳайдовчи воситалар, липотроп моддалар (холин, метионин, лецитин), йод препаратлари, аскорбин кислотаси ҳам холестерин миқдорини камайтиради. Никотин кислотаси, В₁ В₆ Е, Р витаминлар атеросклерознинг олдини олиш ва даволашда қўлланилади.

2-МАВЗУ

ЮРАК ҚОН-ТОМИР ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларнинг кексаларда кўп учрайдиган юрак қон-томир тизими касалликлари тўгрисидаги билимларини чуқурлаштиради.



Асосий маълумотлар

Ёши улуг ва кекса ёшдаги шахсларда юракнинг ишемик касалликлари, юрак тож томирлари ва артерияларнинг склерози оқибатида келиб чиқади. Атеросклерозни келтириб чиқарадиган артерияларининг торайиб қолиши ва миокардда ишемия пайдо бўлиши атерувчи омиллар ва кексаликдаги ўзига хос ўзгаришлар юрак ишемик касалликларининг ортишига сабаб бўлади. Энг кўп учрайдиган юракнинг ишемик касалликлари булар – стенокардия, миокард инфаркти, кардиосклероз ва коронар етишмовчилигидир.

ЮРАК ҚОН-ТОМИР ТИЗИМИ ПАТОЛОГИЯСИ ВАРИАНТЛАРИ

Тадқиқотлар 80 ёшгача бўлган кексалар орасида ўтказилган (Brocklehurst's Textbook of Geriatric Medicine and Gerontology fifth ed. Churchill. – Livingston, 1998.– Р. 259 бўйича кўчирма)

Юрак қон-томир тизими патологияси	%
ЮИК	43
Атеротромботик табиатли инсультлар	26
Периферик артериялар ҳавзасидаги касалликлар	24
40 ва 100%ли уйқу артериялари стенози	16
Юрак димланиши	22
АГ	38
Аорта стенози	17
митрал клапан кальцинози	48
митрал регургитацияси	33
Аорта регургитацияси	29
Ревматик митрал стенози	1
Гипертрофик кардиомиопатия	4
Хилпироқ аритмия	13
Кардиостимулятор имплантацияси	4
Зарб ҳажмининг камайиши	23
Чап қоринча гипертрофияси	43
Чап бўлмачанинг кенгайиши	34

СТЕНОКАРДИЯ

Стенокардия – кўкрак қисиши миокардни қон билан етарлича таъминланмай колиши бўлиб, 60 ёшдан ошган беморларда юрак қон айланиши доирасида ёшга алоқадор, атеросклеротик ва органик ўзгаришлар окибатида пайдо бўлади. Юрак соҳасидаги оғрик бундай bemорларда типик ҳол бўлади.

Стенокардия атипик күринишида. яғни гастралгик, астматик, огриксыз күринишиларда бўлиши мумкин.

Огриксыз стенокардия 60-70 ёшдаги беморларда 25%. 80-89 ёшларда стенокардия 45%, 25-59 ёшлардаги одамларда эса 2-3%да учрайди.

Кекса ёшдаги беморларда стенокардия хуружи ўзгача кечади. Хуружнинг вегетатив аломатлари суст кузатилади. Огрик кучли бўлмайди, балки огирилик каби, кисилган ҳисдек бўлиши мумкин. Секинлик билан ривожланади ва факат жагларга, бўйинга иррадиация беради. Кўпроқ неврологик симптомлар намоён бўлади. Бундай беморларда хуруж сабабчиси об-ҳаво ўзгаришлари ва кўп овқат истеъмол қилиш бўлиши мумкин.

Стенокардиянинг профилактикаси ва давоси огрик хуружининг қандай шароитларда пайдо бўлишига боғлиқдир. Хуружлар ортиқча асабийлашишга алоқадор бўлса, беморга тушунтирилади. Унинг турмуш ва ишида қулай шароит яратиш лозим. Унга етарлича дам олиш, тинчлантирувчи препараллар ичиб юриш тавсия қилинади. Ош тузи, ёғлар, углеводлар қабул қилиши чеклаб қўйилади. Хуруж пайтида нитроглицерин ёки валидол тил остига қўйилса ёрдам беради.

Агар бемор нитратларни кўтара олмаса, 5 мг. дан тил остига нифедипин ёки В – адреноблокаторлардан бири буюрилади.

МИОКАРД ИНФАРКТИ

Миокард инфаркти – юрак тож артерияларининг тромб билан тикилиб колиши ва миокарднинг озиқлана олмай некрозга учрашидир. Ёши улуг ва кекса ёшдаги беморларда миокард инфаркти кўпроқ учрайди. Бунга сабаб:

1. Коннинг ёшга алоқадор биохимик ўзгаришлари ва қўйилишга мойиллиги.
2. Юрак кон томирларида ёшга алоқадор склеротик ўзгаришлар.
3. Гемодинамиканинг ёшга алоқадор ўзгаришлари.

Миокард инфаркти клиникасида ўзига хос фарклар мавжуд. Огрик кучли бўлмаслиги, иррадиация ва жойи турлича бўлиши мумкин. Ёш ўтган сари

инфарктнинг атипик формалари кўпроқ кузатилади. Масалан, абдоминал, гастроалгик, астматик, аритмик, церебрал формалари. Ёши улуг беморларнинг 35% ва кексаларнинг 40 фоизида инфарктнинг оғриқсиз формаси кузатилади.

Бундай беморларда касаллик якуни ёмон бўлиб, бош мияда кон айланишининг бузилиши, қайта тақрорланувчи инфаркт ривожланиши мумкин. Юрак етишмовчилиги ва кардиоген шок, нафақат касалликнинг биринчи куни балки, кейинги кунлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу эса буйрак етишмовчилигига ва ишемик инсультга олиб келади. Юрак ритмининг бузилиши, миокард ёрилиши ва чап қоринча билан ўнг қоринча орасидаги тўсик ёрилиши, тромбоэмболик асоратлар, юрак аневризмаси ривожланиши касаллик оқибатини ёмонлаштиради. Миокард инфарктидан ўлган беморларнинг 60% касалхонага ётқизилгунгача ҳалок бўлади.

Кексаларда миокард инфарктининг кечишида ўзига хос белгилардан яна бири майда ўчоқли инфарктни йирик ўчоқли инфарктга нисбатан кўпроқ учраши ва 60 ўшдан кейин 20-22% ҳолатларда инфаркт қайталанишидир.

Кексаларда миокард инфаркти атипик формада кечганилиги сабабли уни аниқлашда электрокардиография усули ёрдам беради. Бунда Т – тишча манфий бўлиб қолади, патологик Q – тишча пайдо бўлади, ST кесма изоэлектрик чизикдан юкорига ёки паст томонга сурилади.

Даволаш. Биринчи навбатда оғриқ хуружини тўхтатиш керак. Вена ичига 1-2 мл. морфин ва 0,5 мл. атропин сульфат юборилади. Артериал босимни кўтариш мақсадида кофеин, мезатон, кордиамин буюрилади. Юракнинг тож томирларида тромблар хосил бўлишини тўхтатиш мақсадида гепарин биринчи куни вена ичига, кейин 2-3 кун давомида ҳар 6 соатда 5000-10000 ТБ дан тери остига юбориб турилади. Фибринолитик воситалар билан даволаш кекса ўшдаги беморларда яхши наф беради, аммо 70 ўшдан кейин кўллаш тавсия килинмайди. Бемор функционал кроватга ётқизилади ва аҳволи тинмай кузатиб борилади. Унинг териси гигиенасига катта аҳамият берилади, ётоқ яраларининг олди олинади. Енгил ва осон ҳазм бўладиган овқат тайинланади.

Биринчи 24 соат мобайнида қимирламай ётиш режими, 7-12 кундан кейин эса ҳаракатланувчи режимда бўлиши керак.

Стационардан чикарилишида доимий жисмоний ҳаракатлар, пиёда сайд қилиш машқлари тавсия этилади. Чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш, асабийлашиш, оғир жисмоний меҳнат, югуриш тақиқланади. Беморга амбулатория шароитида электрокардиография килдириб туриши, В – адреноблокаторлар, аспирин ичиб юриши маслаҳат берилади. Юрак ритми бузилишига карши обзидан, новокайнамид, калий тузларини буюриш мумкин.

Миокард инфаркти билан оғриган bemорлар диспансер ҳисобида бўлиб доимо врач ва ҳамшира назоратида турадилар. Ҳамшира ва врач bemорларни уйига бориб хабар олиши, кариндошларига bemornинг парвариши, овқатланиши ва ҳаёт кечириши ҳақида зарур маслаҳатларни бориб туриши керак.

АРИТМИЯ

Ёши улуғ ва кексайган одамларда кардиосклерознинг белгиларидан бири аритмиялардир. Бунга сабаб юракда қон айланишининг етишмовчилиги, миокарднинг ишемияси ва юракда органик ўзгаришларнинг ривожланишидир. Кексаларда кўпроқ юракда органик ўзгаришларнинг ривожланиши оқибатида экстрасистолиялар, яъни юракнинг вактидан илгари қисқариши кузатилади. Бунда bemорга худди юрак иши тўхтаб қолгандек бўлиб туюлади. Объектив текширилганда пальпацияда пульс маромининг бузилганлиги аникланади. Юрак аускультациясида юрак ритмининг бузилганлиги эшитилади. Ташхисни аниқ кўйиш учун bemорга: электрокардиография (ЭКГ) текширувани ўтказиш лозим. Экстрасистолияни даволашда коронар қон томирларни кенгайтирувчи миокардни қон билан таъминланишини яхшиловчи, юрак етишмовчилигини бартараф этадиган воситалар тайинланади. Бунинг учун дигиталис препаратлари, строфантин, нитратлар, антиаритмик моддалар ва транквилизаторлар буорилади. Кўрсатмага кўра, новокайнамид вена ичига 5-10 мл. дан, лидокаин 10 мл.дан берилади. Экстрасистолияларни даволаш

мақсадида овқатдан кейин кунига 3-4 марта 20-30 мл. дан 10%ли калий хлор эритмаси мева сувлари билан ичириб турилади.

Пароксизмал тахикардиялар. Бу ритм бузилиши атеросклеротик кардиосклероз, миокард инфаркти, гипертонияда кузатилиб. юрак ритмининг бирдан тезлашиб, юрак қисқариш сонининг дакиқасига 180-250 тагача етиши ва бирдан секиналашиб, аслига келиб қолишидан иборатдир. Касаллик юрак ўйноги хурожлари билан кечади.

Кекса ёшдаги беморлар бундай аритмияларни бошидан жуда оғир кечирадилар. Бундай ҳолларда стационар шароитида кардиореанимацияда даволаниш буюрилади.

Қоринчаларнинг ҳилпиллаши, кейин фибрилляцияси клиник ўлим хисобланиб, бунда юракдан аортага қон отилиб чиқмай қўяди. Гериатрик bemорларда ҳам электр дефибрилляциясини ўтказиш мумкин.

Гериатрик bemорларда блокадалар, яъни юрак ва коронар кон томирларининг склеротик ўзгаришлари оқибатида юрак ўтказувчанлиги бузилиши кўп кузатилади. ЭКГ текшириш усули ёрдамида блокадаларнинг тури аникланади ва шунга қараб даволаш буюрилади. Блокадаларни даволашда мезатон, кофеин, эуфиллин, атропин қўлланилади. Морганьи – Адамс – Стокс синдроми ривожланганда, кескин брадикардия муносабати билан мияда кон айланиши бузилиши мумкин. Қоринчалар ритми кескин сусайиб қолади (30 тадан кам бўлади). Бу bemорларга вена ичига эуфиллин, мезатон ва кортикостероидлар буюрилади. Электрокардиостимуляция ўтказилиши керак. Врач ва ҳамшира бундай bemорларга жуда катта эътибор бериши ва уларни тинчлантириши керак.

РЕАБИЛИТАЦИЯ

Тиббиёт ходимлари гериатрик bemорларга профилактик ва реабилитация тадбирларини ўтказишни билишлари керак. Реабилитация ёки согликни тикловчи даво чораларининг мақсади гериатрик bemорларни ва ногиронларни

оддий турмуш тарзига қайтариш, мослаштириш, бегона одамларга мухтожликтан куткариш, ҳаёт сифатини яхшилашдан иборатdir.

Реабилитация мураккаб жараён бўлиб, у 4 турдан иборат:

1. Тиббий реабилитация – беморларни даволаш.
2. Психологик реабилитация – bemorlarни руҳий депрессия. тушкунликка тушиб холатидан чикариш.

3. Ижтимоий реабилитация – жамоатчилик ва оила даврасидаги ҳаётини тиклаш.

4. Мехнат реабилитацияси – меҳнатга лаёқатлиигини қисман ёки тўлиқ тиклаш.

Беморларни даволашни бошлишнинг ўзи тиббий реабилитация ҳисобланиб, унинг муваффакияти даво нечогли эрта бошланганлигига боғлик. Реабилитациянинг барча турлари бир-бири билан узвий алоқадор бўлиб, bemor соглигини тиклашга қаратилган.

Кексайган bemorларда реабилитация даври, издан чиккан функцияларнинг тикланиши, кўрсатилган давонинг нафи. жуда секинлик билан намоён бўлади. Гериатрик bemorлар реабилитациясида тиббиёт ходимларининг мувомаласи, хатти-харакатлари, беморда соғайишга ишонч уйғотиши катта аҳамиятга эга.

Бош мияда ўткир қон айланишнинг бузилишидан кейинги парҳез ёки фалажларда, жароҳатларда эрта бошланган реабилитацион тадбирлар, харакатлар, машқлар издан чиккан функцияларнинг тикланишига ёрдам беради. Mashqlarни аста-секинлик билан кўпайтириб бориш лозим. Bemor реабилитациясида меҳнат билан машгул бўлиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса bemorларни руҳан тетиклаштиради. Бундай bemorларнинг меҳнат шароитини енгиллаштириш, уларга қулай шароитлар яратиш керак.

ГЕРИАТРИК БЕМОРЛАРДА АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТИЛАРИ

Bemorларнинг ёши ошган сари arterial босим ҳам ортиб боради. Чунки йирик қон томирлар деволарида ёшга алоқадор ўзгаришлар кузатилади. Қон

томирлар эластиклигини йўқотади, эктазия ва чўзилиш рўй беради. Иккинчи томондан гериатрик беморлар кон томирларида атеросклеротик ўзгаришлар кон томирлар торайишига сабаб бўлади.

Кекса беморларда артериал босимнинг 160/90 мм.с.у.дан ортиб кетиши алоҳида текширув ўтказишни талаб қилади. 60 ёшдан ошган беморларда систолик (атеросклеротик) гипертония купрок учрайди.

Гипертония касаллиги (ГК). Кексаларда бу касалликнинг келиб чиқишида организмдаги артериал босимни бошқариб турувчи олий нерв фаолияти, мия пўстлоги ва гипоталамус функциясининг издан чиқиши сабаб бўлади. ГКнинг I босқичида беморлар уйқусизлик, тажанглик, тез чарчаш каби симптомларга унча аҳамият бермайдилар. Уларни факат бош айланиши ва бош оғриклари, ҳансираш безовта қилиши мумкин. Гипертоник кризлар клиникаси суст ифодаланган бўлиб бу ҳолат жуда хавфлидир. Чунки ўз вактида тез ёрдам кўрсатилмаса, беморда инсульт ёки ўткир юрак етишмовчилиги ривожланиши мумкин. ГК II босқичида АҚБ 180/100 мм.с.у.га тенг бўлади. Кризлар пайтида АҚБ 260/140 мм.с.у.га етиши мумкин. Кекса ёшдаги беморларда касаллик манзараси суст бўлишига қарамай, албатта инструментал – диагностик текширув ўтказиб кўриш зарур. ЭКГда левограмма, Т – тишчанинг патологик ўзгаришлари, ST – сегмент изоэлектрик чизикдан пастда, юрак чапга кенгайган бўлади. Конда умумий липидлар сони ошади. Гериатрик беморларда кўз тубини текшириш муҳим маълумотларни бермайди. Сабаби кўз тубидаги ёшга алокадор склеротик ўзгаришлар ва кўз гавҳарининг хиралашиб қолиши кузатилади.

Систолик (атеросклеротик) гипертензия. Бунда клиник белгилар суст бўлиши мумкин. Систолик босим ошиб, диастолик босим ўзгармайди. Бунга сабаб, йирик артерияларнинг атеросклероз оқибатида торайишидир.

Касаллик клиникасида бош айланиши, кулоклар шангиллаб туриши систолик босимнинг юкори бўлиши кузатилади. Бош оғриги безовта қилиши

мумкин. Беморларни субъектив белгилар унча безовта қилмаслига қарамай, тез-тез ЭКГ ўтказиб туриш керак.

Артериал қон босими кексаларда 135-140/85-90 мм.с.у күрсаткичларида бўлади. 60 ёшдан ошган шахсларда артериал қон босими 155/90 мм.с.у.га оша артериал гипертония ҳакида ўйлаш керак. Гериатрик bemорларда гипотензив воситаларни кўллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

1. Гипотензив моддалар дозасини 2-3 марта камайтириш керак.
2. Артериал қон босимини бирданига пасайтириб юборадиган препаратларни кўлламаслик (гангилю – блокаторлар, изобарин) зарур.
3. Раувольфия препаратларини, диуретикларни. В – адреноблокаторларни тайинлашда эҳтиёткорлик зарур.
4. Беморга невропатолог ва офтальмолог консультациясини мунтазам равишда ўтказиб бориш керак.

ЭКГ, қон ва сийдик таҳлили ўтказилиб турилиши даркор.

АГ ни бошқа касалликлар билан дифференциал даволаш

Касаллик, ёндош АГ	Препарат ғуруҳи
ЮИК: зўрикиш стенокардияси	β – Адреноблокатор Кальций антагонистлари*
Ўтказилган инфаркт миокард	β – Адреноблокатор Кальций антагонистлари **
Огриқсиз миокард ишемияси	β – Адреноблокатор Кальций антагонистлари
Ангиоспастик стенокардия	Кальций антагонистлари
Синусли брадикардия. СССУ	АПФ ингибитори Диуретик А – Адреноблокатор
Қоринча экстрасистолияси	β – Адреноблокатор

Коринча усти аритмияси	Кальций антагонистлари
Гиперхолестеринемия Дислипидемия	Кальций антагонистлари АПФ ингибитори В – Адреноблокатор
Қанды диабет	АПФ ингибитори Кальций антагонистлари А – Адреноблокатор
Гипертрофик кардиомиопатия АД күтәрәлиши билан	β – Адреноблокатор Кальций антагонистлари
Сурункали обструктив бронхит, бронхиал астма	Кальций антагонистлари а – адреноблокатор АПФ ингибитори ***
СБЕ	Ҳалқали диуретик а – Адреноблокатор АПФ ингибитори ****
Жигар циррози	β – Адреноблокатор АПФ ингибитори
Остеопороз	Диуретик
Периферик кон-томирлар касаллуклари	АПФ ингибитори Кальций антагонистлари
Подагра	β – адреноблокатор Кальций антагонистлари Антагонист AT – рецептор
СІОЕ	Диуретик АПФ ингибитори Антагонист AT – рецептор В – Адреноблокатор
Инсульт	Кальций антагонистлари

Депрессия	Диуретик АПФ ингибитори
Глаукома	β – Адреноблокатор
Кизилүнгач диафрагмаси чурраси	β – Адреноблокатор АПФ ингибитори
Ич қотиши	β – Адреноблокатор

Гериатрик беморларда гипертонияни даволашда меңнат ва турмушнинг оптимал шароитларини яратиш, тинчлантирувчи военталар тайинлаш керак. Ош тузини чеклаш, яхши дам олиш, ухлаш, парҳез буюрилиши зарур.

Гериатрияда гипертоник кризларни бартараф этадиган воситаларидан бири дигазолдир. Унинг 0.5% эритмасини 2,0-4,0 мл. дан мускул орасига ёки вена ичига юборилади, диабзол билан даволашда ҳар 10 кунда ЭКГ текширилади. Юкоридаги даво наф бермаганды босқичма-босқич схема буйича даво буюриш мумкин.

I босқич – гипертензияда раувольфий препаратлари, диуретиклар монотерапия ўтказилади.

II босқичда – диуретиклар билан адреноблокаторлар биргаликда кўлланилади.

III босқич – гипертензияда, диуретиклар, адреноблокаторлар ва вазодилататорлар (апрессин) кўлланилади.

ГИПЕРТОНИК КРИЗДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПРЕПАРАТЛАР

Препарат	Миқдори	Таъсир бошланиши	Заарарли таъсири
Нитропруссид натрия	0.5-10 мкг/кг/мин. инфузия	Узок вакт	Кўнгил айниши Мушак учиши

Нитроглицерин	5-100 мкг/мин. инфузия	2-5 дақыла	Брадикардия, тахикардия, юз қизариши, бош оғриги
Фуросемид	20-60-100 мг.	2-3 дақыла	Гипотония, холсизлик
Пропранолол	5 мл. 0,1% эритмаси 15-20 мл. изотоник эритмада, секин	20-30 дақыла	Брадикардия
Клонидин	0,5-1 мл. 0,01% эритмаси 15-20 мл. изотоник эритмада, секин	15-20 дақыла	Үйқучанлик
Магнезий сульфат	5-10-20 мл. 25%	15-25 дақыла	Гиперемия юзда

ЮИК бор бўлган беморларда АГ ни даволашга тавсия этиш

(Арабидзе Г. Г. ва бошқалар, 1999 й.)

ЮИК шакли	1-қатор	2-қатор	Тавсия этилмайди
Стенокардия	β – Блокатор	Кальций антагонистлари, Диуретиклар	
Стенокардия, бузилиши билан	АПФ* ингибиторлари	В – Блокатор Амлодипин	Киска таъсирли дигидропи- ридин

Инфарктдан кейинги кардиосклероз	β – Блокатор ИАПФ	Диуретик	Қысқа таъсирили дигидропиридин
Юрак етишмовчилиги	АПФ* ингибиторлари Диуретиклар	β – блокатор	Кальций антагонистлари, амлодипин ва бошқалар

Гипотиазид кўлланилганда гипокалиемиянинг олдини олиш мақсадида 0,5 г. дан 3 маҳал калий хлор ва калийга бой бўлган олма, ёнгок, картошка, куруқ мевалар, ўрик тайинланади.

Касаллик профилактикасида асабларга зўр келадиган иш, тунги маҳалларда ишлаш, чекиш, спиртли ичимликлар ичиш таъкиланади. Қовурилган, ўткир таомлар, аччик кофе беморларга умуман таъкиланади. Беморларга диспансер кузатувида бўлиб, санаторий ва профилакторийларда дам олиш маслаҳат берилади.

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ

Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) – кўпинча юрак қон-томир касалликлари, баъзан бошқа сабаблар натижасида ривожланади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда СЮЕга ЮИК билан артериал гипертензия (АГ) бирга кечиши, ёки АГсиз ЮИК биринчи ўринда туради. Иккинчи ўринда АГ, учинчи ўринда ревматик иситмадан кейинги орттирилган юрак нуксонлари сабаб бўлади. СЮЕ анча вақт белгисиз кечиши мумкин. Беморларда асосан ҳансираш, организмда суюкликнинг тутилиши, тез чарчаш намоён бўлади. ЭКГдаги ўзгаришлар, рентгенда кардиомегалия ва ўпкада димланиш белгилари, қон ва пешобдаги ўзгаришлар кузатилади. СЮЕ билан оғриган bemорларни даволашда кўйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

- СЮЕ авж олишини олдини олиш, унинг профилактикаси;
- СЮЕ белгиларини бартараф этиш;
- Ҳаёт тарзини яхшилаш;

- Беморларнинг умранин узайтириш.

Қариялардаги СЮЕни АПФ-ингибитори билан даволаш

Халқаро номи	Бошлангич доза	Тутиб турувчи доза	Юқори доза
Каптоприл	6,25 мг.	25 мг. 3 маҳал	150 мг/сут
Эналаприл	2,5 мг.	10 мг. 2 маҳал	40 мг/сут
Фозиноприл	2,5 мг.	10 мг. 2 маҳал	40 мг/сут
Рамиприл	1,25 мг.	2,5-5 мг. 2 маҳал	10 мг/сут
Трандолаприл	0,5 мг.	1-4 мг. 1 маҳал	4 мг/сут
Периндоприл	2 мг.	2-4 мг. 1 маҳал	8 мг/сут
Фозиноприл	10 мг.	10 мг. 1-2 маҳал	20 мг/сут

Юрак ва томир касалликларида шифобахш овқатланиш-комплекс даволашнинг ажралмас қисмидир. Парҳез овқатланиш ана шу касаликларнинг асосий тури, уни келтириб чиқарган омиллар, юрак етишмовчилиги даражаси, моддалар алмашинуви холати, касаллик асоратлари ва bemor mijzozini hisobga olib tuziladi va amalga oshiriladi. Bemorlar racionida ёглар, aйниқса, ҳайвон ёги чекланиб, уларнинг маълум қисмини тўйинмаган ёг кислоталарига бой бўлган ўсимлик ёги билан алмаштирилиши фойдалидир. Уларнинг таркибида метионин, холин каби моддалар бўлган оксиллар бўлиши керак. Рационда аскорбин кислота ва В гурух витаминларини, никотинат кислотаси кўп миқдорда бўлиши мақсадга мувофик.

Беморларга 1 кун олдин ёпилган нон, тузсиз парҳез нон, шакар ва ёг солинган печенье, бисквит, кучсиз, ёғсиз шўрвалар, сметана, ёғсиз мол, кўй, товуқ, индюқ, балиқ гўшти, сут-катик маҳсулотлари, кўк пиёз, укроп, петрушка, компот, кисель, асал, карамель, наъматак суви бериш мумкин. Янги ёпилган нон, кучли, ёғли шўрва, ёғли пишлоқ, каттиқ пишган тухум, тузланган ва маринадланган сабзавотлар, дудланган маҳсулотлар, шоколад, пирожнийлар, кофе, какао, аччик қора чой, гўшт, думба ёглари бериш мумкин эмас.



3-боб бўйича саволлар

1. Юрак қон томир тизимида ёшига боғлиқ қандай ўзгаришилар кузатилади?
2. Атеросклероз ривожланишига олиб келадиган асосий хавф омилларини санаб беринг.
3. Кекса ва қарияларда миокард инфарктини ўшига хос клиник кўринишларини айтиб беринг.
4. Кексаларда гипертония касаллигининг ўшига хос клиник кўринишларини характерлаб беринг.
5. Кексаларда юрак етишмовчилиги сабабларини санаб беринг.
6. Кексаларда юрак етишмовчилигини даволаш.
7. Юрак қон-томир тизими касалликлари билан оғриган беморлар учун овқатланиши рациони.

4-БОБ. ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

1-МАВЗУ

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИГ ЁШГА АЛОҚАДОР ҮЗГАРИШЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсиди

Талабаларда кексалар овқат ҳазм қилиш тизимидағи үзгаришлар түғрисидеги билимларини чукурлаشتыради.



Асосий мәтілумоматтар



Ҳазм системаси. Сұлак безларининг функцияси пасайиши, тишларнинг тушиб кетиши, оғиз бўшлиғида овқатнинг механик майдаланишини ёмонлаشتыради, овқат ҳазм бўлишини бузади. Меъда ва ичак йўллари эпителийсида кариш жараёнида атрофик үзгаришлар бўлади. Меъда секрециясининг пасайиши гипоацид гастритни келтириб чиқаради. Жигар массаси камаяди, дезинтоксикацион функцияси пасаяди. Меъда ости безининг экскретор функцияси пасаяди.. Ингичка ичакда сурилиш жараёни бузилади, йўғон ичак перистальтикаси пасаяди. Натижада қабзият пайдо бўлади.

Ҳазм аъзолари фаолиятида қаришга тааллукли бўлган үзгаришлар кузатилади. Оғиз бўшлиғининг ҳажми кичрайиб, тишлар тўкила бошлайди. Тилдаги илсимон сўргичлар йўқолиб сўлак безлари камайиб кетади. Юздаги мимика ва чайнов мускуллари атрофияга учраб, чайнаш жараёнини қийинлаشتыради. Қизилўнгач деворларидаги секретор хужайралар камайиб, мускул қаватини бириктирувчи тўқима билан алмашади ва бу атрофик үзгаришлар қизилўнгачни узайтириб, овқат ўтишини қийинлаشتыради.

Меъда деворидаги атрофик үзгаришлар унинг юпқалашишига олиб келади ва секретор аппарат ишини издан чиқаради. 60 ёшдан ошган кишиларнинг 1/3 кисмida ахлоргидрия топилади. Ингичка ва йўғон ичак деворларидаги атрофик үзгаришлар ичакларнинг узайшига олиб келиб, ундаги овқатнинг сўрилишини сусайтиради. Ёш қайтган сари гепатоцитлар сони камайиб жигар массаси

кичрайиб боради. Бу эса жигарнинг антитоксик функциясини ва моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади.

Ўт пуфаги мускул қаватининг тонуси пасайиб унинг ҳажми катталашади, кисқариши сусаяди ва ўтнинг димланиб қолишига сабаб бўлади. Бу холат кексаларда ўт-тош касаллигини ривожлантиради.

Меъда ости безининг атрофияси оқибатида ациноз ҳужайралар камайиб, уларнинг ўрнини биректирувчи тўкима эгаллайди. Ациноз ҳужайрадаги секретор гранулаларнинг панкреатин ширасини ишлаб чиқариши камаяди. Меъда ости безининг оролчаларидаги В-хужайраларнинг камайиб кетиши кексалар конида глюкоза миқдорининг ортиқрок бўлишига сабаб бўлади.

Ёши улуг ва кекса одамларда дивертикуллар, эзофагитлар кўпроқ учрайди. Беморлар тўш оркасида ачишиш, оғриқ, оғзидан сўлак оқиши, овқат ютишнинг кийинлашиб қолишидан шикоят қиласидар. Бундай bemорларни консерватив даволаш мумкин. Оғриқ қолдирувчи, спазмолитик, дори воситалари ва витаминетерапия буюрилади.

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларнинг кексаларда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари тўғрисидаги билимларини чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар

Сурункали гастрит – кексаларда кўп учрайдиган касаллик бўлиб, меъда шиллик пардаси яллигланиши, секретор ва мотор функцияларининг бузилиши билан кечади.

Овқатланиш тартибининг бузилиши, кўп овқатланиш, спиртли ичимликларни кўп истесъмол қилиш, чекиш нейрогуморал регуляциянинг издан чиқиши касалликни келтириб чиқаради. Кексаларда кўпроқ ахлоргидрия ва ахилия билан кечадиган атрофик гастрити учрайди. Беморларни кўнгил айниш,

қайт килиш, ҳаво билан кекириш, эпигастрал соҳанинг оғир бўлиб туриши ва оғриқлар безовта қиласди.

Гериатрик беморлардаги сурункали гастритни миокард инфарктининг гастралгик шаклидан фарклаб олиш керак. Албатта ЭКГ ўтказиш лозим. Диагностика учун рентгенологик ҳамда лабораторияда меъда ширасини текшириш, цитологик текшириш керак. Сурункали гастритни даволашда овқатланиш тартибига риоя қилиб, чекиши, ичишга барҳам бериш зарур. Дорилардан ацидин-пепсин, панкреатин, фестал, панзинорм, но-шпа, церукал тайинланади. Сурункали гастрит билан оғриган bemорлар участка шифокори ва ҳамшираси кузатуви остида даволаниши ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириб боришлари керак. Ахилик гастритни меъда ракига ўтиб кетиш эҳтимоли бўлгани учун bemорлар йилида 1 марта комплекс текширувдан ўтиб туришлари лозим.

Меъда раки. Бу касаллик 50-70 ёшли bemорларда кўп учрайди. Меъда раки эркакларда аёлларга нисбатан 2-3 марта кўпроқ учрайди. Кексаларда меъда раки секин-аста ривожланиб, метастазларни кўпроқ беради. Bемор иштакханинг пасайиши ва эпигастрал соҳада оғриқ, ноқулайлик сезиш, озиб кетишдан шикоят қиласди. Bеморнинг озиб кетиши, конида гипохром анемия, рентгенологик ва цитологик текширувлар асосида меъда раки тасдиқланади.

Кексаларда юрак ва қон айланиши доираси касалликлари кўп учрагани сабабли оператив йўл билан даволашга шароит бўлавермайди. Консерватив давода оғриқ колдирувчи, тинчлантирувчи дорилар. Қон ёки эритроцитар масса қўйиш буюрилади. Овқат осон сингадиган, оқсил, ёғлар ва витаминларга бой бўлиши керак. Меъда ракининг олдини олиш учун ракдан олдин бўладиган касалликлар: хроник гастритлар, меъда яраси, меъда полипозига даво килиш керак.

Яра касаллиги. 60 ёшдан ошган bemорларнинг 20%да яра касаллиги учрайди. Яра касаллиги 2 хил бўлади:

- «эски» яра, бу bemор ёшлигига орттирган касаллиги;

- «қарилік» яраси, бу бемор кексайғанда пайдо бўладиган касалликдир. Қарилікда пайдо бўлган яра катта хажмда юкорида кардиал соҳада жойлашган бўлади. Меъда қон томирлардаги склеротик ўзгаришилар, шиллиқ пардадаги атрофик ўзгаришилар, сурункали меъда касалліклари қарилікда яра пайдо бўлиши учун шароит яратиб беради.

Касаллик клиникаси кам ифодаланган бўлиб, диагноз кўйишни кийинлаштиради. Факат инструментал текширувда ёки яра касаллиги асоратлар берганда, перфорация ёки қон кетганда аникланади. Кексаларда яранинг битиши қийинроқ бўлади.

12 бармоқ ичак ва ошқозон яра касаллигига медикаментоз терапия вариантлари (П.Я. Григорьев)

I вариант

Препарат	Миқдори	Давомийлиги
омепразол (лосек)	20 мг. (капсула) 2 маҳ. эрталаб кечқурун	10 кун
кларитромицин (клацид)	500 мг. (капсула) 2 маҳ. кунига 1000мг. овқат билан	10 кун
амоксициллин	500 мг. (капсула) 2 маҳ. кунига 2000 мг. овқат билин	10 кун
тетрациклин	500 мг. (таблетка) 2 маҳ. кунига 1000 мг. овқат билан	10 кун

метронидазол	500 мг. кунига 2 маҳ. овқ. кейин	10 кун
фуразолидон	0,2 г. кунига 2 маҳал овқат билин	10 кун

Одатда ушбу комбинация 10 кун мобайнида қўлланилади. Зарур бўлганда протон помпа ингибиторларин 6 ҳафта мобайнида давом эттирилади.

II вариант

Омепразол (Лосек)	20 мг. 2 маҳ. кунига	10 кун
Ранитидин	150 мг. 2 маҳ. кунига	10 кун
Де-нол	120 мг 4 маҳ. кунига	10 кун
Тетрациклин гидрохлорид	250 мг. 5 маҳ. ёки 500 мг. 3 маҳ. овқат билан	10 кун
Амоксициллин	500 мг. 4 маҳ. овқат билин	10 кун
Метронидазол	250 мг. 4 маҳ. кунига 500 мг. 2 маҳ. кунига овқат	10 кун

	билин	
Фуразолидон	0,1 мг. 3 маҳал кунига овқат билан	10 кун

Даволашда пархез тайинланади. Бунда холестеринга бой ёғли таомлар, аччиқ чой, кофе, спиртли ичимликлар ичиш тақиқланади. Овқат витаминга бой бўлиши керак. Консерватив даво учун антацид воситалар (алмагель, фосфалюгел) витаминотерапия, тинчлантирувчи, анаболик воситалар, биостимуляторлар, спазмолитиклар, метилурацил, солкосерил тайинланади. Физиотерапевтик муолажалардан 5%ли новокайн билан эпигастрал соҳага электрофорез тавсия этилади.

Перфорация, ярадан қон кетиш, стеноз каби асоратлар бўлса, оператив даво зарур.

Сурункали гепатит – жигар хужайраларидағи яллигли дистрофик ўзгаришлар билан характерланади. Кексалардаги сурункали гепатит ёшликда орттирган касаллиги оқибатида келиб чиқкан бўлиши мумкин.

Кексаларда сурункали актив гепатит оғирроқ кечади. Уларда дармонсизлик, тез чарчашиб, иштаҳанинг йўқолиши, кўнгил айниши, мудроқ босиши, бадан саргайиши, асцит пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Бунда жигар катталашиши, баъзан, талоқ катталашиши кузатилади.

Сурункали гепатит билан оғриган беморларда, касалликни фаол даврида умумий оқсил микдори камаяди. Сулема ва тимол синамалари мусбат бўлади. Умумий билирубин, липидлар ва ферментлар АлАТ ва АсАТ микдори ошган бўлади.

Сурункали гепатитни даволашда пархезга катта эътибор бериш керак. Ёѓлар чекланиб, оқсилга бой, калорияли, осон ҳазм бўладиган овқатлар тайинланади.

Липотроп воситалар, витаминотерапия, ўт хайдовчи қайнатмалар, спазмолитиклар, минерал сувлар буюрилади.

Сурункали актив гепатитда агарда кўрсатма бўлса, кортикостероидларни қўллаш мумкин. Беморларга санаторий ва курортларда даволаниш ҳамда дам олиш тавсия этилади.

Жигар циррози – (ЖЦ) фиброз ривожланиши ва паренхиматоз тугунлар пайдо бўлиши хисобига атзо структурасининг бузилиши билан характерланади. Гериатрик bemорларда жигар циррози кўп учрайди. Жигар циррози кўпинча сурункали гепатит оқибатидир. Жигар циррози алкогизм, захарланиш, инфекцион касалликлар, қандли диабет, оқибатида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шикоятлари: кучли ҳолсизлик, тез чарчаш, иш қобилиятининг пасайиши (астеник синдром), бурундан кон келиши, милклардан кон келиши (геморрагик синдром), иштаҳанинг пасайиши, корин шишиши ва катталалиши, ич келишининг бузилиши (диспептик синдром), корин ўнг қисмида ўткир бўлмаган оғриқ, терида кичишиш, тана ҳароратининг ошиши, озиб кетиш.

Объектив кўрувда: кўзга кўринган шиллик қаватлар, склералар ва тери сариклиги, корин олд девори веналарининг кенгайиши, кафт эритемаси, Дюплюитрен контрактураси, юзда майда ипсимон кон томирларини пайдо бўлиши, «томирли юлдузчалар» симптоми, эркакларда гинекомастия, жигар ҳажми, шакли ва консистенциясининг ўзгариши, спленомегалия, корин катталалиши, лаборатор ва сийдикнинг умумий таҳлили, тромбоцитлар ва ретикулоцитлар. копограмма, умумий оксил ва оксил фракциялари, умумий билирубин ва унинг фракциялари, АсАТ, АлАТ, ИФ, ГТТП, кондаги холестерин, мочевина, фибриноген, калий, натрий ва темир микдори, кон гурухи ва резус-фактор. зардобдаги темир микдори, ахлатни яширин конга текшириш, вируслар маркерлари (HBsAg, С. D гепатит вирусига антитаналар).

Инструментал текширувлар. УТТ – жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости бэзи. талок ва портал система томирлари, эзофагогастродуоденофиброскопия. Кўшимча текширувлар(кўрсатмалар бўйича): жигар биопсияси, биоптатни гистологик текшируви, коагулограмма, кондаги иммуноглобулинлар, параабдоминоцентез, асцит суюклигини биохимик, бактериологик ва цитологик текширувлари.

Күрсатма бўйича мутахассислар маслаҳати; окулист. уролог, гинеколог, хирург.

Даволаш чора-тадбирлари. Жигар циррози компенсация даври: (Чайлд-Пью бўйича А синфи 5-6 балл: билирубин < 2 мг. %, альбумин > 3,5 г. %. протромбин индекси 60-80. асцит ва жигар энцефалопатияси йўқ.

Панкреатин (креон, панцитрат, мезим ва бошқа ўхшашлар) I дозадан кунига 3-4 маҳал, курс давомийлиги – 2-3 хафта. Этиологик терапия: В вирусли жигар циррозида – ламивудин 100 мг.дан кунига 1 маҳал 6-12 ой давомида; С вирусли жигар циррозида – альфа-интерферон (роферон А ва Б.) 3 млн. ХБ дан ҳафтасига 3 марта 6 ой мобайнида.

Жигар циррози субкомпенсация даври: (Чайлд-Пью бўйича В синф – 7-9 балл: билирубин 2-3 мг. %, альбумин 2,8-3,4 г. %. протромбин индекси 40-59, жигар энцефалопатияси III даража, катта бўлмаган транзитор асцит).

Пархез, оксил чегараланган (0,5г/кг. тана оғирлигига) ва ош тузи (суткасига 2,0г. гача); Спиронолактон (верошпирон) кунига 100 мг. доимо; Фуросемид ҳафтасига 40-80 мг. дан доимо ва кўрсатмалар бўйича: Лактулоза (дюофалак) кунига 30-60 мл. кўрсатмага кўра; Ампициллин ёки неомицин сульфат кунига 0,5 г. дан 4 маҳал. Хар икки ойда 5 кунлик курс; В-блокаторлар(анаприлин, индерал) 10-20 мг дан 4 маҳал доимо.

Жигар циррози декомпенсация даври. (Чайлд-Пью бўйича С синф 9 баллдан кўпроқ: билирубин 3мг. %, альбумин 2,7% ва ундан кам, протромбин индекси 39 ва ундан кам, жигар энсефалопатияси 3-4 даражаси, катта торпид асцит).

Интенсив даволашнинг 10 кунлик курси. Терапевтик парациентез асцитик суюкликни бир марта чиқариш билан ва бир вақтнинг ўзида 1,0 л. олинган асцитик суюклик хисобига 50мл. 10% альбуминни ва 150-200 мл. полиглюкин эритмасини вена ичига қутиш.

Лактулоза (дюофалак) билан ҳўқна (1 литр сувга 75-100мл.), агарда қизилўнгач, мъєда-ичаклардан қон кетиш ҳақида маълумотлар бўлса ва қабзият бўлса.

Ампициллин ёки неомицин сульфат кунига 1,0 г. дан 4 маҳал, даволаш курси 5 кун.

Даволашнинг доимий узайтирилган курси: спиронолактон (вироширон) кунига 100 мг. дан ичишга доимо. Фуросемид 40-80 мг. ҳафтасига 1-2 марта, спиронолактондан кейин 4-куни.

Лактулоза (дюфалак) суткасига 30 мг. ичишга кўрсатма билан.

В – блокаторлар (анаприлин, индерал) кунига 10-20 мг.

Атоиммунли гепатитдан кейинги жигар циррози: Преднизолон кунига 5-10 мг. – доимий ушлаб турувчи доза.

Бирламчи билиар циррози: Урсодезоксихолли кислота (урсосан ва б.) кунига 750 мг. – доимий.

Гемохроматозда жигар циррози (жигар пигментли циррози): кон чиқариш (500 мл. дан ҳар ҳафтада, токи гематокрит 0,5 дан камайгунча ва зардоб темир боғлаш кобилияти 50 ммол/л дан камайгунча). Инсулин қандли диабет даражасини хисобга олган ҳолда берилади.

Вильсон – Коновалов касаллигидаги жигар циррози: Пеницилламин (купренил ва бошқа ўхшашлар), ўргача доза кунига 1000 мг. дан доимий қабул килинади. Сурункали В ва С вирусли гепатитнинг актив фазаси фонида ривожланган ва прогрессивлашиб бораётган жигар циррозида: альфа-интерферон (роферон А ва б.) вирус репликацияси бўлса ва юқори активлик даражасида буюрилади.

Жигар раки – кекса ёшдаги беморларда кўп учрайди. Корин бўшлигига учрайдиган хавфли ўсмаларнинг 50%и албатта жигарга метастаз беради. Бунда беморнинг ахволи ёмонлашиб, жигар катталашади. Қаттиқ ва гадир-будур бўлиши кузатилади, пальпацияда оғриқ қучаяди. Жигар ракининг асорати: корин бўшлигига қон куйилиши, коллапс. анемия ва беморнинг ўлимидир. Ташхисни аниклашда УТТ ва компьютер томографияси катта ёрдам беради. Беморлар асосан онкология бўлимда даволанади.

Ўт-тош касаллиги. Ўт-тош касаллиги - гепатобилиар тизим касаллиги булиб. билирубин ва холестерин алмашувининг бузилиши натижасида келиб чикади. Ўт

пуфагида ва ўт йўлларида тош ҳосил бўлиши билан характерланади. Холестерин ва пигмент тошлар ажратилади.

Шикоятлар: қорин ўнг юқори квадрантида айрим холларда, эпигастрал соҳада ва кўпинча ўнг куракка иррадиацияланувчи, рецидивланувчи оғриклар. Оғиқ пайдо бўлиши кўпинча ёғли овкат егандан кейин бошланади. Калькулёз холециститда оғриклар харакатдан кейин кучаяди. Объектив кўрувда: холециститда қорин дам бўлиши, газларнинг кўплаб чикиши, ўт пуфаги проекциясида таранглик ва пальпацияда оғиқ кузатилади. Пальпатор жигар катталашиши кўпинча холангитда учрайди. Лаборатор: қон ва сийдик таҳлили, қондаги холестерин, амилаза, қанд миқдори, копограмма, қон гурухи ва резус фактори, дуоденал сокни бактериологик текширув, умумий билирубин ва унинг фракциялари, АсАТ, АлАТ, ИФ, ГТГП, умумий оқсил ва оқсил фракциялари, С-реактив оқсил. Инструментал: қорин бўшлиғи рентгенографияси, УТТ-жигар, ўт пуфаги, ошкозон ости бези ва талоқ; эндоскопик ретроград холангипанкреатография (кўрсатмалар бўйича), электрокардиография.

Кўшимча текширувлар диагноз ва асоратларга боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Даволаш чора-тадбирлари: Касаллик диагнозига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Холециститлар – ўт пуфагининг сурункали яллигланиши бўлиб, билиар тизимдаги мотор-тоник бузилишлар оқибатида ривожланади, ўткир ва сурункали формалари фарқ қилинади. Ўткир холециститнинг 90% сабаби бу ўт-тош касаллиги ҳисобланади. Сурункали холицистит кексаларда ёшлиқда орттирилган касалликнинг давоми ҳисобланаби, кўпроқ тўла аёлларда учрайди. Сурункали холицистит тошли ва тошсиз бўлиши мумкин.

Шикоятлари: Ўнг қовурга остида, баъзан эпигастрал соҳада бир неча соатлар давом этадиган оғриклар. Оғриклар ёғли ва қовурилган овқатлар, тухум, совук газли сувлар, пиво, ўткир маҳсулотлар истеъмол килинганда бошланади ва кучаяди. Айрим холларда оғриклар кўнгил айниши, кекириш, қорин дам бўлиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, қорин юқори кисмларида доимий бўлиб турувчи

оғирлик ҳисси билан кечади. Объектив күрувда: ўт пуфаги проекциясида оғриқ, айникса, нафас олганда Мерфи симптоми.

Бирламчи текширувлар: Лаборатор: қон ва сийдикнинг умумий тахлили, қондаги холестерин, амилаза, канд, қон груухи ва Rh-фактор, копрограмма дуоденал сокни бактериологик, цитологик ва биохимик текшириш, қондаги билирубин ва унинг фракциялари, АсАТ, АлАТ, ИФ, ГГТП, қон умумий оқсили ва оксид фракциялари, қон зардобидаги С-реактив протеин.

Инструментал: УГТ-жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости бези, дуоденал зондлаш. эзофагогастродуденоскопия, кўкрак қафасининг рентген текшируви.

Овқатланиш тартибини ўзгартириш бўйича тавсиялар: ёғли ва қовурилган таомлар, алкоголь ичимликлари, шунингдек, пиво, газлаштирилган ва совутилган ичимликлар, ўткир тамаддиларни ман этиш; оз-оздан, тез-тез овқатланиш (суткасига 4-5 марта), озиқ-овқат маҳсулотларини қайнатиш ёки буғда тайёрлаш ва илик ҳолда истеъмол килиш; шунингдек, сабзавот ва ёрмали маҳсулотларни газ печида тайёрлаб истеъмол қилиш мумкин.

Дорилар билан даволаш: хуруж даврида: антибактериал даво (имкони бор варианtlар): ципрофлоксацин 500-750 мг. дан кунига 2 маҳал 10 кун мобайнида ёки доксициклин ичишга ёки венага кунига 200 мг. гача томчилатиб қўйилади, кейин касалликнинг оғирлигига боғлиқ ҳолда кунига 100-200 мг. дан 10-15 кун берилади.

Овқатдан 1 соат олдин ёки овқатдан 2-3 соатдан кейин эритромицин ичиш лозим. Қабул килиш дозаси 400-600 мг. дан., Кейин 200-400 мг. дан ҳар 6 соатда 7-14 кун давомида инфекциянинг оғирлигига боғлиқ.

Кунига 2 маҳал овқатдан кейин касалликнинг оғирлигига боғлиқ ҳолда 250-500 мг. дан 10-15 кун давомида цефалоспоринлар ичиш лозим. Септрим (бисептол, бактрем, сульфатон) 480-960 мг. дан кунига 2 маҳал 12 соатлик оралиқ билан 10 кун давомида ичилади.

Препарат дуоденал таркибни бактериологик текшириш натижаларига ва клиник самараага боғлиқ ҳолда танланади. Хуруж даврида симптоматик даво:

Спазмолитик препаратлар (керак бўлганда анальгетиклар билан бирга) оғрик синдроми йўқолгугича тавсия килинади: бускопан 2%ли эритма-1,0 мл. м/о суткасига 3-4 марта, ёки но-шпа 2%ли эритма-2,0 мл. м/о суткасига 3-4 маҳал ёки метацин 1%ли эритма-2,0 мл. м/о суткасига 3-4 маҳал. ёки папаверин 2% ли эритма-2,0 мл. м/о суткасига 3-4 марта.

Дезинтоксикацион даво: полидез 200-400 мл. в/и томчилаб 3-4 кун.

Ошкозон ва 12 бармок ичак фаолиятини меъёrlаштиришга йўналтирилган даво: маалокс, ёки фосфалюгель. ёки гастерин гель. ёки бошқа антацид препаратлар 1 дозадан овқатдан 1,5-2 соат ўтгандан сўнг қабул килинади.

Дигестал, фестал, креон, мезим форте ёки бошқа полифермент препаратлар овқат вактида 1-2 дозадан қабул килинади.

Ремиссия даврида: метоклопромид (церукал) ва мебеверин (дюспаталин) 200мг кунига 2 маҳал ёки симетикон(эспумизан) ёки метеоспазмил 1 капсуладан кунига 3 маҳал 2 хафта; фебихол 2 капсуладан 3 маҳал овқатдан олдин ёки аллохол 2 таблеткадан 3-4 маҳал кунига овқатдан кейин буорилади.

Қабзият. Қабзият деб 3 сутка давомида ич келмаслик (дефикациянинг йўклиги), тўлиқ ич келмаганилик хисси ва кориндаги дискомфортга айтилади. Қабзиятда ич келиши қийинлик билан, қаттиқ юмалок шарчалар (“қўй қумалоги”) ҳолатида бўлади. Суринкали қабзиятда бу симптомлар 6 кун ва бир хафта давомида кузатилади.

Маълумки, ич келиши (дефикация акти) тўгри ичак ампула қисми деворидаги хемо- ва механорецепторлар таъсиirlаниши оқибатида сигмасимон ичак захирасидан пропульсив перистальтика таъсирида тушувчи ахлат массаси туфайли юз беради. Шу билан бирга тос туби мускули рефлектор равишда бўшашади. аноректал бурчак ўзгаради, ички ва ташки анал сфинктер очилади ва охир оқибатда ахлат ажралиб чиқади (ич келади).

Касални даволаш тактикасини белгилаш учун бемордаги қабзият сабаблари аникланади. Улар асосан қуйидагилар:

- Ич келишидан ташқари бўлган сабаблар (ўсмалар, тўгри ичак тушиши, ичакни сурункали буралиши);
- Ичак ичи сабаблари (ўсмалар, ичак структуралари, дивертикуёз, лимфогранулематоз, сифилис, туберкулёз, эндометриоз, иммун ва ишемик заарланишлар);
- Йўгон ичак девори мускул қавати функциясини бузилиши (дивертикулёз, ичак таъсиrlаниш синдроми тизимли склеродермия, дермотомиозит, миотоник дистрофия, чамбар ичак сегментар дилатацияси);
- Тўгри ичак касалликлари (ректоцеле, инвагинация);
- Анал канали касалликлари (аноректал леватор синдроми, анал канал шиллиги тушиб қолиши;
- Функционал ва психоген (сув ва ўсимлик клечаткаларини организмга етарли тушмаслиги, физик активлик пасайиши);
- Қабзиятни ичакдан ташқари бўлган сабаблари алоҳида кўрилади: агангиоз (Гиршпрунг касаллиги гипо- ёки гипергангиоз, ганглионейроматоз, ичак идиопатик псевдообструкцияси, диабетик нейропатия), марказий нерв тизими касалликлари (“от думи”(конский хвост) ўсмаси, тарқоқ склероз, мия устуни жарохати, Паркинсон касаллиги, мияда қон айланишининг бузилиши, Альцгеймер касаллиги ва хоказолар). Кўйидаги дорилар доимо қабул килинганда (опиатлар, антихолинэргик ва спазмолитик воситалар, гипотензивлар, паркинсонга карши воситалар, диуретиклар,антоцидлар, айникса кальций ва алюминий сақловчилар. темир ва висмутли препаратлар, бўшаштирувчи (слабительные) моддалар);

Қабзият метаболик бузилишлар оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин (гипокалиемия, гипокльциемия, гипо- ёки гипермагниемия, гипотириоз, қандли диабет, азотемия, порфирия, феохромоцитома ва б.)

Симптомлар, синдромлар, физик ҳолат.

Шикоятлари: З сутка давомида эркин ҳолда ич келмаслиги, ахлатни қаттиқ ва "кўй кумалоги" ҳолатида келиши. корин огирилик ҳисси, бъзизда ҳолсизлик ва тез чарчаш – бу симптомларнинг барчаси овқатланиш тарзи тўгри йўлга кўйилганда ҳам ва сурги воситалар берганда ҳам ўтиб кетмайди. балки кўпроқ ривожланиб боради. Физик ҳолат: тана массаси тургун, корин дам, қорин пайпаслаганда енгил оғриқ кўрилади.

Текширув. Бирламчи текширувлар.

Лабаратор: кон ва сийдикнинг умумий тахлили. қондаги билирубин, АсАТ, АлАТ, ИФ, ГГТП, копрограмма, ахлатни дисбактериозга текшириш, ахлатни яширин қонга текшириш.

Инструментал: ректороманскопия биопсия билан, анусни бармоқ орқали текшириш, ирригоскопия, корин бўшлиги ва кичик тос аъзоларининг УТТИ, электрокардиография, ЭГДФС, колонофиброскопия биопсия билан – кўрсатмага кўра.

Диагностика.

Анусни бармоқ орқали текшириш, ва ректороманскопияда текшириш қабзият сабабларини истисно килади. Шу билан бирга минимал диагностик текшириш ўз ичига қуидагиларни олади: тўғри ичак ва чамбар ичакни барий билан рентген текшируви, ректороманскопия. Қорин бўшлиги ва кичик тос аъзоларининг УТТИ, айрим ҳолларда колофиброскопия қилинади. Баъзи беморларда қабзият сабабини аниқлаш қийин. Бу ҳолларда сурункали қабзият йўгон ичак инерт идеопатик ёки проктоген дейилади. Қабзият анатомик характердалигини истисно қилиш керак.

Даволаш чора-тадбирлари. Касаллик симптомларини бемор ёрдамида йўқотиш (тўлаконли овқатланиш, ҳаёт тарзи, дорилар билан даволаш ва хоказо). Кўп ҳолларда, идопатик (функционал) қабзият бўлганда врачнинг қуидаги тавсиялари ёрдамида бемор ўзи курашиши мумкин:

Даво мақсади: Касаллик симптомларини бемор ёрдамида йўқотиш (куидаги тавсиялар ёрдамида);

- Қиша ҳар куни 0,5 кг. сабзавот ва меваларни “кулинар” ишлов беріб иsteмөл килиш. ёзда улар микдорини 1 кг. га ошириш;
- Ҳар куни 1,5-2 литр алкоголи бўлмаган суюқлик ичиш – чой, кофе, компот, шарбат ва хоказо;
- Қора нон иsteмөл килиш;
- Системали ҳаракат активлиги 1 соат давомида тез юриш ва тўхтамасликка ҳаракат қилиш, бассейнда чўмилиш, регуляр гимнастика ёки ҳар куни қорин олдинги деворини массаж қилиш, буларнинг ҳаммасини бемор ўзи қила олади (Эрталабки чойдан олдин қилинса, максадга мувофик; ҳар куни кечкурун қайнаган сувга 4 донадан 10 донагача бўлган чернослив (кора маймок) ивитиб, дамлама тайёрлаб қўйиш. эрталаб дамламани ичиш. Эрталабки нонуштада албатта 1 стакан шарбат (сабзи, помидор ва хоказолар) ва сабзавот ёки мевалардан қилинган салатлардан иsteмөл килиш;

Одатда, нонуштадан сўнг ич келиши кузатилади ва ич келмаган ҳолатда ҳам санитар хонага (туалетга) бориш, унитазда бургут ҳолатида (поза) ўтириш, яъни тиззаларни қоринга сикқан ҳолда ва шошмасдан ичакни бўшатишига ҳаракат қилиш керак. Қабзиятга мойиллиги бўлганлар ҳар куни шундай қилиш керак (масалан, 2 сутка давомида ичи келмаслигида).

Кўп йиллар давомида қабзият билан касалланганларни бу муолажалар билан тузатиб бўлмайди. Айникса, етарли даражада суюқлик ича олмаслик, сабзавот ва меваларга қарши кўрсатмаси бўлганда, регуляр актив ҳаракати бўлмаса. Бу ҳолатларда сурги дорилардан фойдаланилади. Бошида ич келишини нормаллаштириш максадида зарарсиз сурги дорилар берилади. Бундай воситаларга лактулоза (дюфалак), форлакс ва бошқалар киради. Лактулоза қабзиятни коррекция қилиш максадида кунига 1 маҳал нонушта вактида 15-30 мл. дан берилади, қабул қилиш давомийлигини врач белгилаб беради. Кутидиган натижага эришиш максадида форлакснинг 2 та пакетидаги дори 1 стакан сувга аралаштирилади. Нонушта вактида, иккинчи доза кечки овқат вактида 10 кун давомида ва ундан кўпроқ ичилади.

Амбулатор шароитда доимий ушлаб турувчи даво (бемор учун құлланма сифатида):

- Диета ва суюкликтинг режими;
- Физик фаолликни саклаш ва массаж қилиш;
- “Талабга күра” медикаментоз даво;
- Кутылган натика бермаганда врачга мурожаат қилиш.

Даво күп холларда амбулатор шароитда олиб борилади.

Стационар даво алохида холларда олиб борилади. Стационар шароитдаги даво давомийлиги врачга биринчи бор мурожаат қилинганда 8-10 кун, қайта күрувда 3-4 кун.

Сурункали панкреатит – ошқозон ости безининг прогрессивланувчи касаллиги бўлиб, хуруж даврида ўткир яллигланиш жараёни белгиларининг пайдо бўлиши ва аъзо паренхимасиниг биректирувчи тўқима билан аста-секин алмашиниб бориши ҳамда безнинг экзо- ва эндокрин функцияси етишмовчилиги ривожланиши билан характерланади.

Клиникада обструктив, кальцификацияланувчи, паренхиматоз сурункали панкретитлар ажратилади. Унинг патоморфологик асосида ацинар аппарат деструкциясига прогрессив яллигланиш жараёнининг кўшилиши ётади. Бу эса микро- ва макролитиаз ривожланиши хисобига ошқозон ости бези атрофияси, фибрози (цирроз) ва без йўллари системасидаги бузилишларга олиб келади. Шикоятлар: эпигастрал соҳада ва чап қовурға остида огриклар. баъзи bemorларда қорин дам бўлиши ва ич келишининг бузилиши бўлади. Кўпинча огрик белга беради, овқат еганда кучайиб, кислоталарга карши препаратлар(антацидлар, гистамин, H₂-рецепторлари блокаторлари ва протон помпа ингибиторлари), ферментлар қабул килганда камаяди.

Физикал ҳолат: касални кўрилганда озиш билан бирга кўкрак, қорин соҳасидаги терида думалоқ “кизил томчилар” кўринади. Улар босганда йўқолмайди. Тери қуруклиги, глоссит, стоматит белгилари. Қоринни пальпация килганда эпигастрал соҳада ва чап қовурға остида огрик ва ичакларда дам.

Мейо-Робсон симптоми аникланади (чап қовурға-умуртқа бурчагида оғриқ. Баъзан каттиқлашган ва шишган ошқозон ости безини пальпация қилиш мумкин.

Бирламчи текширувлар:

Лаборатор: Қон ва сийдикнинг умумий тахлили, копрограмма, умумий билирубин ва фракциялари, АсАТ, АлАТ, ИФ, ГТГП, қондаги амилаза ва липаза, қондаги қанд, қондаги кальций, умумий оқсил ва уни фракциялари, қондаги қанд эгрилиги.

Инструментал: қорин бўшлигининг умумий рентген тасвири, УТТ қорин бўшлиги органлари (комплекс), эндоскопик ретроград холангіопанкреатография, ошқозон ости бези УТТи (даволашдан олдин ва кейин).

Кўшимча текширувлар (кўрсатмалар бўйича).

Лапароскопия ошқозон ости бези мўлжалли биопсияни билан, ошқозон ости бези КТси, коагулограмма.

Керакли мутахассислар маслаҳати: хирург, эндокринолог.

Хуружнинг биринчи уч кунида очлик, кўрсатмалар бўйича парентерал овқатлантириш.

Дуоденостазда – ингичка зонд ёрдамида нордон ошқозон таркибини узлуксиз аспирациялаш (тозалаш), ҳар 8 соатда ранитидин (200 мг.) ёки (20 га) вена ичига; ичишга – гель кўринишда буферли антацидлар (маалокс, ремагель, фосфалюгель, гасстерин гель) ҳар 2-3 соатда; в/и полиглюкин 400 мл. кунига. гемодез 400 мл., альбумин 10%-100 мл., 5-10% ли- 500 мл. глюкоза эритмаси кунига.

Огриқ синдроми йўқолмаса- 2 мл. 50% анальгин эритмаси. 2 мл. 2% папаверин эритмаси ёки 5 мл. барабарин парентерал ёки соматостатиннинг синтетик аналоги – сандостатин (50-100 мкг. 2 маҳал кунига тери остига). ёки лидокаин вена ичига томчилатиб (400 мг. препарат 100 мл. натрий хлорид изотоник эритмасида) буюрилади.

Кучли оғриқ синдроми йўқолгандан кейин даволашнинг 4-кунидан:

- Ҳайвон ёғисиз овқатланиш, кам-кам микдорда;

- Полиферментлар: креон (1-2 капсуладан), ёки панцитрат (1-2 капсуладан), ёки мезим форте (1-2 даражадан) ҳар овқатланиш пайтида узок вакт давомида;

- Аналъгетиклар, инфузион терапия ва препаратларни парентерал қўйиш секинлик билан тўхтатилади, улардан баъзилари ичишга тавсия килинади;

- Ранитидин (ранисан) 150 мг. ёки фамотидин (фамосан) 20 мг. кунига 2 маҳал;

- Метоклопромид 10 мг. дан кунига 4 маҳал овқатдан 15 дақиқа олдин, ёки симетикон (эспумизан) 1-2 капсуладан кунига 3 маҳал;

- Селектив спазмолитиклар (дюспаталин) – қабул килинган умумий дозаларда 2-4 ҳафта давомида.

Ичак таъсиrlаниш синдроми – ичакнинг, кўпроқ йўғон ичакнинг, матор ва секретор фаолиятининг бузилиши бўлиб, органик структур ўзгаришларсиз кечиши билан ифодаланади. ИТС гетерогенлигига қарамасдан, унинг келиб чиқишида олдин ўтказилган ўткир ичак инфекциясини дисбактериоз билан кечиши муҳим аҳамиятга эга. Бунга қуидагилар киради:

ИТС диарея билан (Шифр К 58.0)

ИТС диареясиз (Шифр К 58.9)

ИТС қабзият билан (Шифр К 59.0)

Бу рубрикага З ойдан ортиқ давом этадиган ичак функционал бузилишлари билан боғлиқ қасалликлар киритилган.

Симптомлар, синдромлар, физикал ҳолат

Шикоятлар: қорин дам бўлиши ёки тарангланиши, қориндаги оғриклар, ич юришининг бузилиши (қабзият), нажас шаклининг ўзгариши (қумалоқсимон).

ахлатда қон бүлмайди, астено-невротик синдром, умумий холсизлик, бош оғриклар, парестезия, юракни тез уриб кетиши, күп терлаш, тез-тез диурез.

Физикал ҳолат: иштаха сақланади, гиповитаминоз ва минераллар етишмөвчилиги белгилари, күп ҳолларда чамбар ичакнинг пастга тушувчи кисмини оғрикли спастик кисқарғанлиги пайпасланади.

Текширув

Бирламчи текширувлар:

Лаборатор: қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, AcAT, АлАТ, ИФ, ГГТП, копрограмма, ахлатни дисбактериозга текшириш, ахлатни яширин қонга текшириш.

Инструментал: ректороманоскопия биопсия билан, ирригоскопия, корин ва кичик тос бўшлиғидаги аъзоларнинг УТТ.

Электрокардиография, эзофагогастродуоденофиброскопия, колоноскопия биопсия билан – кўрсатмага кўра.

Колопроктолог маслаҳати шарт. Бошқа мутахассисларнинг маслаҳати кўрсатмалар бўйича: гинеколог, уролог, физиотерапевт, невропатолог.

Даволаш чора-талбирлари:

- Организм кўтара олмайдиган маҳсулот ва ичимликлар олиб ташланган парҳез.

Қуйидагилар мумкин эмас:

- эфир ёғларига бой маҳсулотлар (шолғом, кўк пиёз, саримсоқ);
- қийин эрийдиган ёғлар;
- қаймоги олинмаган сут;

ИТСда даволовчи парҳезнинг асоси бўлиб қуйидагилар хисобланади: пектинлар ва овқат толалари, яъни кепакли ўсимликлар, илдизли мевалар (лавлаги, карам, сабзи), мевалар (олма, олхўри), ёрмалар (гречка, сули). Гўшт ва балиқ истеъмол қилиш мумкин. Ичимликларни кўпроқ (суткасига 1.5-2л суюклиқ) ичиш тавсия этилади.

- Психотерапия ва психотроп препаратлар психотерапевт иштирокида тайинланади;
- Ортиқча бактериялар ўсишини (микроб контаминацияси, дисбактериоз) даволашда кенг таъсир доирасига зга бўлган ичак антисептиклари 3 маҳалдан 7 кун тайинланади;
- Интетрикс 2 капсуладан кунига 3 маҳал;
- Фурозолидон кунига 0,1г дан 3 маҳал;
- Нибураксазид (эрсефурил) кунига 0,2 г. дан 3 маҳал;
- Сульгин кунига 0,5г дан 4 маҳал;

• Энтерол 1-2 капсуладан ёки пакетчада кунига 2 маҳал. Навбатдаги даволаш курсида препаратларни алмаштириш ва кейинги курсларда пробиотиклар (биформ, лактобактерин, бифидумбактерин ва бошқалар) ва пребиотиклар (хилак-форте ва бошқалар) қўллаш тавсия этилади.

Йўгон ичакнинг спастик ва гиперматор дисгенезисида спазмолитик ва анальгетик препаратлар тайинланади.

- Мебеверин(дюспаталин) кунига 200 мг. 2 маҳал 2 хафта давомида ёки;
- Эспумизан кунига 40 мг. дан 3 маҳал ёки;
- Но-шпа ёки папаверин 0,04 г. кунига 3 маҳал ёки;
- Бускопан 10мг дан кунига 3-4 маҳал 2 хафта давомида.

Қабзият бўлганда овқат толаларига бой пархез ва етарли даражада суюклик ичиш тавсия этилади, кўшимча бўшаштирувчи воситалар берилади:

- Лактулоза (дюфалак) 30-60 мл. кунига ёки;
 - Бисакодил 1-3 драже (0.005-0.015г) бир марта уйқудан олдин ёки;
 - Гутталакс 10-12 томчидан уйқудан олдин ёки;
 - Калифиг (комбинирланган препарат) 1-2 ош қошигига уйқудан олдин ёки;
 - Кафиол (комбинирланган препарат) 1 брикет ва бошқалар.
- Диареяда цитомукопротектор смекта 1 пакетдан кунига 3 марта овқатдан кейин, буферли алюминийси бор антацидлар (маалокс, гастал, протаб ва

бошқалар) 1 дозадан кунига 3-4 марта овқатдан 1 соатдан кейин ва ичак перистальтикасини секинлаштирувчи диареяга карши препаратлар – лоперамид 2 мг. дан 4 мг. гача (16 мг. суткасига) ич кетиши тұхтагунча қабул қилинади.

Шифохона шаронтида даволашнинг давомийлиги – 10-14 кун.

Беморлар хар йили амбулатор – поликлиника шароитида диспансер күргидан ва текширувидан ўтказилади.

Даволаш натижаларыга бўлган талаблар

Огриқ ва диспептик синдромни тұхтатиши, ич келишини ва лабаратор кўрсаткичларни меъёрга тушиши (ремиссия).

Умумий ақволнинг яхшиланиши, лекин объектив кўрсаткичларнинг мусбат динамикаси етарли эмас (кисман ремиссия).

Даволаш самараисиз бўлганда уни ва кузатишни амбулатория поликлиника шароитида давом эттириш зарур.

Ҳазм аъзолари касалликларини даволашда овқатланишга ҳам алохида зътибор берилади. Бунда касаллик туфайли организмнинг ферментла тизими билан овқатнинг кимёвий таркиби структураси орасидаги ўзаро мослашувнинг бузилишини бартараф этиш керак. Ҳазм аъзолари функциялари бузилишиниг овқат ҳазмiga таъсир килиши зътиборга олинади. Масалан, пепсин ажралмаса ёки жуда кам бўлса. Меъдада оксиллар ҳазм бўлиши бузилади. Бундай ҳолда bemorrga енгил ҳазм бўладиган пархез овқат тайинланади ва пепсин ёки панкреатин алохида берилади. Ҳазм аъзолари касалликларида пархез овқатланиш касалликнинг турига, оғир-енгил кечишига, асоратига ва касалланган аъзонинг функционал ҳолатига қараб белгиланади. Шунингдек, Пархез овқатланиш организмнинг озука моддаларига бўлган эҳтиёжини ҳам кондириш лозим.

Гастрит билан огриган bemorlarغا манкали суюк бўтқа гуруч, ёғсиз гўштлар чала пишган тухум, асалли сутли чой, шарбатлар; яра касалликларига 1 кун олдин пишган нон, қайнатилган гўшт, тухум, ёрмалардан тайёрланган бўтқалар, шовла, ширгуруч, сабзавотлар, кабзиятда кучсиз шўрвалар, бўтқалар,

сабзавотлар, күк чой, кофе, какао; жигар ва ўт йўллари касалликларида гўштли, баликли сабзавотлардан салатлар, макаронли, сутли, угра ош, мастава, чучвара, парда пиширилган балиқ, кайнатилган гўштдан котлетлар, палов, манти, кийма кабоб бўтқалар, кўкатлар, сабзавотлар, компот, кисель, шарбатлар бериш мумкин. Янги ёпилган нон, ёғли ширин булочка, гўшт консервалари, кучли шўрвалар, шовул кислотаси ва эфир мойига бой сабзавотлар, ловиялар, қаҳва, какао, газли ичимликлар бериш мумкин эмас.



4-боб бўйича саволлар

1. Овқат ҳазм қилиши тизимида ёшга боғлиқ қандай ўзгаришилар кузатилади?
2. Кексаларда сурункали гастритнинг ўзига хос клиник қўриниши..
3. Кексаларда сурункали гастритни даволашининг асосий принципларини айтинг.
4. Кексаларда яра касаллигининг клиник қўриниши ва уни даволашининг ўзига хос ҳусусиятларини санаб беринг.
5. Кексаларда ошқозон ости бези ракининг клиник қўриниши, ташихислаш, даволаш.
6. Кексаларда қабзиятнинг сабаблари ва уни клиник қўринишининг ўзига хос ҳусусиятларини санаб беринг.
7. Овқат ҳазм қилиши тизими касалликлари бўлан оғриган беморлар учун овқатланиш рациони.

5-БОБ. СИЙДИК АЖРАТИШ ТИЗИМИ

1-МАВЗУ

СИЙДИК АЖРАТИШ ТИЗИМИДА ЁШГА АЛОҚАДОР ЎЗГАРИШЛАР

Үқув мақсади

Талабалардя кексалар сийдик йўли ва буйракларида ёшга алоқадор ўзгаришлар тўғрисидаги билимларни чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар

 Ёш ўтиши билан буйраклар паренхимасида нефронлар микдори камайиб, уларнинг ўрнини биректирувчи тўқима эгаллай бошлайди, нефросклероз авж олади. 70 ёшли кексаларда фаолият кўрсатаетган нефронлар сонининг 1/3-1/2 кисми атрофияга учрайди. 20-30 ёшдан бошлаб буйрак артерияларида атрофик ўзгаришлар пайдо бўлади. Буйракларнинг барча функциялари пасайиб буйрак гипофункцияси ривожланади. Буйраклар фаолиятининг нерв ва гуморал йўл билан идора этилиши кексаларда пасаяди. Буйрак тўқимаси, сийдик йўллари ёш ўтиши билан катталашиб, эластиклигини йўқотади. Сийдик пуфаги қалинлашиб, дағаллашиб, сигими кичраяди. Шунинг учун қариялар тез-тез сийишга шошиладилар.

Буйрак структурасининг инволюцион ўзгаришлари

Кўрсатгичлар	Ёшларда	Кексаларда
Буйрак оғирлиги г.	290	200
Нефронлар сони млн.	2	1
Морфологик аномал нефронлар сони %	5	30
Юкстамедулляр нефронлар сони %	8	6

Нефронларнинг каналчалар ҳажми %	15	9	
Нефрон коптокча юзаси мм^2	0.254	0,155	
Мезангиял матрикс ҳажми %	6.2	10,4	
Коптокчалар БМ қалинлиги нм.	25-40	300гача	
Проксимал найчалар узунлиги мм.	19,36	12,50	
Проксимал найчалар ҳажми мм^3	0.076	0,052	
Дистал каналчалар ҳолати	-	Дивертикулезд	

Ёшлар ва кексаларда буйрак функцияси таъминланишининг асосий жараёнлари қиёсий характеристикаси

Кўрсатгичлар	Ёшларда	Кексаларда
Буйрак қон оқими $\text{мл}/(\text{г}^* \text{ мин})$:		
умумий	3,0	1,65
кортикал	4,0	2.40
юкстамедулляр	0,7	0.59
Эффектив буйрак плазма оқими $\text{мл}/\text{мин}$.	650	250
Буйрак қон-томирлари резистентлиги. дин/с $\cdot \text{ см}^5$	6200-7000	14500-19000
Коптокчалар фильтрацияси, $\text{мл}/\text{мин}$.	120	75-60
Фильтрацион фракция %	20	32
Максимал экскреция	80	56

Парааминогиппор кислотаси мг/мин.	-	-
Максимал глюкоза экскрецияси мг/мин.	330	110
Максимал сийдик осмолярлiği мос м/кг. H ₂ O	1100-1400	900-750
Клиренси, мл/мин.		
эркин сүв	16,0	6,0
калий	7,5	4,1
кальций	2,4	1,6
натрий	0,8	0,6

ҮҚУВ МАҚСАДИ

Талабаларниг кексалар сийдик йўли ва буйрак касалликлари тўғрисидаги билимларини чукурлаштиради.

*Асосий маълумотлар*

Қарияларда буйракда қон айланишининг сусайиши натижасида буйракда фильтрация ва реабсорбция жараёнлари пасаяди. Бу эса қуидаги сийдик ажратиш тизими касалликлари ривожланишига шароит яратади:

Сийдик ажратиш тизими патологияси	%
Ангионефросклероз	43,6
Пиелонефрит	38,9
Диабетик гломерулосклероз	4,1
Мисломли нефропатия	1,1
Подагрик нефропатия	0,9
Буйрак амилоидози	0,9
Гломерулонефрит	0,9
Ўткир буйрак етишмовчилиги	9

Ўткир гломерулонефрит – икки томонлама буйрак копточаларининг диффуз иммунологик яллигланиши касаллигидир. Буйраклар диффуз яллигланишининг 40 ёшдан кейин кам учрашига организм иммунологик хусусиятининг пасайиши сабабчидир.

Касалликнинг асосий сабабчиси стерептакокклардир. Касаллик каттиқ совқотишдан, респиратор инфекциялар, терининг йирингли касалликларидан сўнг ривожланиши мумкин.

Кексаларда касаллик белгилари суст ифодаланган бўлади, шишлар кам пайдо бўлади, жуда тез ўтиб кетади, анасарка деярли кузатилмайди. Сийдикдаги ўзгаришлар катта миқдорда бўлмайди. Аммо юрак синдроми аник ифодаланади, артериал гипертензия, юрак ва коронар етишмовчилиги кузатилади.

Беморлар тез чарчаб қолиш, дармонсизлик, бош оғриб туриши, ҳансираш, кам сийишдан нолийдилар. 60 ёшдан ўтган bemорларда бу касаллик сурункали формага ўтиб кетади. Бундай bemорлар стационар даво олиши зарур.

Беморни ўрнидан тургизмай, ётқизиб кўйиш, уларга пархез буюриш керак. Кексаларга пархезда оқсилларни, тузларни кескин чеклаш мақсадга мувофик эмас.

Дорилар билан даволашда антиагрегантлар, иммунодепрессантлар, антибиотиклар, десенсибилиловчи ва симптоматик воситаларни буюриш зарур. Кортикостероидлар ҳам буюрилиб, факат кабул қилингандан 2-3 ҳафта сўнг унинг дозаси аста-секин камайтириб борилади.

Юрак қон-томир етишмовчилигига строфантин, гипертонияга қарши АПФ ингибиторлари, диуретиклар, тайинланади. Даво комплексига декамевит, унdevит каби поливитаминалар кўшилади.

Инфекция ўчоклари санация қилиш керак ва bemорлар доимий диспансер кузатувида бўлиши шарт.

Сурункали гломерулонефрит (СГ) 18% кексаларда учрайди ва касаллик кўпроқ артериал гипертензия, анемия, буйрак етишмовчилиги каби асоратлари билан кечади.

Бу касалликда буйрак коптокчаларида дегенератив-дистрофик ўзгаришлар авж олади. Касалликнинг бошида буйрак функциялари узоқ вақт сакланиб туриши мумкин. Касаллик сўнг сурункали буйрак етишмовчилиги билан тугайди.

Касаллик З хил формада кечади: латент, гипертоник, нефротик. Латент кечишида касаллик белгилари кам ифодаланиб, факат асорат бергандагина

аникланади. СГнинг гипертоник формаси юрак қон томир етишмовчилиги, гипертензия каби белгилар билан кечиб, юрак хасталигини эслатади, сийдикда деярли ўзгаришлар бўлмайди.

СГнинг нефротик формасида сийдикда ва биохимик кўрсаткичларда патологик белгилар аникланади. Сийдикда оксил миқдори юкори бўлади, гиалин цилиндрлари эритроцитлар топилади. Қонда гипо-диспротеинемия, гиперхолестеринемия кузатилади.

Даволашда парҳез, ош тузини суткасига 5-6 г. гача чеклаш, мевалар, тарвуз, қовун, узум буюрилади.

Дори-дармонлардан: 1)касаллик қўзиган даврида кортикостероидлар; 2)антиагрегантлар; 3)гипотензив воситалар; 4)юрак гликозидлари; 5)витаминотерапия буюрилади.

Иклими куруқ ва иссик бўлган курортларда даволаниш тавсия этилади. Беморлар доимий диспансер кузатувида бўлади.

Барча гериатрик bemorларнинг 15-25%да пиелонефрит касаллиги учрайди. Буйраклардаги ёшга алоқадор ўзгаришлар пиелонефрит касаллигининг кўпайишига сабаб бўлади.

Ўткир пиелонефрит белгилари ҳолсизланиш, кўнгил айниш, дармонсизлик, субфебрил температура, қонда лейкоцитоз ва ЭЧТ ошиб кетиши билан ифодаланади. Бел соҳасида симилловчи оғриклар ва дизурик белгилар суст ифодаланади. Аммо касаллик оғир кечади, буйрак етишмовчилиги тезда ривожланиши мумкин.

Ўткир пиелонефрит кексаларда кўпинча сурункали пиелонефритга ўтиб кетади.

Ўткир пиелонефрит клиникаси суст ифодаланиб, зимдан кечади, кўп ҳолларда асоратлар берган даврда ташхис кўйилади.

Сурункали пиелонефритда Адис-Каковский ёки Нечепоренко усули бўйича сийдик чўқмаси миқдори текшириб кўрилади. Пиелонефритнинг энг типик белгиси лейкоцитурия аникланади. Сийдикнинг умумий таҳлилида

бактерурия бўлиши мумкин. Рентгенологик ва ультратратовуш текшируви ташхисни аниқлашда катта ёрдам беради.

Ўткир пиелонефритнинг олдини олиш учун сийдик йўлларидағи инфекция ўчоқларини бартараф этиш, организм қаршилик қобилиятини кучайтириш лозимидир.

Парҳез буюрилганда спиртли ичимликлар ичиш, ўткир таомлар истеъмол килиш таъкиланади. Сийдик хайдовчи ўтлар дамламалари, сабзавот, мевалар тайинланади. Овқат калорияли ва витаминларга бой бўлиб, ош тузи чекланади.

Касалликка қарши антибактериал препаратлар (пенициillin, гентамицин, левомицетин, 5-НОК), уроантисептиклар (нитрофуранлар, сульфаниламидлар) юрак гликозидлари, биостимуляторлар, фитотерапия буюрилади.

Сийдик йуллари инфекциясида эмпирик антибактериал терапия

(Яковлев СВ., 1995)

Ташхис	Қўшимча маълумот	Танлов препарати	Альтернатив препарат
Ўткир цистит	Сийдик йуллари бошка касаллиги бўлмаганда	Ко-тримоксазол ёки амоксициллин	Ампициillin, цефалексин, цефуроксим аксетил, ципрофлоксацин, норфлоксацин, офлоксацин.
Ўткир простатит		Ко-тримоксазол	Амоксициллин, норфлоксацин, цефалоспорины III,

			макролид
Сурункали простатит		Ципрофлоксацин, норфлоксацин	Офлоксацин, ко-тrimаксазол
Ўткир асоратсиз пиелонефрит	Амбулатор касаллар	Амоксициллин, ко-тrimоксазол	Цефуроксим аксетил, ко-амоксикилав, АМП/СБ доксициклин, фторхинолон
Ўткир асоратли пиелонефрит	Обструкция, азотамия, катетер	Цефуроксим нефуроксим аксетил	АМП/СБ ко-амоксикилав, цефалоспорин III, ципрофлоксацин, офлоксацин, норфлоксацин
Сурункали асоратланган пиелонефрит	Амбулатор касаллар	Цефуроксим, аксетил ёки ко-амоксикилав	Ко-trimаксазол, фторхинолон ви., цефалоспорин III ви.
	Стационар беморлар бўлимдаги	Цефуроксим ёки АМП/СБ, ко-амоксикилав	Ко-триамоксикилав, ципрофлоксацин, офлоксацин, цефалоспорин III, гентамицин

	Реанимация	Цефтазидин ёки ципрофлоксацин	Офлоксацин, цефалоспорин III + аминогликозид, имипенем, меропенем, цефалоспорин II + амикацин, амикацин, +циперацил-лии ёки карбенициллин
Паранефрал абцесс	+ Пиелонефрит	Ципрофлоксацин ёки нефтазидин	Офлоксацин, АМП/СБ + АГ цефалоспорин III
	+ Страфилококкли бактериемия	Оксацилин в/в 8-12 г/сут ёки цефуроксим + АГ	Ванкомицин, оксациллин + гентамицин

Беморларга минерал сувлар ичиш, санатория ва профилакторияларда бальнеологик ва физотерапевтик даво тайинланади.

Буйрак-тош касаллиги. Тошлар ҳосил бўлишида, буйракларда моддалар алмашинувининг бузилиши сабаб бўлади. Буйракдаги тошлар кўпинча рентгенологик текширувда тасодифан топилиши мумкин.

Касаллик белгилар қуидагилардан иборат:

- Бел соҳасида симиллаб турадиган ёки қаттиқ оғриклар, кўнгил айниши, кайд қилиш, метеоризм, тана ҳароратининг ошиши, санчик пайтида микро- ва макротематурия бўлиши, сийдик билан тузларнинг ёки тошларнинг чиқиши ва оғрикнинг тўхтаб қолиши;

- Сийдик чикишининг камайиши, ҳатто анурияга етиши;

- Артериал босимнинг ошиши;

Буйрак санчигига тўсатдан белда қаттиқ оғриклар пайдо бўлиб, чов соҳасига, коринга, ташки жинсий органларга узатилиб туради.

Беморлар қаттиқ безовталанадилар. Санчик бир неча дақықа, соат ёки күн мобайнида тутиб туриши мүмкін. Кексаларда оғриклар жуда күчли бўлмайди. Касалликни аниклашда рентгенологик текшириш ёки УТГ кифоядир.

Буйрак-тош касаллигининг олдини олишда тўғри овқатланиш, ҳаракат режими, сийдик йўллари инфекциясининг олдини олиш тайинланади. Буйрак санчиги маҳалида bemor $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$ иссиқ ваннага туширилади. Оғриқка қарши анальгетиклар, спазмолитиклар берилади. Майда тошлар ва қумларни суриб чиқариш мақсадида цистенал, фитолизин ишлатилади. Беморларга пархез тайинланади. Минерал сувлар, санаторийларда даволаниш тавсия этилади.

Простата безининг аденоомаси – эркакларда энг кўп учрайдиган касаллик бўлиб, кексаларнинг 82%да бу касаллик топилиши мүмкін. Касаллик сабабини эндокрин назария билан тушунтириш мүмкін. Чунки эркаклар климаксида жинсий фаолият сўниб боради, тухумлар фаолияти издан чиқади, простата безида ўсаётган аденооматоз тугунлар уни эзиз кўяди.

Қовукқа нисбатан аденоома қовук ичидаги, қовук устида (ректал) ва диффуз жойлашиши мүмкін.

Касаллик клиникасининг биринчи босқичида сийиш кўпроқ кечкурун тезлашади ва қийинлашади, сийдик оқими пасаяди. Бемор зрталаб кучаниб сияди. Бемор қаттиқ совқотганда, кўп ўтирганда, спиртли ичимликлар ичганда ўткир сийдик тутилиши мүмкін.

Касалликнинг иккинчи босқичида сийиш анча қийинлашади. Бемор сийишни кучаниб бошлайди. Сийиш бир неча дақиқагача давом этади, сийдик оқими пасайиб, ҳатто томчилаб чиқади. Беморга сийишдан енгиллик бўлмайди, 50 мл. ва ундан кўпроқ колдик сийдик пайдо бўлади. Бу босқичда цистит, ўткир сийдик тутилиши пайдо бўлиши мүмкін.

Касалликнинг бошлангич босқичида сийиш ҳар 10-15 дақиқада, bemor аввалига кечаси, кейин кундузи ҳам сийдик тута олмайди. Сийдик пуфагида сийдик тўпланиб, кенгаяди ва парадоксал ишурия, яъни сийдик оқиб кетиши

кузатилади. Беморлар ақволи оғирлашади, ранги оқариб оғзи қурийди, күп чанқайды, сурункали буйрак етишмовчилігі авж олиши мүмкін.

БҮЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ СТРУКТУРАСИ

Терапевтика (61.2%)	Инфекцион яллиғланиш (29.3%)	Бошқалар (6,2%)	Хирургик (3,8%)
Іюрак-қон томир (25,8%)	Үткір хуружли пиелонефрит (10,2%)	Нефрит үткір бошланиш биләп (2,7%)	Жарохатдан кейинги СБЕ (27.9%)
УМИ (20.3%)	Үткір пневмония (10,2%)	Буйрак үткір миеломаси (1,4%)	Йирик томирлардаги амалиёт (11,6%)
Үткір инсульт мияда (4,8%)	Грипп, сарымас ва б. (6,2%)	Буйрак усти бези амилоидози (0,7%)	Ёмон сифатлы ўсмалар амалиёти (6,8 %)
Аритмоген шок (0,7%)	Сепсис (2,7%)	Буйрак венаси тромбози (0,7%)	Бошқа амалиёт (9,5%)
		Гиповолемия (0,7%)	Үт қопи, ошқозон ости бези ўсмаси (6,2%)
			рабдо-миолизли жарохат (2,7%)
			Қон кетиши (2,0%)

Қарияларда СІОЕни АПФ-ингибитори билан даволаш

Халқаро номи	Бошлангич доза	Тутиб турувчи доза	Юқори доза
Каптоприл	6,25 мг.	25 мг. 3 маҳал	150 мг/сут
Эналаприл	2,5 мг.	10 мг. 2 маҳал	40 мг/сут
Фозиноприл	2,5 мг.	10 мг. 2 маҳал	40 мг/сут
Рамиприл	1,25 мг.	2,5-5 мг. 2 маҳал	10 мг/сут
Трандолаприл	0,5 мг.	1-4 мг. 1 маҳал	4 мг/сут
Периндоприл	2 мг.	2-4 мг. 1 маҳал	8 мг/сут
Фозиноприл	10 мг.	10 мг. 1-2 маҳал	20 мг/сут

Кекса беморларни диспансер назоратидан ўтказиш ва касалликни эрта аниклаш керак. Аденома диагностикасида сийиш жараёнининг анализи, безни бармоқ билан ректал текшириш, цистография, ультратовуш текшируви ёрдам беради. Мутахассислардан уролог кўриги зарур.

Асосий даволаш усули бу аденоэмктомия. яъни хирургик йўл билан аденома олиб ташланади.

Буйрак касалликларида шифобаҳш овқатланиш касалликнинг турига, босқичига, буйрак етишмовчилиги ва азотемия даражасига ва бошқа метаболик ўзгаришларга караб белгиланади. Бемор рациони тула кийматли ва патогенетик асосланган булиши лозим. Унда етарли микдорда витаминалар, минерал моддалар ва суюкликлар булиши керак. Хамма буйрак касалликларида ош тузи чекланади. Унинг канча микдорда булиши касалликнинг характеристига боғлик. Рациондаги туз микдорининг канча булиши буйраклар экскретор функциясининг бузилиши даражасига ва кон айланиши етишмовчилигининг бор йўклигига караб аникланади.

Түзсиз нон. дрожжи солиб тайёрланан блинчик, сабзавтлар, ёғсиз шұрвалар, ёғсиз қуён, мол, бузок, балиқ, товук, курка, құй гүшти, мевалар, соуслар, чой, суюқ кофе, шарбатлар, нағыматак суви бериш мүмкін. Түз солинган нон, кучли шұрвалар, балиқ шұрва. қайнатмай қовурилған гүшт, колбаса, сосиска, дудланған пишлок, дуккакли донлар, редиска, хрен, шпинат, шоягом, мурч, аччиқ кофе, шоколод, минерал сувлар бериш мүмкін әмас.



5-боб бүйінча саволлар

1. Сийдик ажратиш тизимида ёшга болғық қандай үзгаришилар күзатылады?
2. Кексаларда утқир ва сурункали пиелонефрит ривожланишига олиб келуевчи сабабларни санаб беринг.
3. Кексаларда утқир ва сурункали пиелонефритни даволашнинг асосий принциптері қандай?
4. Кексаларда сийдик тош касаллигини клиник күриниши ва даволаш.
5. Кексаларда сийдик копи ракини клиник күриниши, ташихислаш, даволаш.
6. Кексаларда простатиа бези аденонаси клиник күриниши ва даволашнинг узига хос хүсусияттарини санаб беринг.
7. Сийдик ажратиш тизими касалліктери билан оғриған беморлар учүн овқаптапаныш рационы.

6-БОБ. ЭНДОКРИН ТИЗИМИ

1-МАВЗУ

ҚАРИЯЛАР ЭНДОКРИН ТИЗИМИДА ЁШГА АЛОҚАДОР ЎЗГАРИШЛАР

Ўқув мақсади

Талабаларнинг кексалар эндокрин тизимидағи ўзгаришлар түгрисидаги билимларини чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар



Эндокрин системаси. Қарилкда эндокрин безларда атрофик ва склеротик ўзгаришлар пайдо бўлади, секретор функциялар пасаяди. Гипофизда базофил хужайралар сони кўпайиб, ацидофил хужайралар сони камайиб кетади. Бу хужайраларда ДНК микдори камаяди, коллоид тўпланади.

Қалқонсимон безлар эпителиоцитларида ДНК микдори камайиб кетади. Меъда ости безида деструктив ўзгаришлар оқибатида йирик оролчалар камайиб, майда оролчалар кўпайиб кетади. Хужайралар сони камайиб, қандли диабет ривожланиши мумкин. Стриопаллидар системада катехоламин алмашинувининг бузилиши паркинсонизмнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Карыш жараёнининг нейрогуморал механизми. Маълумки, кариш жараёни организмдаги барча функцияларнинг нейрогуморал бошкаруви бузилиши, моддалар алмашинувининг издан чиқиши, гипotalamo-лимбик системасининг дисфункцияси билан кечади. Организм каришининг асосини моддалар алмашинувининг издан чиқиши ташкил этади. Қаришнинг бирламчи механизмлари генетик аппаратдаги силжишлар билан боялик ҳолда кечади. Бунда нуклеин кислотаси концентрациясининг пасайиши кузатилади. Натижада оксиллар алмашинуви, ферментлар микдори ва фаоллиги бузилади, энергия алмашинуви камайиб, кислороднинг тўқималарда ўзлаштирилиши прогрессив равиша пасаяди. тўқималар нафас олиши бузилади. Организмнинг нейрогуморал регуляциясидаги ёшга алоқадор ўзгаришлари кариш

жараёнининг асосини ташкил этади. Натижада организмда моддалар алмашинуви ва хужайралар функцияси ишдан чиқади. Қарилик билан кечадиган атеросклероз оқибатида беморнинг рухий ва эмоционал дунёсида ўзига хос белгилар намоён бўлади: невроз, лакмалик, эзмалик, хотиранинг пасайиши, насиҳатгўйлик. Гипоталамус функциясининг издан чиқиши гомеостазнинг бузилишига олиб келади.

Ёш улгайган сари ички секреция безлари, жинсий безлар фаолияти сўна бошлиди. Жинсий безлар фаолияти климактерик даврда 45-55 ёшларда, эркакларда 55-65 ёшлардан сўнади. Гормонал аппаратдаги жадал ўзгаришлар 45-68 ёшларга тўғри келиб, қариш жараёни кечишига таъсир килади. Диффуз токсик буқоқ кўпроқ 45-65 ёшли аёлларда учрайди. Клиникасидаги белгилар кам ифодаланади, кўпроқ беморларни беҳоллик, дармонсизлик, соч тўкилиши, ич кетиши, тери кичиши безовта қилади. Юрак томир ва асад системасидаги органик ўзгаришлар тез ривожланади. Диагнозни аниқлашга эндокринолог кўриги ва УТТ ёрдам беради.

Касалликни давосида нохуш омиллар, рухий зўриқишини бартараф этиш, меҳнат ва турмуш режимини тартибга солиш тавсия этилади. Юрак томир воситалари, тинчлантирувчи ва тиреостатик воситалар тайинланади. Хирург кўрсатмаси бўлганда оператив даво ўтказилади. Касалликнинг оғир формаларида бемор тиббий ходимларнинг доимий назоратида бўлиши шарт.

2-МАВЗУ

ЭНДОКРИН ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларда кексаларда кўп учрайдиган эндокрин тизими касалликлари тўғрисидаги билимларини чуқурлаштиради.



Асосий маълумотлар



Гипотиреоз – калконсимон без этишмовчилиги синдроми кўпроқ аёлларда

50 ёшдан кейин кузатилади. Касаллик белгиларига юзининг салқиганлиги,

лабларининг қалинлашганлиги, лоқайдлик, тана ҳароратининг пасайиши, терини қуруклашиши, соchlарнинг тўкилиши, овознинг бўғилиши, эшитиш, таъм билишнинг пасайиши, тишларнинг тўкилиши киради.

Беморлар бўшашган, уйқучан, бефарк бўлиб коладилар. Бу касаллик атеросклероз жараёнини тезлаштиради. Касалликни даволашда тироидин, трийодтиронин гидрохлорид, L-тироксин, витаминлар, симптоматик воситалар кўлланилади. Ҳамшира bemорни алоҳида парваришлиши, овқатлантириши, ювингтириши керак. Беморлар доимий диспансер кузатувида бўладилар.

Қандли диабет – кексаларда кўп учрайдиган касаллик бўлиб, барча диабетик bemорларнинг 80% 40 ёшдан ошган bemорлар бўлса, 50% 50 ёшдан ошган bemорлардир. Қандли диабетнинг пайдо бўлишида ирсий омиллар, инфекция, руҳий травмалар, семириш сабаб бўлади. Жаҳон Соғликни саклаш ташкилотининг кўрсатмасига биноан, 65 ёшдан ошган bemорларда учрайдиган бу касаллик «Қарилик диабети» деб аталади.

Қандли диабет кўпинча семизлик билан бирга кечади. Семизликда қандли диабет тана оғирлиги нормал бўлган bemорларга қараганда 4 марта кўпроқ учрайди.

Қандли диабетда инсулин етишмовчилиги оқибатида углевод, липид, оқсил, витамин, сув-туз алмашинуви бузилади. Нормада қонда глюкоза миқдори 3,34-5,55 ммоль бўлади. Касаллик клиникаси оғирлигига қараб қандли диабет енгил, ўртача оғир ва оғир турларга бўлинади.

Енгил турида – қонда глюкоза миқдори 7,77 ммоль/л гача бўлиб, бунда пархез ва углеводларни чеклаш билан кифояланилади.

Ўртача оғир турида – глюкоза миқдори 12,21 ммоль/л гача бўлиб, кунига 20-60 ТБ да инсулин, пархез билан қанд пасайтирувчи сульфаниламид препаратлари тайинланади.

Оғир турида – қонда глюкоза миқдори 12,21 ммоль/л дан ортиқ бўлиб, катта дозаларда инсулинотерапия ўтказилади.

Ёши улуг ва кекса кишиларда қандли диабет белгилари аник ифодаланмайди. Бу эса касалликни эрта диагностика килишни кечиктиради.

Кексаларда бу касалликнинг ўзига хос хусусиятлари тана оғирлигининг пасайиши, кўп сийиш, тери қичишиши, йирингли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади.

Кексалар иммунитети пасайганлиги сабабли диабетик беморларда пневмония, ўткир респиратор касалликлар оғиррок кечади. Айниқса туберкулёз касаллиги бундай bemорларда тез ривожланади.

Пархез билан даволаш касалликнинг барча турларида буюрилади. Углеводлар микдори чекланиб етарли микдорда оксиллар ва ёѓлар тавсия этилади (9 сонли пархез)

Суткалик рационда углеводлар – 5%, оксиллар – 20%, ёѓлар – 30%ни ташкил этади.

Инсулин билан даволашда гипогликемияга йўл қўймаслик керак. Қондаги қанд микдорини пасайтиришда перорал препаратлардан сульфаниламилар ва бигуаниллар ишлатилади: бутамид, цикламид, бикарбон, глибенкламид, адебит, диабетан, сиафор, диабетон, сиафор. Бунда қондаги лейкоцитлар ва тромбоцитлар сони кузатилиб борилиши керак.

Қандли диабетнинг асоратларидан гипогликемик кома бўлиб, инсулин микдорини ошириб юборилганда ривожланади. Комага тушган bemорлар зудлик билан реанимация бўлимига ётқизилиши шарт. Беморда ҳолсизланиш, бўшашиб, қалтираш, совук тер босиш, очлик, бош оғриги, безовталик кузатилади. Бундай ҳолатда дарҳол ширин чой, печенье, булочка, конфет берилади, венадан 50 мл. 40%ли глюкоза эритмаси юборилади.

Диабетик комада юбориладиган инсулин микдори етарлича бўлмаса, моддалар алмашинуви чуқур издан чиқиб. қонда кетон таналари тўпланиб колади. Беморда бўшашиб, апатия, уйқучанлик, кўнгил айниш, қайт қилиш, чанкаш, иштаҳанинг йўқолиши кузатилади, оғиздан ацетон хиди келиб, одам ҳушдан кетади. Диабетик комада 100 ТБ да инсулин, организмнинг

сувсизланишига қарши изотоник натрий хлор эритмаси ва витаминлар юборилади.

Қандли диабет билан оғриган беморлар доимий диспансер кузатувида турадилар. Ҳамшира беморнинг қони ва сийдигидаги глюкоза миқдорини мунтазам текшириб бориши керак.

Семизлик – турли түқима ва органларнинг ёг босиши бўлиб, эрта қаришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Кексаларда семизликка мойиллик бўлиб, бунга энергиянинг сарф қилиши ва моддалар алмашинувининг пасайиши сабаб бўлади. Семизлик кам ҳаракатдан, ортиқча овқат истемол қилиш, ирсий омил оқибатида ҳам юзага келиши мумкин.

Семизликнинг 3 та даражаси тафовут килинади:

I даражা – бунда тана оғирлиги 20-30%га,

II даража – бунда тана оғирлиги 40-40%га,

III даража – бунда тана оғирлиги 40%га ва ундан юқорига ортиб кетади.

Беморларни нафас қисиши, хансираш, бош оғриклири, уйқучанлик, қабзият безовта қилади. Тез-тез ва қаттиқ очлик ҳисси пайдо бўлиб қалтираш юзага келиши, ҳамда бўшашиб овқат истемол килгач эса, бу белгилар йўқолиши мумкин. Конда холестерин, триглицеридлар миқдори ортади. Беморлар эндокринолог текширувидан ўтиши зарур.

Семизликни даволашда енгиллаштирувчи парҳез тавсия қилинади. Ҳаракат фаоллигини ошириш, сув муолажалари, калорияси паст овқатларларни истемол қилиш, иштаҳани пасайтирувчи моддаларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қабзиятни олдини олиш учун сабзавот ва мевалар, сурги дорилари тайинланади.

Патологик климакс. Климактерик давр – эркак ва аёллар учун хос бўлган қариш жараёнининг муҳим боскичидир. Бу давр гипоталамус олий вегетатив марказнинг ёшга алокадор ўзгаришлари, яъни гипофиз ва тухумдан циклик гонадотроп фаолиятининг бузилиши, аёлларда овуляция ва репродуктив

қобилиятнинг тугаши, эркакларда гонадалар функциясининг пасайиши билан характерланади. Эркак ва аёлларда физиологик климакс физиологик қариш жараённада рўй беради.

Климакснинг патологик кечишига бошдан кечирилган инфекцион ва травматик касалликлар, руҳий травмалар, турмуш ва меҳнат шароитларининг старлича эмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Патологик климакс эса ўз навбатида эрта қаришга олиб келади.

Эркакларда патологик климактерик синдром ва эрта климакс каби асоратларни олиб келиши мумкин.

Аёлларда эса эрта ёки кечиккан климакс, климактерик синдром, бачадондан дисфункционал қон кетиши каби асоратларни бериши мумкин.

Эркак ва аёлларда климакс белгилари 45 ёшдан олдин пайдо бўлса, эрта климакс хисобланади. Кечиккан климакс аёлларда 55 ёшдан кейин, эркакларда 60 ёшдан кейин ривожланади.

Эрта пайдо бўлган климакс оғирроқ кечиб, даволаш бирмунча қийин бўлади. Аёлларда бўладиган кечки климакс постменструал қон кетишилар, метрит, бачадон ўсмалари, эндометрит оқибатида рўй бериши мумкин. Шунингдек, асаб, психик, юрак, қон-томир ва эндокрин касалликларида ҳам патологик климакс кузатилади. Патологик климаксда биринчи ўринга юрак ва қон-томирларга алоқадор бўлган симптомлар юзага чиқади. Булар гипертония, тахикардия, мигрен, кўп терлаш, парестезиялар, юрак соҳасида оғриклар, бирданига қизиб кетиш ҳолатларидир. Психоневрологик ўзгаришлар эса асабийлашиш, уйқусизлик, тез чарчаш, депрессия, йиғлоқилик, кўрқувда ифодаланади.

Патологик климаксни даволаш комплекс тарзда олиб борилади. Тинчлантирувчи, седатив воситалар кичик дозаларда тайинланади (бромидлар, триоксазин, рудотель седуксен ва хоказолар). Вегетотроп воситалардан белласпон, беллатаминал берилади. Нейровегетатив дистонияда пантокрин, женьшись, фитин, витаминлар тайинланади.

Агарда простата безининг аденомаси ва артериал босим юқори бұлса, гармонал воситалардан метилтестостерон (5 мг.) 1-2 таблеткадан 3 маҳал тил остига 1 ой давомида қўллаш тавсия этилади.

Аёлларда эса климактерин препаратини кунига 3 маҳал 1-2 дражедан овқатдан 1 соат кейин 1 ой ичилади. Даволашнинг умумий тадбирларидан фаол ҳаракатланиш, рационал овқатланиш, жисмоний тарбия, физиотерапевтик муолажалар, ванналар яхши натижага беради.

Подагра – моддалар алмашинуви касалликларига кириб, бунда сийдик кислотаси алмашинуви бузилади. Бу касалликда бўғимларда сийдик кислотаси тўпланиб, уларда яллигланиш, деструктив – склеротик ўзгаришлар келтириб чиқаради ва сурункали кечишга ўтади. Сийдик кислотаси қонда ортиқча тўпланиб буйракларда ҳам йигилиши мумкин. Спиртли ичимликлар, гўштли таомлар, творог, баликни кўп истеъмол қилиш эса подагра касаллигининг авж олишига сабабчи бўлади.

ГИПЕРУРИКЕМИЯ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Сийдик кислотасини ошиши	Сийдик кислотасини экскрециясини пасайиши	Аралаш
Бирламчи идиопатик	Бирламчи идиопатик	Дефицит глюкозо-6 - фосфатазс
Дефицит ГГФТ	БЕ	
Активлигини ошиши ФРПФ	Поликистоз буйрак	фруктозо- 1 - фосфатальдолаза стишимовчилиги
Тизимли гемолиз	Қандсиз диабет	

Лимфопролифератив касаллик	Гипертензия	Алкогол
Миелопролифератив касаллик	Ацидоз, кетоацидоз, лактоацидоз	Шок
Бирламчи полицитемия	Берилиоз	
Псориаз	Саркоидоз	
Педжета касаллиги	Гиперпаротиреоидизм	
Рабдомиолиз	Гипотиреоз	
Алкогол	Синдром Бартера	
Пуринга бой озиқ-овқат	Даун синдроми Дорилар: салицилатлар > 2 г/день диуретиклар, леводопа, этамбутол, пиразинамид, никотиновая кислота, циклоспорин	

Дорилар билан даволаш ревматолог билан бирга олиб борилади.

Касаллик қўл ёки оёқ бўгимларида, панжаларда каттиқ оғриқ билан, бўгимларнинг шишиб кетиши ва қизариши. тана ҳароратининг кўтарилиши

билин намоён бўлади. Касаллик узок вақт тез-тез хуруж билан давом этиб бўгимларни деформацияга учратади. Касалликнинг диагностикаси ва дифференциал диагнозида қонда сийдик кислотаси миқдорини текшириш, бўгинлар рентгенографияси яхши ёрдам беради. Даволаш жараёнида беморларга парҳез буюрилади. Гўшт маҳсулотлари, нўхат, ловия, ширинликларни истеъмол қилиш таъкиланади. Ишқорий минерал сувлар ичиб туриш, массаж, иссиқлик, гимнастика, курортларда даволаниш маслаҳат берилади.

Буғдой ва жайдари ундан нон, ҳар хил сабзавотлардан, ёрмалардан тайёрланга кучсиз, ёғсиз шўрвалар, ёғсиз сут-катик, тухум, салатлар, меъвалар истеъмол қилиш мумкин. Ёғли, дудланган гўшт, тузланма, узум, банан, анжир, майонез, зираворлар, узум шарбати, какао, гўшт ва думба ёғлари мумкин эмас.



6-боб бўйича саволлар

1. Эндокрин тизимида ўтига боғлиқ қандай ўзгаришлар кузатилади?
2. Кексаларда мoddалар алмашуби билан боғлиқ касалликларнинг ривожланишига олиб келувчи сабабларни санаоб беринг.
3. Кексаларда подаграни даволашни асосий принциплари қандай?
4. Кексаларда қанди диабет касаллигини клиник кўриниши ва даволаш.
5. Кексаларда гипотериозни клиник кўриниши, ташхислаш, даволаш.
6. Кексаларда семизликнинг клиник кўриниши ва даволашнинг ўтига хос ҳусусиятларини санаоб беринг.
7. Эндокрин тизими касалликлари билан оғриган беморлар учун овқатланиши рациони.

1-МАВЗУ

ТАЯНЧ-ХАРАКАТ ТИЗИМИДА ЁШГА АЛОҚАДОР ЎЗГАРИШЛАР

Ўқув мақсади

Талабаларда кексалар таянч-харакат тизимидаги ёшга алоқадор ўзгаришлар тўғрисидаги билимларини чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар

Таянч-харакат аппаратининг сүяк ва тогай тўқималари ҳамда бойламларида ёш ўтиши билан дистрофик-деструктив ўзгаришлар, остеопорозлар пайдо бўлади. Сүяк-тогай аппаратининг қариш жараёни одам бўйининг пасайиши билан ифодаланади. Бунга умуртқа погонасининг эгилиши, умутркалароро дискнинг ва сүяк тогайларининг юпқалашуви сабаб бўлади. Сүяк ва бўғимларда остеопороз, остеохондроз ва атрофик ўзгаришлар содир бўлади.

2-МАВЗУ

ТАЯНЧ-ХАРАКАТ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларда кексалар таянч-харакат тизимидаги кўп учрайдиган таянч-харакат тизими касалликлари тўғрисидаги билимларини чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар

Остеопороз жараёнида сүяк тўқимасида рўй берадиган дистрофик ўзгаришлар хар 10 йилликларда ортиб бораверади. Сүякнинг мустаҳкамлиги ва турли чўзишишлар, эгилишлар, қисилишларга чидамлилиги пасаяди, шунинг учун кексаларда сүяк синиши кўп кузатилади. 60 ёшли кишиларда барча синикларнинг ярмидан кўпидан сон суганинг бўйинчаси синади.

Умуртқа остеохондрози – умуртқалараро дискларнинг дистрофик-деструктив ўзгаришлари оқибатида келиб чиқади. Геронтологик беморларнинг 95-98%ида бу касаллик учрайди. Дискнинг ликвидоксисион яраси жуда кисилган бўлиб, доимо кентайишга ҳаракат киласади. Умуртқаларнинг танасига тушадиган зарбларни билинтиrmайди. Фиброз ҳалқалари ва гиалин пластиналарда ёриклар ва узилишлар пайдо бўлади. Дискдаги бу деструктив ўзгаришлар оқибатида умуртқалараро оралик ~~дача~~ торайиб қолади.

Бел-думгаза остеохондрози – клиникасида люмбаго ёки люмбалгия, яъни тўсатдан бел соҳасидаги қаттиқ оғриқни пайдо бўлиши, бу оғриқка оёқ оғриги қўшилиши мумкин. Оғриклар юрганда, киши йўталганда, акса урганда зўрайди. Умуртқа погонаси ён томонга караб кийшайиб қолади. Ласег симптоми текширилганда оғрикларнинг кучайиши кузатилади. Умуртқа погонаси рентгенограммасида диагноз тасдиқланади.

Бўйин остеохондрозида елка камари ва кўлларда оғриклар кузатилади.

Остеохондроз билан оғриган беморлар ўрин-боши қаттиқ бўлиши керак, беморга оғриқ қолдирувчи дорилар, спазмолитиклар, витаминлар буюрилади. Новокайн билан паравертебрал блокадалар қилиш мумкин. Физиотерапевтик муолажалардан диадинамик токлар, ультратовуш, новокайн билан электрофорез буюрилади. Водород сульфидли ва родонли ванналар, массаж тавсия этилади.

Деформацияловчи остеоартроз – асосан ёши улуг ва кекса одамларда учрайдиган касалликдир. Бу касалликда бўғимларда дегенератив ва деструктив ўзгаришлар ривожланади, натижада бўғимлар функцияси ишдан чиқади. Одамнинг семириб костиши, бўғимлар травмаси остеоартрозни пайдо бўлиши сабабларидандир. Бўғим тогайи юпқалашади. ёрилади, остеофитлар ва суяқ ўсиклари пайдо бўлади. Касаллик секин-аста ривожланади. Беморлар бўғимларда оғриқ, карсиллашидан шикоят қиласадилар. Бўғимлар ҳаракати кийинлашади, агар оёқ бўғимда бўлса, bemor оқсоқланиб юради. Рентгенологик

текширув ўтказилганда сүякни бўртиб чиқиб қолгани, остеофитлар, остеопороз топилади.

Даволаш мақсадида анальгетиклар, реопирин, ибупрофен, диклобер индометацин буюрилади. В группа витаминлар, электрофорез, балчик ва сув муолажалари тавсия этилади.

Товон шпоралари – буларга ахиллов пайи ёки оёқ кафти узун пайнинг товон сяягига бирлашган жойида тикон каби пайдо бўладиган сяяк ўсиклари киради. Бу кексаларнинг 75-80%ида учрайди. Шпораларнинг пайдо бўлишига сурункали травмалар, умуртқалар остеохондрози, грипп, ревматизм, бўғимларга доимий статик ва динамик юқ тушиши сабаб бўлади. Касаллик клиникасида товонда оғриклар, оқсоқланиш кузатилади. болдир-товон бўғимида харакатлар чекланиб қолади, bemorning юриши ўзгариб, қийинлашиб қолади.

Шпораларни рентгенологик текширувда аниқлаш осон. Касалликни даволашда анальгетиклар, спазмолитиклар, томир кенгайтирувчи воситалар буюрилади. Товон юзасига 4-5 мл. 2%ли новокайн билан блокадалар қилиш оғрикларни камайтиради. Физотерапевтик муолажалардан новокайнли электрофорез, гидротерапия, массаж, бадантарбия қилиш тавсия қилинади.

Геморрагик васкулит (ГВ) – тизимли васкулитлардан энг кўп тарқалгани бўлиб ҳисобланади. Асосий клиник кўриниши: терида тошмалар, артрит, абдоминал синдром ва гематурик нефрит.

Теридаги геморрагик васкулит

Кўшимча белгилар	Тахминий ташхис
Иирик бўғимлар артрити, абдоминал синдром, гломерулонефрит	Геморрагик васкулит Шенлейна – Генох
Артрит, гломерулонефрит, криоглобулинемия	Васкулит криоглобулинемия билан аралаш
Клиник ва клинико-инструментальные	Паранеопластик васкулит

ўсма белгилари	
Лимфа түгунлари ва талокни катталашиши	Лимфома, лимфогранулематоз
Суяк кумиги пазмоцитози, қон зардоби юкори парапротеинемияси	Миелома, макроглобулинемия Вальденстерма
Гепатит В и С маркерлари, ферментемия, анамнезида сурункали гепатит	Сурункали актив гепатитдаги геморрагик васкулит
Юрак нуксони, иситма, талокнинг катталашиши, бактериемия	Бактериал эндокардит
Дорилар қабул қилганда	Дори касаллиги
Ўзгарган суяк деформация, ревматоид факторни борлиги	РА
Артралгия, серозит, гломерулонефрит, ДНК антитела ва ЛЕ-хужайраси	СКВ

Оқ ва кора нон, суюқ, кучсиз шўрва, кайнаган гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар, турли ичимликлар, шарбатлар, петрушка, укроп истеъмол қилиш мумкин. Ёғли кучли шўрвалар, жигар, тил, бўйрак, мия, ёш мол, товук гўшт, шоколад, какао, кофе, аччиқ чой, мол, қўй ёғи мумкин эмас.



7-бобга доир саволлар

1. Таянч-ҳаракат органларидағи ёнига боғлиқ қандай ўзгаришлар кузатилади?
2. Шакл бузувчи остеоартрозни ривожланишига олиб келадиган асосий сабабларни санауб беринг.
3. Кексаларда ностероид яллигланишига қарши препаратларни ножжүя таъсирини айтинг.

4. Кексаларда остеопорозни клиник қүриниши ва даволашнинг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг.
5. Кексаларда остеопороздаги парҳезни таърифлаб беринг.
6. Кексаларда ревматоидли артритни клиник қўриниши ва даволашнинг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг.

1-МАВЗУ

АСАБ ТИЗИМИДА ЁШГА АЛОҚАДОР ЎЗГАРИШЛАР

Ўқув мақсади

Талабаларнинг кексалар асаб тизимидаги ёшга алоқадор ўзгаришлар түгрисидаги билимларини чукурлаштиради.



Aсосий маълумотлар



Асаб системаси. Организм қариши давомида мия оғирлиги камаяди, пушталар юпқалашади, эгатчалар кенгаяди, мия коринчаларининг бўшликлари катталашади, нейронларда дистрофик ва атрофик ўзгаришлар рўй беради. Марказий нерв системасидаги ёшга боғлиқ ўзгаришлар оқибатида қарилек белгилари намоён бўлади ва психикада, олий нерв фаолиятида, ақлий ва жисмоний қобилиятнинг пасайиши, организм ички фаолияти бузилиши, хотира пасайиши кузатилади.

И.П. Павловнинг фикрича, қарилекда миядаги қўзгалиш ва тормозланиш жараёнларининг бир-бири билан алмашиниши сустлашади, шартли рефлекслар пайдо бўлиши қийинлашади. Шартсиз рефлекслар характеристи ҳам ўзгаради, анализаторлар фаолияти пасаяди.

Психика. Қарилекда инсон руҳий фаолиятида билиш, идрок, фикр қилиш, тафаккур, эмоциялар пасаяди. Ёшга алоқадор ўзгаришлар, яъни моддалар алмашинувининг бузилиши, жинсий беслар функциясининг сусайиши, эндокрин мувозанатнинг бузилишидан психоз ривожланиши мумкин. Беморлар кўнглида хавотирланиш, безовталаниш, бесаранжомлик, васваса пайдо бўлиб, секин-аста акл пастлик ривожланади, ўз жонига сунқасд қилиш ҳоллари кузатилиши мумкин.

Ёш ўтиши билан организмнинг олий нерв фаолиятининг асосий жарчамаларида ўзгариш кузатилади. Бу ўзгаришлар кексаларда меҳнатга таъсийининг пасайишида, уйқунинг бузилишида, дикқат ва хотиранинг таъсийишида намоён бўлади. Бош мия томирлари касалликлари ёш ўтиши билан кўнайиб боради. 60 ва ундан катта ёшдаги беморларда мия инсульти ёшрок беморларга караганда 17 марта кўпроқ учрайди, чунки мия томирларида атеросклеротик ўзгаришлар ривожланади.

Организм қариши давомида мия огирилиги камаяди, пушталар юпкалашади, эгатчалар кенгаяди, мия коринчалари бўшликлари катталашади, нейронларда дистрофик ва атрофик ўзгаришлар рўй беради.

2-МАВЗУ

АСАБ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларда кексалар асаб тизимидағи кўп учрайдиган асаб тизими касалликлари тўғрисидаги билимларини чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар

Атеросклеротик энцефалопатия касаллигига бош мия томирлари атеросклероз оқибатида торайиб, мия тўқимасининг озиқланиши ва кислород билан таъминланиши издан чиқарилади, натижада бош мияда қон айланиши бузилиши кузатилади.

Касаллик клиник манзарасида бош оғриги, бош айланиши, қулок шангиллаши, тажанглик, тез чарчаш, уйку ва хотиранинг бузилиши, панжалар тремори кузатилади. Беморлар хаёли паришон бўлиб қолади, яқинда бўлиб ўтган воқеаларни эслаб қолиши қийинлашади. Беморлар борган сари кўнгли бўш бўлиб, салга йиглайверади, аста-секин акл пастлик манзараси пайдо бўлади, фахм-фаросат камаяди. Баъзи ҳолларда атеросклеротик маразм

белгилари пайдо бўлади. Атеросклероз туфайли депрессия, паркинсонизм, эпилепсия тутканоклари кузатилиши мумкин.

Касалликни даволашда – бош мияда кон айланишини яхшилаш учун кавинтон, зуфиллин, ксантинол, циннаризин, кон ивишига таъсир этадиган гепарин, эскузан, неодикумарин, тўқима метаболизмини нормаллаштирувчи аминалон, пирацетам, глутамин кислотаси, декамевит, унdevит ва фермент препаратлари тайинланади. Касаллик симптомларига қараб антидпрессант, тутканоққа ва паркинсонизмга қарши препаратлар қўшимча тайинланади.

Касаллик профилактикасида меҳнат ва дам олиш режимига қаттиқ амал қилиш, уйқуни нормаллаштириш, тоза ҳавода сайр қилиш, ванналар қабул қилиш керак.

Овқатлар ўсимлик ва сут маҳсулотларидан тайёrlангани маъқул, спиртли ичимликларни ичиш ва чекишга барҳам берилиши лозим. Беморлар мунтазам диспансер назоратида бўлмоги зарур.

Мияда кон айланишининг бузилиши. Бу касаллик ёш ўтиши билан кўпроқ учрайди.

Мияда кон айланишининг бузилиш турлари орасида органик ва ўткинчи ўзгаришлар фарқ қилинади.

Инсульт бўлганда ёки мияга кон қуйилганда коннинг қайси жойга қуйилганлигини ёки миянинг қайси жойи юмшаб қолганини, яъни инсультнинг геморрагик ёки ишемик эканлигини аниқ билиш керак. Бош мияга кон қуйилиши кўп ҳолларда гипертония касаллигига сабаб бўлади. Атеросклероз оқибатида эса кон қуйилиши камроқ бўлади. Мия томирлари атеросклерозида мияда юмшаш ҳодисаси бошланади. Мияда кон айланиши кўпинча артериал босимнинг юқори кўтарилишига олиб келадиган руҳий изтироб, жисмоний зўрикишдан кейин бузилади. Мияга кон қуйилганда bemor тўсатдан коматоз ҳолатига тушиб колади, гемипарез, юз ассимметрияси, мускуллар тонусининг кучайиши, афазия, патологик рефлекслар кузатилади.

Гемипарезда беморлар Вернике – Манн ҳолатида юрадилар, бунда қўли гавдасига яқинлаштирилган бўлиб, тирсак ва билак-кафт бўғимларида букилган, бармоқлари мушт қилиб туғилган, оёғи барча бўғимларда ёзилган бўлади.

Ишемик инсульт бош миядаги бирор бир томирнинг тромбози, эмболияси натижасида юзага келиши мумкин.

Ишемик инсульт кекса одамда кўпроқ учрайди. Касаллик аста-секин ривожланади, аввалига бош оғриги, бош айланиши, кўз олди коронгилашиши пайдо бўлади. Одам карахт бўлиб, эс-хуши жойида бўлмай қолади. Артериал босим пасайиб, ранги оқариб кетади. Аста-секин гемипарез ва нуткнинг бузилиши ҳам пайдо бўлади.

Мияда қон айланишининг ўтиб кетувчи бузилишлари мия инсультига караганда кўпроқ учрайди. Бу бузилишлар тўсатдан пайдо бўлиб, бир неча дақиқадан 24 соатгача чўзилади. Бу касаллик бош мия томирининг тортишиб, торайиб, спазмга учраши натижасида келиб чиқади. Бу ўткинчи бузилишлар инсультдан олдин келадиган хабарчилар бўлиши мумкин.

Асосан у клиникасида бош оғриклари, бош айланиши, кўнгил айниши, карахтлик ва ўчоқларга алоқадор симптомлар, парестезиялар, сон нерви тармоғининг, тил ости нервининг парези билан, афазия кўринишидаги ўтиб кетадиган нутқ камчиликлари билан ифодаланиши мумкин.

Мияда қон айланишининг бузилганида инсульт характеристидан қатъи назар, bemорларга 10 мл. 2,4%ли эуфиллин эритмаси билан 10 мл. 40%ли глюкоза эритмаси венадан юборилади, бу томирлар спазмининг бош миядаги шишини камайтиради.

Дегидрацияловчи препаратлардан магний сульфат, лазикс, глицерин, маннитол берилади. Агар артериал босим баланд бўлса, гипотензив воситалар, юрак фаолиятини яхшилаш учун кордиамин, строфантин, коллапсда мезатон, норадреналин, фибринолитик препаратлар, томир кенгайтирувчи воситалар

тайинланади, гипостатик пневмониянинг олдини олиш мақсадида антибиотиклар буюрилади.

Беморлар тинч ётқизилади, боши ёстикдан баландрок күтариб қўйилади, оғиздаги протезлар олиб ташланади.

Геронтологик bemорлар реабилитациясида ўзига хос хусусиятлар мавжуд:

1 Асаб, юрак-томир ва бошқа системалардаги ёшга алоқадор ўзгаришлар мавжудлиги, мослашиб қобилияти ва трофиқанинг чекланганлиги.

2 Биргаликда даволаниш талаб қиласидиган йўлдош касалликларнинг бўлиши;

3 Кексалар психик фаолиятининг инертилиги.

Паркинсонизм. Паркинсон касаллиги – кексаларда кўп учрайдиган асаб системасининг органик бузилишидири.

Паркинсонизм мия томирлари атеросклерози окибатида вужудга келиши мумкин. Касаллик клиникасига караб 3 та босқичга бўлинади:

1-босқичда – bemор кам ҳаракат бўлиб қолади, қўл ва оёкларида титраш кузатилади.

2-босқичда – мускуллар тонуси аста-секин қучайиб боради, қўл ва оёкларда доимий титраш кўзга ташланади, меҳнат қобилияти чекланади, bemорлар юриши ўзгаради.

3-босқичда – одам сусткаш, кам ҳаракатли бўлади. мускуллар ригидлиги кузатилади, мимикаси кам ифодаланади, юзи никобга ўхшаган кўринишга кириб. қотиб қолгандек бўлиб туради. Йоз териси ёғли бўлади, узоқ вақт ҳолатини ўзгартирмай ўтиравериши мумкин, юрганда қўллари ҳаракат килмайди. Танасини тутиши галати бўлади, гавдаси олдинга букилиб, энгашиб туради, майда қадам ташлаб юради. Нутқи секинлашиб, овози пасайиб қолади. Bеморлар шилқим бўлиб қоладилар. ахлоксиз ҳаракатлар қилишга мойил бўладилар.

Касалликни даволашда паркинсонизмга карши катехоламинилар алмашинувини нормаллаштирувчи препаратлар буюрилади: леводона, мадапор,

наком. Умумий даво учун витаминлар, анаболик стероидлар, биостимуляторлар кўлланилади. Енгил хазм бўладиган парҳез овқатлари буюрилади. Бемор доимий невропатолог ва ҳамшира кузатувида бўлади.

Гериатрик bemорлар руҳий фаолиятидаги ёшга алокадор ўзгаришлар ва касалликлари (психозлар)

Одамнинг ёши ошга сари пайдо бўладиган руҳий касалликлар жинсий беzlар функциясининг сусайиши, моддалар алмашинувининг пасайиши окибатида рўй беради.

Инвалюцион психозлар 2 га бўлинади:

- пресенил психозлар 45-60 ёшларда учрайди;
- сенил психозлар 60-65 ёшлардан кейин бошланади.

Пресенил психозлар клиникасида хавотирликка тушиш асосий ўринни эгаллайди. Беморларда хавотирланиш ҳисси пайдо бўлади, ўзларини кўп айблайверадилар.

Касаллик симптомларидан қайси бири устун туришига қараб парапоид, пресенил истерия фарқ қилинади. Пресенил депрессия бошланишидан олдин кўпинча қандайдир кўнгилсиз ходисалар бўлиб ўтади. Касаллик манзараси депрессия, хавотирга тушиш, кўзғалиб безовталаниш, бесарамжон бўлишдан иборат. Беморларда уйку бузилади, иштаҳа пасаяди, улар озиб кетадилар. Кўпинча суицидал фикрлар ва уринишлар содир бўлади. Касаллик бир неча йиллар давом этиши мумкин.

Пресенил парапоиднинг клиникасида конкрет шарт-шароитда, уйда, ишда рўй берган кўнгилсизлик окибатида васвасали ҳаяжонланиш пайдо бўлади. Беморлар «атрофдагилар менга галати муносабатда бўляпти», – деб ҳисоблайдилар, шубҳаланаверадилар. рашк ўтида ёнадилар. Бу касаллик пресенил депрессияга караганда оғиррок ва узокроқ кечади.

Пресенил истерия – кўпинча аёлларда пайдо бўлади, бекарор бўлиб, арзимас сабабдан газабланиб, тажанг бўлаверадилар.

Беморлар томогига бир нима тикилиб қолгандай бўлганини айтади, баданида ёкимсиз хид борлигидан нолийдилар. Кўпинча истерия тутқаноклари, кўл-оёклар функционал парестезиялари кузатилади.

Давосида bemорлар албатта психатрия стационларига ётқизилади. психотерапия ўтказилади. Бундай bemорларга алоҳида эътиборда бўлиш керак. чунки уларда суицидал уринишлар бўлиши мумкин. Дори воситаларидан аминазин, амитриптилин, галоперидол, триоксазин, элениум буюрилади. Беморларни умумий ҳолатига эътибор бериб, овқатлантириш ва кийинишида ёрдам бериш ломим.

Сенил психозлар пайдо бўлишининг сабаби бош мия пўстлогидаги нерв хужайраларининг атрофияси бўлиб, унинг натижасида ақли пастлик ривожланади. Беморларда аввалига хотира пасаяди, ҳатто якин кишилари номларини эсдан чиқариб кўядилар. Бундай bemорлар ҳакиқатда ҳеч қачон бўлмаган ҳодисалар тўғрисида гапирадилар, ўз ахволига танқид билан қарашмайди, ўгридан кўркиш, зиён кўриш васвасаси бундай bemорлар учун характерлидир. Беморлар ўз нарсаларини беркитиб кўйишади, аммо кейин топа олмайдилар, бирор ўғирлаб кўйди, деб ўйлайдилар. Улар кўпинча кераксиз нарсаларни йигиб юрадилар, ўз кийим-кечагини тугиб ушлаб юрадилар. Улар бетартиб овқатланаверадилар, исқирт бўлиб қоладилар. Якин кишиларнинг тақдирни уларни кизиктирмайди.

Касалликни даволашда симптоматик даво, уйкусизликда ухлатувчи дорилар тавсия этилади.

Кексаларда бўладиган ятрогениялар – бу психоген касалликнинг бир тури бўлиб, тиббиёт ҳодимларининг bemорга бўлган нотўгри муомаласи оқибатида ипохондрик, депрессив реакциялар ривожланади. Бемор билан сухбатлашганда унинг саломатлиги тўғрисида ҳамиша эҳтиёт бўлиб гапириш керак. Бемор нотўгри хулоса чиқариб олиши мумкин бўлган турли терминларни ишлатиш тавсия этилмайди. Кўпинча bemорлар касаллик диагнози тўғрисидаги гапларга диккат билан қулоқ соладилар. Улар саломатлигига зиён келтириши мумкин

бўлган хулосалар чиқариб олишларини ҳамиша ёдда тутиш керак. Кексалар кўпроқ сексуал қобилиятининг пасайиши ёки йўқолиши каби шикоятлари, саволлари билан турли мутахассисларга мурожаат қиласкерадилар. Бундай беморлар билан сухбатлашгандан уларни сабр-токат билан тинглаб. тинчлантириб. керакли маслаҳат ва муолажалани тавсия килиш зарур.



8-бобга доир саволлар

1. *Инсон психологик фаолиятида ёшга боғлиқ қандай ўзгаришилар содир бўлади?*
2. *Кекса ва қарияларда Паркинсон касаллигининг асосий кўринини.*
3. *Функционал психозларни асосий кўринишлари.*
4. *Юқоридаги ҳолатларда ҳамишрагарнинг мақсад ва иш режаси қандай бўлиши керак?*

1-МАВЗУ

КҮРИШ ТИЗИМИДАГИ ЁШГА АЛОҚАДОР ҮЗГАРИШЛАР

Үқүв мақсади

Талабаларда кексалар күриш тизимидаги ёшга алоқадор үзгаришлар түгрисидеги билимларни чукурлаشتыради.



Асосий мәтілумонлар

 Күз тұқымаларыда бошқа органларға үхшаб, кариш жараёнида үзгаришлар күзатиласы. Күп ҳолларда бу үзгаришларни физиологик қариш ёки баъзи бир касалликлар натижасы эканлигини ажратиш мүмкін. Физиологик касаллик натижасидеги ёки геронтологик ва гериатрик үзгаришлар ўртасидаги чегара шартлы равища белгиланады. Күп күз касалликлари қарилек жараёнида бутун организмнинг умумий ҳолатига bogliq bouldadi, яъни метаболик үзгаришлар, эндокрин системасидеги үзгаришлар ва бошқаларда.

Баъзида эрта қариш жараёнида күздеги геронтологик үзгаришлар эртароқ бошланады. Ёшга алоқадор үзгаришлардан күйидагилар күзатиласы. Булар күз гавхарининг деформацияси, аккомодациянинг бузилиши, 40 ёшга бориб күз гавхарининг эластичкелерінің камайыб борады. Күз гавхары нечоглик кам эластик ва қаттың бўлиб қолса, ўз эгрилигини шунча кам үзгартира оладиган бўлиб қолади. Демак ёш катталашыб борган сари энг яқиндан аник күриш нуқтаси аста-секин узоклашиб, күз гавхари эгрилигининг үзгариши хисобига кўзининг аккомодацияланиш хусусияти йўқолиб боради. Одамнинг энг яқиндан аник кўрадиган нуқтаси 33 см. дан нари сурилиб қоладиган бўлса, ана шунда у яқин масофага күз тикиб ишлаганида ноқулайлик сеза бошлайди. Бу ҳодиса 40 ёшдан кейин бошланади ва одамнинг ёши қайтиб қолган чогларида ҳаммадан кўп намоён бўлади. Унинг «пресбиопия» деган номи шундан келиб чиккан, бу сўз кексалар кўзи деган маънени билдиради. Пресбиопия нурларни тўплаб берадиган линзалар ёрдамида ростланади. 30 ёшдан кейин ҳар қайси ёшга

тахминан 1,0 дптр ҳисобидан конвекс линзалари буориши зарур. 60-65 ёшда аккомодация умуман йўқолади. Кексаларда тўр парданинг дистрофик ўзгаришлари ҳам кўпайиб кетади, бу эса кўришга катта таъсир этади. Гипертония касаллигига, атеросклерозда ва бошқа гериатрик касалликларда тўр парданинг дистрофияси кузатилади.

2-МАВЗУ

КЎРИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларда кексаларда қўп учрайдиган кўриш тизими касалликлари тўғрисидаги билимларини чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар

 **Кариллик катарактаси.** Бу касаллик кўз гавҳарининг хиралашуви билан ифодаланади. Бу 50 ёшдан ошган кишиларда одатда босқичма-босқич авж олиб борадиган касалликдир. Кўпроқ қандли диабетда, тетанияда, кўз травмасидан сўнг заҳарланиш натижасида пайдо бўлиши кузатилади. Катараракта касаллиги кўрликка олиб келадиган касаллик бўлиб, буни олдини олиш, даволаш мумкин.

Касаллик 4 та босқичда ривожланади:

1. Бошланиб келаётган катараракта;
2. Етилмаган катараракта;
3. Етилган катараракта;
4. Ўтиб кетган катараракта.

Касалликнинг I босқичида кўз олдида парда тургандек бўлиб сезилади. ёруг нарсалар кўзга иккита бўлиб кўринади, лишиллаб турган нарсалар бордек бўлиб туолади. Бундай ҳолат беморни бир неча йил безовта килиши мумкин.

Касалликнинг II босқичида bemor кўзининг кескин хиралашиб қолганидан шикоят қиласи. Бу босқич ҳам бир неча йил давом этиши мумкин.

Катарактанинг етилган босқичида кўз гавҳари бир текис хиравлашади. Касал ҳеч нарсани кўра олмайди, фактат ёргулук қайси томонда турганини ажратиши мумкин. Бу босқичда операция йўли билан кўз гавҳари олиб ташланса бўлади.

Ўтиб кетган катаракта босқичида кўз гавҳарининг пўстлоқ моддаси астасекин суюлиб, сутсимон массага айланиб қолади ва унда гавҳар ядрои қалқиб юриб, бош кимирлаган маҳалда ўз вазиятини ўзгартириб туради. Қарилик катарактасини даволашда В комплекс витаминлари, витамин С, Р ва кўзга томизиш учун витайодурал, витафокал, виценин препаратлари буторилади.

Хиравлашган кўз гавҳарини катарактанинг етилган босқичида олиб ташлаш (экстракция) керак. Етилмаган катаракта босқичида ҳам операция килиш мумкин. Кўз гавҳари олиб ташлангандан кейин беморлар нур йигувчи кўзойнаклар ёки контакт линзалардан фойдаланишлари мумкин.

Глаукома. Бу касалликда кўз ички босими бирдан юкори бўлиб, кўз тур пардаси ва кўрув нерви дискида кўриш функцияларининг пасайиб кетишига олиб борадиган трофик ўзгаришлар юзага келади. Бу касалликда кўз ички босими мудом ёки вақти-вақтида кўтарилиб туриб, кейин кўрув нервида экскавация, яъни чукур тортган жойлар ва кўрув нерви майдонида типик нуксонлар пайдо бўлиши билан характерланади. Глаукомада кўз ички босими ошади. Кўз ички босимини ўлчаш тонометрия дейилади. Тонометрия кўзга юктонометр кўйиш йўли билан ўтказилади. Бу тонометр оғирлиги 10 г. бўлган Маклаков тонометри деб аталади. Меъёрда кўз ички босими 18-27 мм.сим.уст. гача бўлади. Глаукома диагнози аниклашда танометрия ёрдам беради. Бунда кўз ички босими 30 мм.сим.уст. дан юкори бўлади.

Глаукома касаллиги 3 хил бўлади: түғма, бирламчи ва иккиламчи.

Түғма глаукома табиатан ирсий бўлиши мумкин ва бу глаукома хирургик йўл билан даво қилинади.

Бирламчи глаукома – ёшга алокадор ўзгаришлар оқибатида пайдо бўлиб, 40 ёшдан ошган аҳолининг 1-2%ида учрайди.

Бирламчи глаукома ёпик бурчакли, очик бурчакли ва аралаш формаларда бўлади.

Иккиламчи глаукома кўз ўсмешарида, яллигланиш, дистрофик, дегенератив жараёнларда, травмаларда пайдо бўлиши мумкин.

Глаукоманинг ривожланишида 4 та босқич кузатилади:


1. Бошлангич
2. Авж олган
3. Вақтидан ўтган
4. Терминал босқич

Глаукома билан оғриган касаллар доимий диспансер кузатувига олинади. Глаукомани даволашда кўз ички босимини пасайтирувчи холиномиметик ва антихолинэстераз моддалар буюрилади; пилокарпин, карбохолин, ацелидин, фосфакол, адrenomиметик препаратлардан адреналин гидрохлорид ва фенатол кўлланилади.

Умумий таъсир кўрсатувчи препаратлардан диакарб, панангин, аспаркам, трентал, циннаризин, биостимуляторлар, АТФ, глутаминат кислота, витаминалар, склерозга қарши препаратлар кўлланилади.

Бошни узоқ энгаштириб ўтириб бажариладиган ишни бажаришда кисиб турадиган белбог тақиши тавсия этилади. Чекиш ва спиртли ичимликларни ичиш ман қилинади. Овқат асосан сут, ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган бўлиши керак. Ичиладиган суюклик миқдори чекланган бўлиши лозим.

Консерватив даво наф бермагандага хирургик даво олиб бориш керак бўлади.



9-бобга доир саволлар

1. Кексаларда кўриш фаолиятида ёшга боғлиқ қандай ўзгаришлар содир бўлади?
2. Кексаларда катарактия касаллигининг асосий белгиларини санаб беринг.
3. Глаукомани эрта аниqlashi.
4. Юқоридаги ҳолатларда ҳамшираларнинг мақсад ва иш режаси қандай бўлиши керак.

1-МАВЗУ

ЭШИТИШ ТИЗИМИДА ЁШГА АЛОҚАДОР ҮЗГАРИШЛАР

Үқув мақсади

Талабаларнинг кексалар эшитиш тизимидаги ёшга алоқадор үзгаришлар тұғрисидеги билимларини чуқурлаشتырады.



Асосий мәтілумоттар



Кулок органи жуда нозик ва мухим орган ҳисобланады. Бошқа органларга нисбатан инсон ёшининг үзгаришига қарاب, ұтто 20 ёшдан бошлаб қулок органининг эшитиш қобилияты үзгариб борады. Ёшга қараб эшитиш қобилиятининг пасайиши физиологик холат ҳисобланады.

Эшитиш қобилиятининг пасайиши қулок органининг хар бир қисмими үзгариши билан бөглик. 1962 йилдан бүён ЛОР соҳасида В.Ф. Ундреем томонидан яратылған аудиометрия әгри өзекилар методини ишлатып келинепти. Бунда «шивирлаш» методига асосан: I – 7м, II – 6м, III – 5-6м, IV – 5м, V-3-4м аникланады. Патогистологик текширишларда эса эшитиш қобилиятининг пасайиши қулок органининг дегенератив атрофик үзгаришларига ҳам boglikligi кузатылған.

Масалан: ўрта қулок эшитиш сүякчаларининг остеопорози, сүяк ичи кон томирларнинг атеросклерози. Эшитиш қобилиятининг үзгариши, унинг қай даражада эканлиги товуш қабул қилиш аппаратининг, яъни Кортиев органининг хужайралари атрофияга учраганлығига ҳам boglikdir. Айниқса, бош мия кон томирлари атеросклерози ҳам эшитиш функциясына жуда салбий таъсир қиласы.

I типда – Кортиев органидаги үзгаришлар туфайли;

II-IV типда – ички қулоқ чиганоқ спирилида, нерв толаларида ядросида. Эшитиш анализаторидаги ўзгаришлар жисобига ҳосил бўлади.

Қариликдаги карлик белгилари ҳар бир шахс учун индивидуал бўлади.

Хулоса килиб айтганда, қулоқ органи эшитиш функциясининг ўзгариши ҳам физиологик, ҳам патологик бўлади.

2-МАВЗУ

ЭШИТИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўқув мақсади

Талабаларда кексалар эшитиш тизимида кўп учрайдиган эшитиш тизими касалликлари тўғрисидаги билимларни чукурлаштиради.



Асосий маълумотлар

Қариликдаги қулоқ оғирлиги

Ёшга қараб физиологик эшитиш қобилиятининг пасайиши бутун организмнинг физиологик қариш белгилари билан бирга намоён бўладиган норма ҳолатидир. Бу ҳолат нутқка ҳам, эшитиш функциясининг ижтимоий ҳолатига ҳам салбий таъсир этади.

Эшитиш қобилиятининг патологик пасайиши ҳолати эса кўп учрамайди. Бунда қулоқ чиганогининг дегенератив ўзгариши юз беради.

Ёшга нисбатан эшитиш қобилиятининг пасайиши гормонал ҳолатига ҳамда асаб касалликларига ҳам боғлиқдир.

Касаллик клиникасида – товуш қабул қилишнинг ёмонлашуви, бунинг натижасида нуткнинг бузилиши, телефон орқали товушни яхши қабул килмаслик, қулоқ шангиллаши кузатилади.

Давосида – поливитаминлар, витамин В₁, В₆, биостимуляторлар, алоэ, АТФ, гармонилар, қулоқ соҳасига УВЧ ва калий йодид билан электрофорез тайёрланади.

Консерватив даво наф бермагандага эшитиш аппаратидан фойдаланилади.



10-бобга доир саволлар

- 1. Кексаларда эшитиши фаолиятида ёшга боғлиқ қандай ўзгаришлар содир бўлади?*
- 2. Кексаларда қулоқ оғирлиги касаллигини асосий белгиларини санаб беринг.*
- 3. Қулоқ касалликларини эртта аниқлаш.*
- 4. Юқоридаги ҳолатларда ҳамшираларнинг мақсад ва иши режаси қандай бўлиши керак?*

Үқув мақсади

Талабаларда гериатрияда кенг қўлланиладнган дори воситалари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштиради.



Асосий маълумонлар

Замонавий гериатрик клиник фармацология биологик, клиник ва тиббий-ижтимоий қоидаларнинг яқин таъсири билан характерланади.

Фармакодинамика дориларнинг биологик ва терапевтик эфектларини намоён қиласи. Фармакокинетика уларнинг сўрилиши, тарқалиши, метаболизми, экскреция жараёнларини билдиради. Фармакодинамика организмга дори воситаларининг таъсир механизмини, фармакокинетика эса дорига организмнинг таъсирини билдиради.

Кекса одамлар организмидаги фармакодинамиканинг ўзига хослигини аникловчи шароитлар қариганда фармакологик рецепторларнинг боғловчи кобилияти ва сонининг ўзгаришидан келиб чиқади.

Баъзи дориларни тавсия килганда пародоксал реакциялар пайдо бўлиши мумкин.

Ёши улуг беморларда яна реактивлик ҳолати. яъни дори воситаларига сезгирикнинг ошиши ёки камайиши билан намоён бўлиши мумкин. Клофелин билан даволаганда ортостатик реакция бўлиши мумкин. Юррак мушаги юрак глюкозидларига сезгирилиги ошиб кетади. улар одатий дозада ўтказувчанликнинг бузилиши ва экстрасистолияга олиб келиши мумкин. Шунинг учун комбинирланган терапияда бир нечта дорини бирга тавсия килганда уларнинг ўзаро таъсирини хисобга олиш керак. Бунда 4 хил натижа бўлиши мумкин:

1. Даволаш эффектининг кучайиши;
2. Унинг йўклиги;
3. Эффектни камайиши;
4. Салбий реакциялар: бунга дори аллергияси ва унинг оғир тури – дори касаллиги киради.

Дориларнинг ўзаро таъсирида организмда қуидаги асосий механизмлар қатнашади:

- препарат молекулаларининг юборилган жойида, яъни қонда, лимфада, тўқималарро суюкликда, хужайраларда бир-бiri билан ўзаро тўгри таъсири;

- фармакокинетикани ўзгариши (сўрилишни, тарқалишни, чиқаришни);

- метаболизмнинг ўзгариши;

- Препаратларнинг комбинациясини тўгри танланганда даволаш эффекти ошади, лекин асосланган комбинирланган даво бўлмаса, даволаш эффекти пасаяди ва салбий таъсиrlар кўпаяди.

Парэнтерал юбориладиган дориларнинг биргаликда қўлланилиши организмда чўқмалар ва преципитатлар пайдо бўлишинга олиб келади. Беморга қуиilaётган плазма ва конга дорилар кўшилганда шунга ўхшаш реакциялар кузатилиши мумкин.

Дорининг парентерал юбориш учун эритувчи сифатида инъекция учун сув, NaCl физиологик эритмаси, глукоза ва новокайн эритмалари ишлатилади.

Инъекция учун сув кам ҳажмли препаратларни эритиш учун (5-15 мл.) ишлатилади, агар унинг ҳажми кўп бўлса, қоннинг осмотик босими ўзгариши мумкин. Глукоза эритмасида кўпчилик антибиотиклар парчаланади (бензилленициллин, эритромицин, олеандомицин, линкомицин, канамицин) ёки чўкмага тушади.

Новокайнли эритмалар гернатрияда кенг қўлланилади.

Антибиотикларни эритиш учун 0,5-0,1% новокайн эритмаси ишлатилади.

Витамин препаратларини битта шприцда юборилгандаги ўзаро таъсири яхши маълум. Хусусан, аскорбин кислотаси ишқорий эритмалар билан сигишмайди (эуфиллин, кордиамин, кофеин-бензаот-натрий).

Битта шприцда пиридоксин гидрохлорид тиамин хлорид (бромид) билан аралаштирилса, пиридоксин гидрохлорид кислотали мухит таъсирида парчаланади.

Антибиотикларнинг инактивацияси (бензилпенциллин тузлари, гентамицин, стрептомицин) эуфиллин битта шприцда қилинса (ишқорий мухит) пайдо бўлади. Уларни биргаликда қўллаш бронхиал астма, бронхитда бўлиши мумкин. Битта шприцда яна антибиотик ва гепарин аралаштирмаслик керак.

Айрим патологик ҳолатларда (антибиотиклар туфайли ривожланган аллергия, инфекцион-токсик шок, бронхиал астма) антибиотикотерапия кортикоидлар билан олиб борилади.

Ҳаммага маълумки, антибиотиклар ва витамин препаратларининг (аскорбин кислота, В груҳи витаминлари)ни мақсадга мувоғик қўллаш ўтказилаётган давонинг терапевтик эффективини оширади. Масалан, аскорбин кислотаси пенциллинни тўқималарга кўпроқ ўтишига, организмда унинг сакланиш давомийлигини оширади.

Шундай қилиб мураккаб эритмаларни перэнтерал юборишга тайёрлашда препаратнинг ва эритувчининг хоссаларини ҳисобга олиш керак. Инфузион терапияни ўтказа туриб, шифокор қўйидаги коидаларни билиши керак:

- ҳамма аралашмаларни юборишдан олдин таёrlаш лозим;
- эритмада қанча кўп дорилар аралаштирилса, уларнинг ўзаро таъсири бўлиш эҳтимоллиги юқори бўлади;
- қонга, аминокислота эритмаларига, мойли эмульсияларга, сода эритмасига дорилар қўшмаслик керак.

ТАБИЙ АНТИОКСИДАНТЛАР ВА МЕТАБОЛИТЛАР

Табиий антиоксидантлар ва метаболитлар комплекс препаратларини гериатрик сифатида қўллаш мақсадга мувофиқлиги аникланди. Сувда ва ёгда эрийдиган витаминлар, айрим макро ва микро элементлар, аминокислоталар ва бошқа табиий метаболиклар физиологик дозада кўп компонентли препаратлар сифатида кенг тавсия килинади.

Гериатрик препаратлар сифатида декамевит қўлланилади. Адаптоген биостимуляторлар, тўқима липидлари, биорегуляторлар, нейропротекторлар, иммуномодуляторлар хам тавсия этилади.

Гериатрияда ўсимликлардан тайёрланадиган дорилар кенг кўламда қўлланилади. Улар, асосан, умумий терапиянинг таркибида, хаёт сифатини яхшилаш мақсадида қўлланилади. Масалан, ёғ алмашинуви бузилишида стандартлаштирилган чеснокнинг экстрактидан, енгил депрессияларда зверобойнинг стандартлаштирилган экстрактидан фойдаланилади.

ГЕРИАТРИК ФАРМАКОЛОГИЯЛАРНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Хавфсиз ва эфектли даволаш клиник фармакологиянинг мақсади хисобланади. Агар дориларни буюраётган врач шу дориларнинг фармакодинамикасини, фармако-клиник эфектини ва уларни кексаларга таъсирини билса, даволаш ҳавфли бўлмайди. Шундай килиб гериатрик клиник фармакологиясининг қўйидаги асосий принциплари мавжуд:

- улуг ёш ёки қарилек дорилар буюришга қарши кўрсатма бўла олмайди;
- катта ёшдагиларнинг ҳамма касалликлари ҳам дори билан даволашга муҳтож эмас;
- давони бошлашдан олдин аниқ ташхисни билиб олиш зарур;
- ёш ўтган сари дориларнинг актив ва ҳавфли таъсир қилувчи зоналари орасидаги чегара яқинлашиб боради;

- катта ёшли ва кекса беморлар дориларнинг юкори дозадагиларини кўтариши кийин бўлади;
- бир вактда кўлланилаётган дорилар микдори ошган сари ножўя таъсиirlари ҳам ошади;
- иккита ва ундан ортиқ дорилар буюрилганда уларнинг ўзаро фармакодинамик ва фармококинетик таъсирини баҳолаш зарур;
- дориларни ножўя таъсирини ва уларни бартараф қилишни билиш шарт;
- оптимал дори шакли танланиб, овқат, сув ва туз режимини тўғрилигини кузатиб бориш керак.

ГЕРИАТРИЯДА ДОРИ МОДДАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Дори моддаларини кўллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Қари ва ёши катта беморларга дори моддаларини жуда эҳтиёткорлик билан буюриш зарур.

Дори-дармонларни нотўғри тайинлаш оқибатида 60 ёшдан ўтган беморларда дори интоксикацияси ва унинг турли асоратлари кузатилади. Гериатрик беморларнинг организмидаги ёшга алокадор ўзгаришлар дориларнинг ножўя таъсирини ошириб, кумуляцияга олиб келади.

Ҳазм системасининг ёшга алоқадор физиологик ўзгаришлари перорал қабул қилинган дориларнинг абсорбцияси, сўрилишини издан чиқариб, секинлаштиради. Кекса одамларда меъда деворининг тонуси пасайиб, эвакуацияси секинлашади. Бу эса айрим кислотали муҳитга чидамсиз бўлган дори-дармонлар учун хавфлидир. Меъданинг секретор қобилиятининг ёшга алокадор пасайиши ҳам дорилар абсорбциясини секинлаштиради. Дори моддалари парентерал юборилганда ҳам қон айланишининг ва капиллярлар девори ўтказувчанлигининг пасайиши оқибатида дори абсорбцияси сустлашади, дорининг таъсир этиш эффекти сустлашади.

Гериатрик беморларга тана огирилигига нисбатан дори тайинлаб бўлмайди, чунки тана огирилиги 25 ёшдан 60 ёшгача 20%га камаяди, организмдаги ёг микдори 10-20%га, сув микдори 15-20%га камаяди. барча паренхиматоз органларнинг массаси ҳам кичраяди. Жигарнинг огирилиги 10-15%га кичраяди, гепатоцитлар сони камайиб. атрофияга учрайди. Дорилар парчаланишида асосий ўрин эгаллаган жигарнинг функцияси ўзгарганлиги сабабли дори интоксикацияси тез ривожланади.

Дори моддаларининг парчаланиш маҳсулотлари буйраклар орқали организмдан чиқарилади. Қариликда буйракларнинг қон айланиши ва функциялари 2-3 мартаға камайган бўлади. шунинг учун дори моддаларини жуда кам дозировкада бошлаш керак. Буйрак хасталиги бор беморларга хлорпропамид, сульфаниламиидлар, тетрациклиналар, фурадонин каби дориларни буюриб бўлмайди. Ёш ўтиши билан бир нечта дори моддаларини бирданига қўллаш салбий натижаларга олиб келади. Гериатрик беморларнинг ижтимоий аҳволи, руҳий қайфиятини эътиборга олган ҳолда дори моддалари зарур бўлгандагина узок муддатларга кичик дозаларда тайинлаш керак ва беморлар дори моддаларини мунтазам қабул қилишлари зарур. Беморнинг қўллари қалтираши, хотира ва кўришнинг пасайиши оқибатида дориларни тўкиб юбориши, ичишни эсидан чиқариши, томчи дориларни нотўғри ўлчаши мумкин.

Гериатрияда дори тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилар:

- гериатрик беморлар организмидаги ёшга алоқадор ўзгаришлар ва бир катор патологик ўзгаришлар сабабли дориларнинг ножӯя таъсири ёшларга нисбатан юкорирок бўлади;
- организмнинг дори моддалари ва уларнинг метаболитлари таъсирига чидамлилиги пасайиб, интоксикация ривожланиши ортади;
- полипрагмазия, яъни бир нечта дори моддаларини бирданига қўллаш ножӯя оқибатларга олиб кслади. Иложи борича дорилар қабул қилиш интервалига риоя қилиш кёрак;

- даволовчи дозани ўрта ёшдаги одамга нисбатан 2 маротаба кам микдорда тайинланади. Ижобий үзгаришларга эришилгач, дозани яна камайтириш лозим;
- антибактериал препаратлар тайинлашда уларнинг кекса ёшдаги одамларда интоксикацияси кучли бўлишини инобатга олиб, камроқ дозаларда буюрилади;
- дори тайинлашда беморларнинг сув-туз рациони, суткалик сийдик ажралишини, кексаларнинг суюкликни кам истеъмол килишларини эътиборга олиш керак, организмда суюкликтинг камайиши дори интоксикациясини кучайтиради;
- дори аллергияси каби асорат бўлишини эсда тутиш керак.

Дориларнинг ножӯя таъсирини камайтириш, эрта қаришни олдини олиш мақсадида даволашда албатта витаминотерапия қўшимча тайинланади.



ГЕРИАТРИК МОДДАЛАР

Эрта қаришнинг олдини олиш учун қўлланиладиган дори моддалари гериатрик моддалар деб аталиб, организмдаги моддалар алмашинувини нормаллаштиради, асаб тизими ва бошқа органлар ишини яхшилайди. яъни ёшартирувчи таъсир кўрсатади.

Витаминалар. Ёш ўтган сари организмнинг витаминларга талаби ортади. Витаминалар моддалар алмашинувининг катализатори бўлиб, ферментлар таъсирини оширади. Атеросклерозни олдини олиш ва даволашда С, Р, Е, В₁, В₆, РР витаминалари ва фолат кислотаси қўлланилади.

Аскорбин кислотаси (С витамини) атеросклероз касаллигида липид алмашинувини яхшилайди, қонда холестерин микдорини камайтиради.

РР витамини аскорбин кислотаси билан бирга қўлланилганда капиллярлар ўтказувчанлигини яхшилайди, гиалуронидаза таъсирини тормозлайди ҳамда

гистамин хосил бўлишини камайтиради. В₁, В₆ витаминлари, фолат кислотаси ҳам липотроп таъсир кўрсатади. Стенокардияда, тромбангинитда, ишемик ҳолатларда никотин кислотаси кенг қўлланилади.

Д витаминини кекса ёшдаги одамларга тайнинлаб бўлмайди. чунки у атеросклероз ҳолатини тезлатади.

Декамевит, унdevит, метионин каби витаминлар комплекси геронтологик беморларга яхши наф беради. Гериатрик моддалардан микроэлементлар, новокаинотерапия, гормонлар ва биоген стимуляторлар билан даволаш организмнинг қаршилик қобилиятини оширади, физиологик функциялар ишини яхшилади.

Гериатрик беморларга физиотерапевтик муолажаларни тайнинлашда юрак ва кон-томирлар системасидаги ёшга алокадор ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда текширишлар ўтказиб, кейин тайнинланади. Бундай беморларга дорилар электрофорез, ультратовуш билан даволаш, маҳаллий ультра юкори частотали даво, паст дозаларда Бернар токи, гальванизация яхши наф беради. Ультрабинафша нурларига сезгирилик кариликда ошиб кетади. Сув муолажаларни тайнинлашда албатта электрокардиография ўтказилгач, рухсат берилгани мъқул. Беморлар кислородли, азотли, йод бромли ванналарни яхши кўрадилар. Сульфидли ва нарзан ванналари, сув ости массажи юрак хасталикларида тайнинланмайди. Санатория ва курортларни 65-70 ёшлардан кейин тавсия этиш ноўриндир.

11-бобга доир саволлар

1. Гериатрик фармакологиянинг асосий принципларини санаб беринг.
2. Қариятарда қўлланиладиган дори восинчалари ҳақида нималарни биласиз?
3. Гериатрияда дори моддаларининг қўлланилиши ҳақида айтиб беринг.
4. Гериатрик моддалар деганда нимани тушунасиз?



ГЕРИАТРИК ХИРУРГИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Гериатрик беморлар сонининг ошиб бориши натижасида улар орасида хирургик касалликлар сони ҳам кўпайиб бормокда. Гериатрик хирургиянинг ўзига хос хусусиятларига қуидагилар киради:

1. Организмнинг адаптацион қобилиятининг пасайғанлиги;
2. Хирургик касаллик пайдо бўлишида йўлдош касалликларнинг ноқулай шароитлар яратиши, бу эса хирургик bemor ахволини оғирлаштиради;
3. Гериатрик bemor руҳий ҳолатининг ўзгача бўлиши, уларга қилинадиган жарроҳлик операцияси ва ўз касалликлари якуни ҳакида қаттиқ хаяжонланадилар. Ҳатто операциядан бош тортадилар ёки кеч рози бўладилар.

Корин бўшлигининг ўткир жарроҳлик касалликларини кечиши типик бўлмайди, клиник белгилари яққол намоён бўлмайди. Ўткир аппендицитда оғриқлар кучли бўлмайди, Щеткин-Блюмберг аникланавермайди, лейкоцитоз юкори бўлмайди. Кексаларда ўткир аппендицитнинг деструктив формалари кўпроқ учрайди. Аппендикуляр инфильтрат ёшларга нисбатан кексаларда 2-6 марта кўпроқ учрайди ва кечиши ўткир узок бўлади.

Яра клиникаси суст ифодаланиб, диагностикасини қийинлаштиради. Касаллик бошланишида корин соҳасида тушунарсиз оғриқлар пайдо бўлиб. юрак ва бел соҳасига тарқалиши мумкин, кўпроқ миокард инфаркти. холецистит. панкреатит диагнози хато қўйилади. Фақат маҳсус текширув усуслари ёрдамида аниқ диагностика килинади (лаборатор ЭКГ. рентгенологик. лапароценизез).

Гастродуоденал кон кетишлари ҳам рентгенологик эндоскопик текшириш усуслари ёрдамида аникланади ва консерватив, яъни гемостатик. симптоматик даво берилади. Агар консерватив даво наф бермаса, оператив йўл билан даволаш керак.

Сикилиб қолган чурралар гериатрик муаммолардан бири хисобланади. Амалиётдан кейинги леталлик 7,5%ни ташкил этади.



ЁТОҚ РЕЖИМИДАГИ ОГИР БЕМОРЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Пневмония, грипп, қон айланишининг бузилиши, уремия, кахексия, анемия, миокард инфаркти ва бошқа бир катор оғир касалларда гериатрик bemорлар узок вакт ҳолатини ўзгартирумай бир жойда ётиб қоладилар. Бу эса иштаханинг пасайишига, гипостатик пневмонияга, ётоқ яраларининг пайдо бўлишига, тромбоэмболияларга, сийишнинг қийинлашувига ва сийдик йўлларининг инфекциясига олиб келади.

Бундай bemорларга ётган жойида гимнастика ва енгил массаж буюрилади. Бир жойда узок ётган bemорларнинг думгаза курак, товон ва тирсакларида терининг озиқланиши бузилиши оқибатида ётоқ яралари пайдо бўлади. Ҳамшира ётоқ яраларини олдини олиш учун кун давомида бир неча марта bemорнинг вазиятини ўзгартириб туриши, кийимлари ва чойшабларида бурмалар бўлмаслигига ва терилари озода бўлишига аҳамият бериши лозим. Агар тери кизаридан колган бўлса, кунига бир марта 10%ли камфора спирти билан, сўнг нам сочиқ билан артилади. Яралар пайдо бўлган бўлса, уларга кучли калий перманганат эритмаси сурилиб, Вишневский мази, синтомицин линименти boglab қўйилади.

Ковугини тута олмаслик – сийдик пуфагида яллигланиш ёки тошнинг бўлиши, простата безининг касалларни, аёлларда уретранинг касалларни, мияда қон айланишининг бузилиши, деменция, миелит туфайли пайдо бўлади. Парвариш даврида сийдикни йигиш учун резинали сийдикдонлардан фойдаланилади ва бадан терисини тоза саклаб турилади. Аёлларнинг ташки жинсий органлари ҳар куни ювиб турилади ва чайилади. Тагни ювиш учун калий перманганатнинг кучсиз эритмаси ишлатилади.

Гериатрик беморларда учрайдиган қабзиятлар мұхим ахамияттағы әгадир. Бұ овқатланишдаги нүксөнларга болғыл. Масалан, мева-сабзавотлар ва уларни сокларининг рационда бүлмаслиги ва нотұғри овқатланишдан иборатдир. Баъзи дори-дармонлар ва кам харакатлық ҳам қабзияттағы олиб келади. Аммо кекса кишиларда қабзиятта хүқна тайинлаш ичакларни зааралайти, бунинг үрнігінде сутли ва үсімликтерден тайёрланған, мева-сабзавотларга бой пархез тайёрланади, сургилар буюрилади.

Қариликда ахлатни тута олмаслик ҳоллари бўлса, тўғри ичак сфинктери соҳасидаги маҳаллий яллиғланиш, үсмалар, нерв касалликларида, мияга қон куйилганда кузатилади. Бундай беморлар алоҳида хоналарга жойлаштирилади. ости ювіб турилади, хона ҳавоси шамоллатиб турилади.

Қари одамларнинг овқатланиш режимини ташкил этишда уларда учрайдиган атеросклероз, гипертония, диабет, остеопороз, онкологик касалликлар, семириш каби касалликларни олдини олиш мақсадида аскорбин кислотаси ва «Е» витамины, «А» витамины, остеопорозни олдини олиш мақсадида «Д» витамины ва кальций бериш керак.

Қариликда овқат таркибидаги оксили, ёғлар ва углеводларнинг нисбати 1,0:0,8:3,6 бўлиши керак. Овқатда углеводлар микдори чекланған бўлиб, ош тузи эса 5-8 г. гача камайтирилади. бу эса артериал босимни ошишини, шишлар пайдо бўлишини олдини олади. Қари ёшдаги одам бир кунда 4 марта овқатлангани маъқул.

Биринчи нонушта овқатнинг умумий суткалик энергетик қийматининг 25%ини, иккинчи нонушта 15%ини, тушлик 35%ини, кечки овқат 25%ини ташкил этиши керак. Кечки овқат ухлашдан 2-3 соат олдин берилгани маъқул.



КЕКСА ЁШДАГИ ОДАМЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ

Хәётни узайтириш, қарилик билан курашиш тиббиёт фанининг олдига қўйилган мухим масалалардан бири хисобланади. Кўп умр кўришда жисмоний тарбиянинг аҳамияти каттадир.

Қариш – бу факат сўлиш эмас, балки бутун организмнинг мураккаб қайта қурилишидир. Биологик конун буйича ёш катта бўлган сари организмнинг мослашув имкониятлари кискаради.

Маълумки, қариш процессида орган ва системалар ўзгариши билан бир қаторда организмнинг ўзига хос компенсатор – мослашув реакциялари хосил бўлади. Айиан шу реакциялар қариш процесси ривожланишининг секинлашувига актив таъсир кўрсатади.

Жисмоний машқларни систематик бажариш шартли рефлектор боғланишларга ижобий таъсир кўрсатиб, организмнинг эрта қаришига таъсир қилувчи боғланишларни секинлаштиради.

Физик харакат турли орган ва системаларни ҳәётий активлигини нормаллаштириб стимуллайди: миокардни кисқарувчанлигини оширади, коронар қон айланишини яхшиланиши капилляр қон томирларнинг кенгайиши билан боради, ўпка вентеляцияси ошади, кичик қон айланиши тизими ишини яхшилайди, кўкрак қафаси харакатларини нормаллаштиради. Меъда ичак йўлларини силлиқ мушак моторикасини яхшилайди. Мушак системасини, унинг боғловчи аппаратини, бўғимлардаги харакатларини нормаллаштириб иш харакатини узоқ муддатгача саклаб туради.

Гормонал фоннинг жисмоний харакатларда аҳамияти жуда катта. Улар таъсирида эндокрин хосилалар фаолияти ошиб. инсон танаси ёшаради.

Шифокорнинг биринчи вазифаси беморларни биологик ёшини аниқлаб, сурункали ва латент кечувчи касалликлар ва уларнинг асоратини аниқлаб, физик машгулотлар микдорини тўгри танлашдан иборат. Врачлар назоратидан

ўтгандан кейин бемор физик машгулотларнинг 4 та гурухидан бирортасига юборилади.

I гурух. Бу гурухга яхши физик тайёргарлик кўрган ва патология асоратлари бўлмаган bemорлар киради.

II гурух. Бунга сезилмаган миқдордаги асоратлари бор ва яхши компенсацияга эга бўлган bemорлар киради.

III гурух. Паст физик тайёргарликка эга ва жисмоний харакатлари чекланган, соғлиғида бирон бир ўзгариши бор bemорлар киради.

IV гурух. Бу гурухни тури касалликлар билан касалланган bemорлар ташкил килади. Улар шифокор назорати остида бадан тарбияси билан шугулланадилар.

Саломатлиги буйича 1-3 гурухга киритилган bemорлар юкламали даволовчи бадан тарбия билан шугуллансалар бўлади, бироқ 3-гурухга эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Даволовчи бадан тарбияси билан шугулланиш ўртacha тартибда олиб борилиши керак. Юкламаларни боскичмабоскич ошириб борилади. Юкламалар шуғулланувчиларни функционал имкониятига тўгри келиши керак.

Қари организмнинг ҳолатидан келиб чиқиб тез ҳаракатлар, кескин тана ва бошни букиш мумкин эмас. Тана ҳолатини тез ўзгартирганда қон томирларда склеротик ўзгаришлар бўлганлиги сабабли бош айланиши, кулокда шовқинлар, мувозанат бузилиши, йикилиб жароҳат олиши мумкин.

Кекса ёшдагиларга машқларни шундай танлаш керакки, бунда ҳамма бўғим ва мускуллар иштирок этиши керак. Бу машқларни ҳаммаси ритмик, бир маромда, юрак қон томир системасини зўриқтирмасдан бажарилиши керак.

Узок масофага югуриш ортиқча юклама бўлади. Бу оёқ бўғимларда ва умуртқада оғриқ бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли кекса ёшдагиларга бадантарбия қилиб юриши тавсия килинади. бунда тананинг ҳамма қисмлари – мускуллари, оёқ-қўл бўғимлари тос ва елка камари, корпуш қатнашади ва бўғимлар жароҳатланиши камаяди.

Жисмоний машқ билан шугулланувчи шахслар ўзининг пульсини назорат килиб туриши лозим. Пульси тезлашиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Пульси чегарашиб микдорини аниқлаш функционал диагностика хоналарида бир неча марта велоэргометрия усулини кўллаб ЭКГ ёрдамида ўтказилади. Агарда бундай текширишнинг иложи бўлмаса, биринчи ва иккинчи функционал гурухларга киравчи bemорлар учун формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

Жисмоний машқлар билан систематик шугулланиш керак. Бир йил гиподинамиядаги бўлиб, таътил пайтида эса жисмоний машқлар, спорт ўйинлари билан хаддан ташқари кўп шугулланиш мумкин эмас. Чунки бу нарса фожиа билан тугаши мумкин. Шундан келиб чиккан холда «отпуск инфаркт» тушунчаси ҳам бордир. Бундай контингент шахсларга жисмоний машқлар шифокор консультациясидан сўнг индивидуал ҳолатда олиб борилиши керак ва албатта «Зарар қилма» деган тиббиёт коидасига риоя қилиш зарур.



ГЕРИАТРИК ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ахоли сонининг қариялар хисобига ортиб бориши гериатрик ёрдамни тўғри ташкил қилиш, унинг тиббий ва ижтимоий асосларини билишни такозо этади. Кари одамларга ёрдам кўрсатиш, согликларини тиклашда факат тиббий чоралар билан чекланиб қолмай, балки ижтимоий нуктаи назардан ҳам ёндашиш керак.

Беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир каторда унинг иш кобилиятини тиклашга, руҳий тестиклигини оширишга ва Қизил Ярим ой жамияти билан алоқани ўрнатишга ёрдам бериш керак. Ёлғиз яшайдиган, ўз-ўзига хизмат қила олмайдиган кексалар учун қариялар уйи ташкил этилган бўлиб, уларда барча шарт-шароитлар яратилган. Кўрсатмаларга кўра ушбу уйларга жойлаштиришга кўмаклашиш зарур.



ҚАРИ ВА КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИНГ РЕАБИЛИТАЦИЯСИ

Реабилитация жараёни тиббиёт амалиётида мураккаб комплекс жараён бўлиб, кўйидагилардан иборат:

- тиббий реабилитация – bemорни даволаш;

• психологияк реабилитация – шифокорни bemорга ёки инвалидга уларнинг онгидағи руҳий депрессияни, ўтказган касалликлари туфайли келиб чиққан реактив неврозни камайтириш мақсадида таъсир килиши: даволашнинг яхши натижасига bemорни ишонтириш;

• ижтимоий ёки жамоат реабилитацияси – оила ва жамиятда унинг ўрнини тиклаш;

• меҳнат, касбий реабилитация – меҳнат қобилиятыни қисман ёки тўлиқ тиклаш.

Даволаш жараёни тиббий реабилитация ҳисобланиб, натижаси унинг қандай бошланганлиги билан bogлиқ. Ҳамма реабилитация турлари бир-бiri билан жипс bogлиқ ва мақсади соглиқ ва меҳнат қобилиятыни тиклашга каратилган. Қари ёшда тикланиш жараёнлари секин кечгани туфайли реабилитация узоқ вақт давом этади ва тикловчи даволаш олиб борилганда эса сабр-тоқат, қатъийлик билан ёшга мос ўзига хосликлари, жисмоний ва руҳий ҳолати ҳисобга олиниши керак.

Қайта тиклаш терапияси – атеросклероз асорати, мия инсульти, миокард инфарктини ўтказган, таянч-харакат аппаратининг ёшга хос ўзгаришлари туфайли тезда пайдо бўладиган травматик шикастланиши бор катта ёшдаги гурухларда ўзига хос ўринга эга. Ўз вақтида ва тизимли ўтказиладиган реабилитацион ташкилий ишлар қари одамни ўзига-ўзи хизмат қила оладиган ёки минимал бошқалар ёрдамидан фойдалана оладиган даражада функционал тикланишига олиб келади. Қари ёшдагиларнинг қайта тиклаш даволанишлари атрофдагилар ва bemорлар учун ижтимоий нуқтаи назардан баҳоланиши керак.

У яна иктисидий натижа ҳам беради, чунки бу тадбирлардан кейин беморга қарайдиган тиббий персонал сони қисқаради, яна ўз касбини ташлаб беморни парвариш киладиган қариндошлари сони камаяди.

Гериатрия амалиётида даволаш эффекти, шифокорнинг обрўсига, беморнинг соглигини яхшилашга бўлган ишончига боғлик. Беморнинг оптимистик ҳолати қайта тиклаш терапиясининг муҳим фактори хисобланади. Беморнинг кучига ишониши, согайишига бўлган иродаси – уни даволаётган шифокорларни унинг сурункали касаллигига қанчалик маъсулиятли бўлишларига маълум даражада боғлик. Тиббий персонал қариялар билан ишлаганда билиши керак бўлган асосий принциплардан бири шуки, кари одам организми функцияларини қайта тиклаш учун аниқ резерв имкониятини билиб, факат уни тўғри чиниқтиришни олиб бориш керак.

Қайта тиклаш терапиясида руҳий аспектларга алоҳида эътибор қаратиш керак, кари ёшдаги беморларга етарли даражада эътибор бериш, уларнинг индивидуаллигини баҳолаш, кечинмаларини тушуниш, атрофдагилар билан мулоқотга киришиши кийинлигини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Реабилитацияни амалга оширишда тиклаш терапиясининг олдиндан тузилган режаси ва ундан беморнинг хабардор бўлиши катта психотерапевтик таъсирга эга. Бундай ёндашиш беморга ўзининг соглигига онгли ва маъсулиятли равишда қарашига имкон беради. соглигини саклаш учун курашишга бўлган қатъиятини мустаҳкамлайди, депрессияни, умидсизлик фикрини йўқотади. Қари одам қайта тикланиш имконияти бор гурухга киришини англаб етади. Реабилитацион терапияни амалга ошираётган пайтла унинг ҳар хил этапларида гериатрик воситалар билан медикаментоз даволаш ўтказилади (факат ўткир давридан кейин, бузилган функцияларни қайта тиклаш учун гемиплегияда, травматик бузилишларда).

Бош мия кон айланиши бузилишини ўтказган, парез ва параличили травма бўлган беморлардаги қайта тиклаш терапияси гериатрик реабилитацияда алоҳида ўрини эгаллайди, алоҳида эътибор ва тиббий персонални маҳсус ўқитиш

кераклигини талаб қиласы. Чиникириш машгүлтларининг мухим коидаларидан бири – бемор үзи қила оладиган нарсаны унинг ўрнига қилмаслик. Кекса одамга доим ёрдам бермаслик керак, чунки у бунга ўрганиб қолади ва ўз-ўзига хизмат қилишни хоҳламайди. Бошқаларга боғлик бўлиб қолишлик салбий таъсирини кўрсатиши ва ҳамма реабилитация дастурини бузиши мумкин. Реабилитацион машгүлтларни ҳар кун ўтказилиши мухим. Бу катта ёшдаги одамлар гурухлари учун мухим, чунки эришилган яхши натижалар норегуляр машгүлтлар туфайли осон йўқолиб боради ва манфий томонга ўзгариб қолади.

Даволаш ва профилактика мақсадларида шифоталаб жисмоний тарбияни қўллаш согайишни кучайтиради, меҳнат қобилиятини қайта тикланишига олиб келади.

Машгүлтларни тўғри олиб бориш катта аҳамиятга эга. Бошланишида улар секин темпда олиб борилади, бу айниқса гемиплегияли психик реакциялари камайган беморлар учун мухим. Агар ҳаракат методист билан биргаликда яхши бажарилса, унда машқлар темпини тезлаштириш мумкин. Реабилитация бўлимларида маҳсус мосламалар, ҳаракатланувчи стуллар, креслолар, юришни осонлаштирувчилар бўлиши керак. Беморни олдин қисман, кейинчалик тўлиқ ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш мухим ва ўзаро ёрдам мақсадга мувофик. Овқатланиш палатада эмас, касалхона умумий ошхонасида бўлиши керак.

Кайта тиклаш терапиясининг асосий омилларидан бири – ташкиллаштирилган меҳнат терапиясидир. Тиббий кўрсатмалар ҳисобга олинганидан кейин ва заарланган тана қисмининг функцияларини, касбий қўнималарни тиклашнинг кераклигига қараб, bemorning руҳий ҳолатини ҳам ҳисобга олиб, меҳнат терапияси ташкиллаштирилади. Меҳнат терапияси кари одамнинг ёрдамга мухтоҷлигини йўқотишда катта аҳамиятга эга. Кекса одам ўзининг одатий машгүлтлари доирасида ишласа яхшироқдир. Бу кўнгил тўклигига, хурсандликка олиб келади ва ички мувозанатни тиклашга ёрдам беради. Кари одамларнинг комплекс реабилитацион терапиясида аппаратли

физиотерапия, массаж, махаллий гидротерапевтик ва иссилик мұолажалари, айникса, ҳаракат-таянч аппарати касалларыда ҳаракатланиш функциясини тиклашда катта ахамиятга эга. Бу мұолажалар қарі одамларда әхтиёткорлик билан ўтказилиши керак, чунки улар организмининг мослашиш қобилиятининг бузилиши температура ва бошқа таъсирларга пародоксал реакция бериши мүмкін. Ёшдан қатын назар қарі одамларнинг адаптацион имкониятларига реабилитациянинг охирги боскичларидаги чинкитируди режим яхши таъсир килади. Актив ҳаракат режими қон айланиш ва нафас олиш системасининг функционал имкониятларини көнгайтиради; у организмни кислород билан таъминлады, қон ивиш ва ивишта қарши тизимга яхши таъсир килади.

Қайта тиклаш терапиясининг яхши натижали бўлиши касалхонадан оиласа, одатий шароитга қайтиб келаётган қарі одамнинг ижтимоий, жамоатдаги реабилитацияси қандай амалга оширилишига боғлиқ. Бу парез ва параличларнинг қолдик асоратлари бўлган беморлар учун айникса муҳимдир. Улар одатда ўзининг жисмоний камчиликларидан уялишади. Ҳаётнинг одатий шароитларини бузилиши, ички дунёнинг ностабилити безовталанишига, қўркишга, ёлгизлик истагига олиб келади. Беморга даволаш пайтида тушкунликка ва депрессияга тушмаслиги учун ёрдам бериш, унда ишончни шакллантириш, яхши рухий қулайлик яратиш керак. Бунинг учун тиббий персонал bemor билан рухий контактда, унинг оиласи билан ўзаро ҳамкорликда бўлиши лозим. Беморнинг яқинларига ундаги касалларни, асоратларини, заарланган функцияларини тиклашнинг ахамиятини, bemorni парвариш қилиш қоидалари ва bemorni рухиятига таъсир қилишини тушунтириш керак.

Уйига қайтган қарі одамни ҳолатини яхшиланишига бўлган оптимизм ва ишончни саклай биладиган обрўли шифокор ва ҳамшира даврий текшириб туришлари керак. Тиббий ва ижтимоий реабилитацияни таъсирчанлигини ошириш учун кундузги ва уй шароитидаги стационарларни ташкил этилиши муҳимдир. Чунки қариндошлари эрталаб олиб келиб, сўнг кечқурун олиб

кетадиган беморлар керак бўлган физотерапевтик муолажаларни олишлари, меҳнат терапияси билан шугулланишлари, овқатланиш ва дам олиш режимига амал килишлари, уларни даврий врач кўриб туриши керак.

Ижтимоий тикланишини муҳим бўлими бўлиб меҳнат ва касбий реабилитация хисобланади. Тиббий функционал ва оила реабилитацияси билан биргаликда у тўлик ижтимоий тузалиш учун керак. Меҳнат фаолияти соглиқнинг тез тикланишига олиб келади. Лекин тўлик реабилитацияни имконият бўйича амалга ошириш учун касалликни тури ва оғирлигини хисобга олган ҳолда этапли, яхшилаб ўйланган дастур керак. Стационар шароитида bemorning олдинги касби шароитларини, янги қўникмаларини машғулот турига боғлаб, юкламаларини месъёрига келтириш керак.

Электр даволаш, ультратовуштерапия, ёруғликтерапия, сув ва иссиклик билан даво, массаж каби даволарни қўллаш қариётган организм учун яхши натижа беради.

Дори терапияси. Дорининг таъсири унинг организмда сўрилиши ва чиқарилиши кандай амалга ошишига жуда ҳам боғлиқ. Меъда ичак трактининг структур ва функционал ўзгаришлари натижасида ёш ўтиши билан секин сўрилади. Тери остига ва мушак орасига юбориладиган дорилар кеч ва паст интенсивликда таъсир килади, чунки секин сўрилади. Қариликда организмдан дори моддаларининг чиқиб кетиши бузилади. Жигарнинг заарсизлантириш функциясининг пасайиши туфайли организмда дори моддалари ва уларнинг парчаланиш маҳсулотлари тўпланади. Бу эса қари ёшдаги одамларда дори интоксикациясининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Қариликда кузатиладиган атрофия жараёнлари дори воситаларининг фармакодинамикасини ўзгартирувчи муҳим фактор хисобланади. Шуни хисобга олиш керакки, ёш ўтиши билан бошқа тўқималарга қараганда паренхиматоз тўқималарнинг эволюцияси интенсив кечади, шу туфайли дориларни дозалашда тана оғирлиги критерий бўла олмайди.



ТЕСТЛАР

1. Инфаркт миокардни кечиши бўйича 4 та даврни айтинг:

- ўткари даври
- ўткари даври
- ўткари ости даври
- инфарктдан сўнгги
- рецидивланган
- сурункали
- қайталанган

2. Инфаркт миокардини эрта асоратлари:

- ритм ўтказувчанлигининг бузилиши
- юрак астмаси, ўпка шиши
- зотилжам
- психик ўзгаришлар

3. Миокард инфарктини ўткари даврида медикаментоз терапиянинг 4 та асосий йўналишини топинг:

- коронар қон айланишини яхшилаш
- фибринолитик ва антикоагулянт текшириш
- юрак ритмининг олдини олиш ва йўқотиш
- оғриқ синдромини йўқотиш
- Дресслер синдромига карши дорилар
- юрак гликозидлари
- қон ивишини кучайтириш

4. Ўткари зотилжамни 6 та асосий сабаби:

- бактерия
- вирус

- микоплазма
- рикетсия
- патоген замбуруғлар
- физик ва кимёвий омиллар
- конституционал тузилиш
- насли
- иммун танқислик синдроми
- ҳомиладорлик
- ёши
- жинси

5. Ўчоқли зотилжамга хос 4 та клиник синдром:

- интоксикацион
- умумий яллигланиш синдроми
- ўпка тўқимаси яллигланиш синдроми
- бошқа аъзо ва система қўшилиш синдроми
- цитолитик синдром
- гемолитик синдром
- бўғим синдроми
- кичик сорбция синдроми

6. Ўчоқли зотилжамга хос 4 та синдром:

- касалланган ўпка томондан кўкрак қафасини нафас олишдан орқага колиш
- зааралланган соҳада товуш титраши ва бронхофония кучайиши
- перкутор товуш қисқариши ёки тўмтотк товуш
- нафас олиш меърининг ўзгариши
- юрак шовқинларининг ҳосил бўлиши
- лейкопения

- аллопеция
- тирноклар синиши

7. Зотилжам ташхисини тасдиқловчи 3 та асосий текширув усули:

- рентгенологик
- умумий қон анализи
- балғамни бактериологик текширув
- флюктуация усулида балғам анализи
- трансаминазага қонни текшириш
- балғамни гемокультурага текшириш

8. Ўчокли зотилжамни даволашда асосий 4 та принцип:

- антибактериал
- дезинтоксикацион
- десенсибилизацион
- организмни иммун реактивлігіні ошириш
- витаминотерапия
- қон қүйиш
- В -адретиоблокаторлар

9. Сурункалы бронхитни ривожлантиришига таъсир килувчи 5 та экзоген омиллар:

- чекиш
- касбий ножұя таъсирлар
- инфекция
- ҳавонинг ифлосланиши
- климактерик омил
- пархезнинг бузилиши
- аллергенларга таъсир

- дорилар ичиш
- күкрап кафаси жарохати

10. Сурункали бронхитни 3 та клиник формаси:

- оддий
- обструктив
- йириングли обструктив
- фибриноз
- ярали
- полипоз

11. Ўчокли зотилжамни ўчоқ ҳажмига кўра 3 та клиник формаси:

- майда ўчокли
- йирик ўчокли
- қўшилувчи
- милиар
- гематоген диссеминирланган
- аралаш

12. Ўчокли зотилжамни даволашнинг асосий 6 та принципи:

- антибактериал
- дезинтоксикацион
- десенсибилизацион
- организм иммун реактивлигини ошириш
- кардио ва вазотоник терапия
- муколитик ва балгам кўчирувчи даволаш
- витаминотерапия
- кон қўйиш
- иммунодепрессия

- В-адреноблокаторлар
- гипотензив терапия
- H₂-блокаторлар

13. Сурункали гепатитнинг 4 та диагностик критерияси:

- гепатоцитлар некрози ва дистрофияси
- гепатомегалия
- қонда билирубин мөкдори, жигар ферментлари, глобулинлар мөкдори ошиши
- оғриқ, диспептик ва астеновегетатив, холестаз синдромларни пайдо бўлиши
- жигар циррози
- спленомегалия
- тери шиллик қаватининг саргайиши
- қонда боғланган билирубин ошиши

14. Сурункали гепатитни морфологик варианти:

- агрессив
- персистланувчи
- холестатик
- қайталацувчи
- токсикоаллергик
- носпецифик

15. Диспептик синдромни 4 клиник белгиси:

- кўнгил айниши, иштаҳа йўклиги
- эпигастрал соҳада оғриқ сезгиси, кекириш
- қоринни шишиб кетиши
- қабзият

- метеоризм
- иштаха очилиб кетиши
- ич келиши
- коринда сув йигилиши

16. Ичак диспепсиясини 3 та синдромини санаб ўтинг:

- бижгувчи
- чириган
- аралаш
- механик
- токсик
- рефлектор

17. Қабзиятни 4 та патологик механизмини санаб ўтинг:

- ичак моторикасининг бузилиши
- дефекацияга чақириқларнинг сустлиги
- органик ўзгаришларнинг келиб чиқиши
- йўғон ичакни ҳажми билан сигимининг тўғри келмаслиги
- ичак моторикасини яхшилаш
- метеоризм
- ич бузилиши
- йўғон ичак ҳажми билан сигимининг тўғри келиши

18. Геронтология фанини 4 та таркибий қисмларини санаб беринг:

- қариш биологияси
- гериатрия
- герогигиена
- герантопсихология
- фармакология

- геометрия

- химия

- биология

19. Геронтология фанининг 4 та таркибий қисмларини санаб ўтинг:

- геродермия

- геродиетология

- героэкология

- физиотерапия

- диализ

- антибактериал

- диета

20. Күйидаги келтирилган 4 та сатрларнинг қайси бирларида қарилек даврлари түгри кўрсатилган:

- ўрта ёш 45-59

- кексайган ёш 60-74

- қариган ёш 75-89

- узок умр кўрувчи 90- ва ундан катта

- ўрта ёш 50-60

- кексайган ёш 61-75

- қариган ёш 75-90

- узок умр кўрувчилар 91 ва ундан катта

21. Физиологик қарышни 3 та таърифи:

- қарилек ўзгаришларини аста-секин ривожланиши

- табиий бошланиши

- организмни ташки

ТАВСИЯЛАР

(РЕЦЕПТЛАР)

ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ДАВО ВОСИТАЛАРИ

Rp: Tab. Acidi acetylsalicylici 0,5

D.S. 1 табл. 3 маҳал овқатдан кейин.

Rp: Tab. Analgini 0,5 N. 10

D.S. 1 табл. 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Brufeni 0,2 N. 100

D.S. 2 табл. 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Voltaren 0,025 N. 30

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Tab. Indometacini 0,025 N. 30

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Tab. Delagili 0,25 N. 20

D.S. 1 табл. 1-2 маҳал.

Rp: Tab. Plaquenili 0,2 N. 20

D.S. 1 табл. 1-2 маҳал.

СТЕНОКАРДИЯДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Rp: Tab. Isosorbidi dinitrati 10 mg

D.S. 1 табл. 4 маҳал ичишга.

Rp: Tab. Eryniti 0.01

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

Rp: Molsidomini 2 mg

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

Rp: Propranololi 40 mg

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

Rp: Athenololi 50 mg

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

Rp: Bisoprololi 5-20 mg (Конкор)

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

Rp: Nifidipini 30 mg

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал ичишга.

Rp: Tab. Verapamili 80 mg

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

Rp: Tab. Diltiasem 30 mg

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

Rp: Tab. Amlodipini 5 mg (Норвакс)

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Tab. Metaprololli 50 mg

D.S. 1 табл. 3 маҳал ичишга.

ЮРАК ГЛИКОЗИДЛАРИ

Rp: Tab. Diquoxini 0.00025 N. 20

D.S. 1 табл. 2-3 маҳал.

Rp: Sol. Diquoxini 0,025% - 2,0

D.t.d. N 6 in amp.

D.S. 1 мл. дан венага секин юбориш учун.

Rp: Sol. Corglyconi 0,06% - 1,0

D.t.d. N 6 in amp.

D.S. 0,5 мл. дан физиологик эритмада эритиб, венага юбориш учун.

Rp: Sol. Strophanthini "K" 0,05% - 1,0

D.t.d. N 6 in amp.

D.S. 0,5 мл. дан физиологик эритмада эритиб, венага юбориш учун.

СИЙДИК ҲАЙДОВЧИ ДОРИЛАР

Rp: Tab. Diacarbi 0,25 N. 10

D.S. 1 табл. 1 хафтада 2 марта.

Rp: Tab. Hypotiazidi 0,025 (0,05) N. 20

D.S. 1 табл. 1-2 маҳал.

Rp: Tab. Furosemidi 0,04 N. 50

D.S. 1 табл. 2 маҳал.

Rp: Tab. Acidi etacrinici 0,05 (Uregit) N. 30

D.S. 2-4 дан 1 маҳал.

Rp: Tab. "Triamipur" N. 30

D.S. 2-4 дан 1 маҳал.

АРИТМИЯГА ҚАРШИ ДОРИЛАР

Rp: Tab. Panangini seu Asparcami N. 30

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Sol. Panangini 10.0

D.t.d. N. 10 in amp.

D.S. 10 мл. дан венага.

Rp: Sol. Aymalini 2,5% - 2,0

D.t.d N. 20 in amp.

D.S. 10 мл. дан венага.

Rp: Tab. Allapinini 0,025 N. 20

D.S. 1 табл. 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Novocainamidi 10% - 5.0

D.t.d. N. 5 in amp.

D.S. 5 мл. дан томирга ёки мушак орасига.

Rp: Tab. Novocainamidi 0.25 N. 20

D.S. 2 табл. 4-5 маҳал.

Rp: Sol. Lidocani 1% - 10,0

D.S. 200-300 мл. глюкозада эритиб, томирга юборилади.

Rp: Chinidini sulfatis 0,2

Sacchari albi 0.2

M.f. pelv

D.t.d. N. 10

S. I порошокдан 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Anaprlini 0,04 N. 20

D.S. 1 табл. 2-4 маҳал.

Rp: Sol. Kalii chloridi 4% - 10,0

D.t.d. N. 10 in amp.

S. 10 мл. дан 100 мл. физиологик эритмада эритиб,

томир ичига томчилаб юборилади.

Rp: Tab. Cardaroni 0,02 N. 50

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Tab. Athenololi 0,05 N. 50

D.S. 1 табл. дан кунига 2-3 маҳал.

Rp: Sol. Izoptini 1,0

D.t.d. N 25 in amp.

S. 1 табл. дан физ. эритма билан венага юборилади.

СПАЗМОЛИТИКЛАР

Rp: Tab. No-spani 0,04 N. 60

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Sol. No-spani 4% - 2,0

D.t.d. N. 10 in amp.

S. 2 мл. дан тери остига.

Rp: Sol. Papaverini hydrochloridi 2% - 2,0

D.t.d. N. 10 in amp.

D.S. 2 мл. дан тери остига.

Rp: Sol. Halidori 2.5% -2,0

D.t.d. N 10 in amp.

S. 2 мл. дан мушак орасига 10-15 кун.

ГИПОТЕНЗИВ ДОРИЛАР

Rp: Tab. Raunatini 0,002 N. 50

D.S. 1табл. 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Verapamili 0,04 N. 50

D.S. 1 табл. кунига 3 маҳал.

Rp: Tab. Berliprili 0,05 N. 50

D.S. 1 табл. дан кунига 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Captoprili 0,025 (0.050) N. 50

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Tab. Norvasc 0,005 N. 30

D.S. 1 табл. 1-2 маҳал.

ҚОН ИВИШИГА ҚАРШИ ДОРИЛАР

Rp: Sol. Heparini 5,0 (5000 ТБ – 1 мл)

D.S. 5000 ТБ дан мушак орасига 2-3 маҳал.

Rp: Streptasae 250.000 ТБ

D.S. 3 – 4 флокондаги массани 250-300 мл. физ. эритмада

эритиб. венага томчилаб юборилади.

Rp: Fibrinolizini 20000 ТБ

D.S. Физиол. эритмада эритиб, томирга томчилаб юборилади.

Rp: Tab. Neodicumarini 0,1 N 20 (Pelentan)

D.S. 1 табл. 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Syncumari 0,004 N. 10

D.S. 1 табл. кунига.

ГЕМОСТАТИК ДОРИЛАР

Rp: Sol. Vicasoli 1% - 1,0

D.t.d. N 6 in amp.

S. 1 мл. дан тери остига.

Rp: Sol. Calcii chloride 10% - 10,0

D.t.d. N. 10 in amp.

S. 10 мл. дан томир ичига.

АДРЕНОМИМЕТИКЛАР

Rp: Sol. Adrenalini hydrochloride 0,1% - 1,0

D.t.d. N 6 in amp.

S. 0,3—0,5—0,75 мл. дан томир ичига физ. эритмада.

Rp: Tab. Noradrenalinii hydrotartratis 0,2% - 1,0

D.t.d. N. 6 in amp.

S. 2-4 мл. дан 5% ли глюкозада эритиб, томирга

томчилаб юборилади.

Rp: Sol. Mesatoni 1% - 1,0

D.t.d. N. 6 in amp.

S. 0,5-1 мл. дан тери остига, мушак орасига, венага.

Rp: Tab. Isadrini 0,005 N. 10

D.S. 1 табл. 2 маҳал.

Rp: Sol. Isadrini 0,5% - 25,0

D.S. Ингаляция учун.

М – ХОЛИНОЛИТИКЛАР

Rp: Sol. Atropini sulfatis 0,1% - 1,0

D.t.d. N. 6 in amp.

D.S. 1 мл. дан тери остига.

Rp: Sol. Plathyphyllini hydrotartratis 0,2% - 1,0

D.t.d. N. 6 in amp.

D.S. 1 мл. дан тери остига.

АНАЛЬГЕТИКЛАР, СЕДАТИВ МОДДАЛАР ВА ТРАНКВИЛИЗАТОР

Rp: Sol. Morphini hydrochloride 0,1 % - 1,0

D.t.d. N 6 in amp.

D.S. 1-2 мл. дан тери остига, томир ичига.

Rp: Sol. Promedoli 1% - 1,0

D.t.d. N. 6 in amp.

D.S. 1 мл. дан тери остига.

Rp: Sol. Aminazini 2,5% - 1,0

D.t.d N. 6 in amp.

D.S. 1-2 мл. дан мушак орасига.

Rp: Sol. Droperidoli 0,25% - 2,0

D.T.d. N. 6 in amp.

D.S. 1 мл. дан мушак орасига ёки томир ичига.

АНТИГИСТАМИН ДОРИЛАР

Rp: Tab. Dimedroli 0,05 N. 10

D.S. 1 табл. 2 маҳал.

Rp: Tab. Pipolpheni 0,75 N. 20

D.S. 1 табл. 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Suprastini 0,025 N. 20

D.S. 1 табл. 2-3 маҳал.

Rp: Sol. Dimedroli 1% - 1,0

D.t.d. N. 6 in amp.

S. 1 мл. дан тери остига.

АНТИБИОТИКЛАР

Rp: Cefsoli 0,5 (1,0)

D.t.d. N. 20

S. Флакондаги массаны инъекция учун сувида эритиб. мушак
орасига кунига 3-4 маҳал юборилади.

Rp: Kanamycini sulfatis 0,5

D.t.d. N. 2

S. 250 000 ТБ дан 2 маҳал мушак орасига.

Rp: Laevomycetini 0,25 N. 20

D.S. 2 табл. дан 4 маҳал овқатдан кейин.

Rp: Bensylpenicillini natrii 500.000 ТБ

D.t.d. N. 12

S. 500 000 ТБ дан ҳар 4-6 соатда мушак орасига.

Rp: Tab. Sifloxi 0,25 N. 20

D.S. 2 табл. дан кунига 2 маҳал.

Rp: Streptomycini sulfatis 0,5

D.t.d. N. 10

S. 500 000 ТБ дан мушак орасига.

Rp: Tab. Erytromisini 0,1 (0,25) N. 20

D.S. 1 табл. дан ҳар 4-6 соат ичишга.

Rp: Cefamisini 1000 mg

D.S. 500 мг. дан мушак орасига, томир ичига.

Rp: Tab. Nystatini 250 000 ТБ N. 40

D.S. 1 табл. 3-4 маҳал.

Rp: Tab. Levorini 500. 000 ТБ N. 50

D.S. 1 табл. 2-4 маҳал.

НИТРОФУРАН, ОКСИХОЛИН ГУРУҲЛАР

Rp: Tab. Biseptoli – 480 N. 20

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Tab. Furadonini 0,1 N. 20

D.S. 1 табл. 3 маҳал.

Rp: Tab. 5 – НОК 0,05

D.t.d. N. 50 in dragee

S. 1 дражедан 4 маҳал 7 кун ичиди.

Rp: Tab. Nevigramoni (Negrami 0,5)

D.t.d. n. 56 in cfsps. gelat.

S. 1-2 капс. дан 4 маҳал.

БРОНХОЛИТИКЛАР

Rp: Tab. Theophedrini N. 10

D.S. 1 капс. дан 2-3 маҳал ичишга.

Rp: Tab. Euphyllini 0,15 N. 10

D.S. 1 капс. дан 2-3 маҳал ичишга.

Rp: Sol. Euphyllini 2,4% - 10,0

D.S. 5 мл. дан венага сескин юборилади.

Rp: Sol. Ephedrini hydrichloridi 5% - 1,0

D.t.d. N. 10 in amp.

D.S. 1 мл. дан тери остига.

БАЛГАМ КҮЧИРУВЧИ ВА ЙЎТАЛГА ҚАРШИ ДОРИЛАР

Rp: Inf. Herbae Thermopsis ex 0,6 – 180,0

D.S. 1 ош қошиқдан 3-4 маҳал.

Rp: Inf. Radicis Althae ex 3,0 180,0

Sir. Leguiritae ad. 200,0

D.S. 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал.

Rp: Sol. Kalii jodidi 3% - 200,0

D.S. 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал.

Rp: Terpini hydrate Natrii hydrocarbonatis aa 0,25

D.t.d. N. 10 in tab.

D.S. 1 табл. дан кунига 3 маҳал.

Rp: Tab. Libixini 0,1 N. 10

D.S. 1 табл. дан кунига 3 маҳал.

Rp: Tab. Bromgixini 0.0004 N. 50

D.S. 1 табл. дан кунига 3 маҳал.

ВИТАМИН ВА МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ПРЕПАРАТЛАР

Rp: Tab. Acidi ascorbinici 0,3 N. 30

D.S. 1 табл. дан кунига 3 маҳал.

Rp: Sol. Acidi ascorbinici 5% - 1,0

D.t.d. N. 10 in amp.

S. 2 мл. 40%ли глюкоза эритмасида эритиб, томирга юборилади.

Rp: Sol. Acidi nicotinici 1% - 1,0

D.t.d. N. 6 in amp.

S. 2 мл. дан мушак орасига.

Rp: Sol. Thiamini bromidi 5% - 1,0 (B₁)

D.t.d. N.10 in amp.

S. 1 мл/ дан мушак орасига.

Rp: Sol. Reboflavini 1% - 1,0 (B₂)

D.t.d. N. 6 in amp.

S. 1 мл. дан мушак орасига.

Rp: Sol. Piridoxini hydrochloride 5% - 1.0 (B₆)

D.t.d. N. 6 in amp.

S. 1 мл. дан тери остига.

Rp: Sol. Cyanocobalamini 0,01% - 1,0 (B₁₂)

D.t.d. N. 6 in amp.

S. 1 мл. дан мушак орасига.

Rp: Tab. Asidi folici 0,001 N. 30

D.S. 5 табл. дан кунига 4 маҳал.

Rp: Tab. Rutini 0,04 N. 30

D.S. 1 табл. дан кунига 3 маҳал.

Rp: Tab. Asidi glutaminici 0,25 N. 30

D.S. 2-4 табл. дан кунига 3 маҳал.

Rp: Sol. Natrii adenosintriphosphatis 1% - 1,0 (АТФ)

D.t.d. N. 30 in amp.

S. 1 мл/ дан мушак орасига.

Rp: Cocarboxilasae 0,05 (50 mg)

D.t.d. N. 10 in amp.

S. 50 мг. дан мушак орасига, томир ичига.

Rp: Tab. Kalii orotatis 0,5 N. 50

D.S. 1-2 табл. дан кунига 3 маҳал.

Rp: Tab. Methionini obductae 0.25 N. 20

D.S. 1-2 табл. дан кунига 3 маҳал.

**МЕЪДА, ИЧАК ВА ЎТ ПУФАГИ КАСАЛЛИКЛАРИДА
ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИЛАР**

Rp: Tab. Almageli 170.0

D.t.d. N. 3 in flac.

D.S. 1-2 чой қошиқдан кунига 4 маҳал.

Rp: Tab. Natrii hydrocarbonatis 0,5 N. 20

D.S. 1-2 табл. дан кунига 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Panzynormi N. 100

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал.

Rp: Tab. Pancreatini 0,5 N. 20

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал.

Rp: Tab. Festali N. 50

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал овқатдан кейин.

Rp: Tab. Ranitidini 0.150 N. 50

D.S. 1 табл. 2 маҳал.

Rp: Omezoli 20 mg

D.t.d. N. 30 in caps.

D.S. 1 капс. ичишга.

Rp: Tab. Motiliumi 10 mg

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал.

Rp: Sol. Solcoseryli 1.0

D.t.d. N. 10 in amp.

D.S. 1мл. дан мушак орасига.

Rp: Tab. Metranidasoli 0,25 N. 20

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал, 7-10 кун давомида.

Rp: Succi gastrici naturalis 100,0

D.S. 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал овқат вақтида.

Rp: Sol. Asidi hydrochloride diluti 3% - 200,0

D.S. 1 ош қошиқдан 3 маҳал.

Rp: Tab.De-noli N. 120

D.S. 1 табл. дан 4 маҳал.

Rp: Tab. Allocholi N. 30

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал.

Rp: Chilosasi 200,0

D.S. 1 чой қошиқдан 3 маҳал.

Rp: Tab. Cholensymum obductae N. 50

D.S. 1 табл. дан 1-3 маҳал овқатдан кейин.

Rp: Tab. Asidi dehydrocholici 0,2 N. 30

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал 15-20 кун давомида ичишга.

Rp: Sol. Cholini chloride 20% - 10.0

D.t.d. N. 10 in amp.

S. томир ичига томчилаб юборилади.

КАМҚОНЛИКДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Rp: Tab. Ferroplexi N. 20

D.S. 1 табл. дан 3 маҳал.

Rp: Fercoveni 1,0

D.t.d. N. 6 n amp.

S. 2 та инъекция 2 мл. дан, қолганлари 5 мл. дан томирга.

Rp: Ferrum leki 2,0

D.t.d. N. 6 in amp.

D.S. 2-4 мл. дан мушак орасига күп ора.

Rp: Tab. Maltoferi N. 30

D.S. 1 табл. дан кунига 2-3 маҳал.

Rp: Tab. Jinotardiferoni N. 30

D.S. 1 табл. дан кунига 2 маҳал овқатдан 1 соат олдин ичишга.

ХИМИОТЕРАПЕВТИК ВА ЦИТОСТАТИК ДОРИЛАР

Rp: Tab. Mercaptopurini 0,05 N. 50

D.S. Врач күрсатмасига күра ичиш.

Rp: Tab. Metotrexati 0,002 N. 50

D.S. 1 табл. дан 4 маҳал.

Rp: Tab. Myelosani 0,002 N. 60

D.S. 1 табл. дан 2-3 маҳал.

Rp: Cytosini-arabinosidi 100 mg

D.S. 100 мг. дан томирга томчилаб юборилади.

Rp: Vinblastini 0,005

D.t.d. n. 6 in amp.

S. Томирга томчилаб юбориш учун.

Rp: Cyclophosphani 0,1

D.t.d. N. 10 in amp.

S. 1 мл. дан томирга кунинга икки маҳал.

Rp: Tab. Myelobromoli 0,25 N. 20

D.S. 1 табл. дан 1 маҳал.

Rp: Tab. Dopani 0,02 N. 30

D.S. 2-3 табл. дан 1 маҳал.

Rp: Tab. Dipini 0,02 N. 20

D.S. Таблеткани инъекция учун тайёрлаган сувда эритиб.

мушак орасига юборилади.

Rp: Degranoli 0,05

D.t.d. N. 10 in amp.

D.S. 1-2 амп. физ. эритмада эритиб, кун ора томирга юборилади.

ҚОНДА ҚАНД МИҚДОРИНИ КАМАЙТИРУВЧИ ДОРИЛАР

Rp: Insulini 5,0

D.S. 10 – 20 – 30 – ТБ дан тери остига (1 мл. – 40 ТБ).

Rp: Susp. Zinc-insulini amorphi

D.t.d. N. 5 in flac.

D.S. тери остига кунинга 2 маҳал.



Мустакил иш топшириклари

1. Гериатрия ва геронтология фани ривожланишии түгрисида интернет ва бошқа мәнбалардан маълумот йиғинг ва реферат ёзинг.
2. Қарияларда кўп учрайдиган касалликлар ҳақида реферат ёзинг.
3. Қарияларда кўп қўлланиладиган янги дори воситалари түгрисида маълумот йиғинг ва реферат ёзинг.
4. Қарияларни реабилитация қилиши түгрисида таклифлар киритинг.



Таянч иборалар

Гериатрия, геронтология, нафас тизими, юрак-кон томир тизими. Овқат ҳазм қилиш тизими, сийдик ажратиш тизими, эндокрин тизими. Асаб тизими харакат-таянч тизими, фармакология, клиника, текширув, даволаш, профилактика, пархез овқатлар.



Қўшимча адабиётлар рўйхати

1. Аскерханов Р.П., Тлапшаков Б.У. Изменения свертываемости кови у больных пожилого и старческого возраста в связи с патологией, обезболиванием, операцией и осложнениями // Вестник хирургии, 1972. - №6. - С. 7-10.
2. Басярина В.П., Яковлев В.М., Кукса П.Я. Артериальные сосуды и возраст. - М., 1986.
3. Валенкевич Л.Н. Гастроэнтерология в гериатрии. - Л.: Медицина, 1991.- 220с.
4. Дальмак В.М. Хронобиологические аспекты в геронтологии и гериатрии. Хронобиология и хрономедицина / Под. ред. Ф.И. Комарова. - М.: Медицина, 1989.
5. Кац Г.Л., Кац Л.Г. Особенности клинической картины и лечения больных хроническим бронхитом в пожилом и старческом возрасте // Гериатрические аспекты клинической пульмонологии. -Т., 1994.с. 108-111.
6. Котельников Г.П., Яковлев О.Г., Захарова Н.О. Геронтология и гериатрия. Учебное пособие. - М., 1997.
7. Клиническая гериатрия / Под.ред. акад. РАМН В.Г.Кунеса. - М., 2000.
8. Коркушко О.В. Клиническая кардиология в гериатрии. - М.: Медицина, 1980.
9. Липовецкий Б.М., Плавинская С.И., Ильина Г.Н. Возраст и функции сердечно-сосудистой системы человека. - Л.: Наука, 1988.
10. Мавлянов И.Р., Кац П.С., Азимова К.С. Общие аспекты побочного действия лекарств у лиц пожилого и старческого возраста // Здравоохранение Узбекистана. - №15.-2002.
11. Максимов С.В. Эндокринные железы и старение организма. Руководство по эндокринологии. - М.: Медицина, 1973.
12. Руководство по гериатрии / Под.ред. акад. Д.Ф. Чеботарева. - М., 1982.

13. Турчина Ж.Е., Мягкова Е.Г. Сестринское дело в гериатрии. Учебное пособие. – М., 2006.
14. Токарь А.В. Артериальная гипертония и возраст. – Киев: Здоровье, 1977.
15. Журавлева Т.П.. Пронина Н.А. Сестринское дело в гериатрии. Учебное пособие. – М., 2005.
16. Чеботарев Д.Ф. Геронтология и гериатрия. – М.: Знание, 1984.-63с.
17. Чеботарев Д.Ф. Гериатрия: Учебное пособие. – М., 1990.-238с.
18. Чеботарев Д.Ф. Слово о старости.- М.: Знание, 1992.-62с.
19. Шодмонов А.А., Хисамутдинов Р.А. Ички касалликларда шифобаҳш овқатланиш. Тошкент, 1995.
20. Ященко Б.П. Дифференциальная диагностика заболеваний органов дыхания у лиц пожилого и старческого возраста. – Киев: «Здоровья», 1979.-216с.



ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил килишдан иборат эканлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, ағфуски амалда – тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Ш.М.Мирзиёев

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир.

Абдулла Авлоний

Одамнинг улугворлиги унинг бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди, ягона ўлчови – унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир.

В.Гюго

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
1-БОБ. ГЕРОНТОЛОГИЯ ФАНИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....	5
Геронтология фанининг ривожланиш тарихи.....	5
Қариш жараёнининг кечиши ва даврийлиги	8
Қарилек турлари.....	12
Хўжайра, органларнинг қариш жараёнидаги морфологик ўзгаришлари.....	15
Геронтологик беморларни клиник текширнинг ўзига хос хусусиятлари	19
2-БОБ. НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ	26
Нафас олиш тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар.....	26
Нафас олиш тизими касалликлари	26
3-БОБ. ЮРАК ҚОН-ТОМИР ТИЗИМИ.....	38
Юрак қон-томир тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар	38
Юрак қон-томир тизими касалликлари.....	39
Стенокардия	40
Миокард инфаркти	41
Аритмия.....	43
Реабилитация	44
Гериатрик беморларда артериал гипертензиянинг кечиш хусусиятлари	45
Сурункали юрак стишмовчилиги	51
4-БОБ. ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИ.....	54
Овқат ҳазм қилиш тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар	54
Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари.....	55
5-БОБ. СИЙДИК АЖРАТИШ ТИЗИМИ	76
Сийдик ажратиш тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар	76
Сийдик ажратиш тизими касалликлари.....	79
Буйрак стишмовчилиги структураси.....	86
6-БОБ. ЭНДОКРИН ТИЗИМИ	89
Кариялар эндокрин тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар	89
Эндокрин тизими касалликлари	90
Гиперурикемия классификацияси	95
7-БОБ. ТАЯНЧ-ХАРАКАТ ТИЗИМИ.....	98

Таянч-харакат тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар	98
Таянч-харакат тизими касалликлари.....	98
8-БОБ. АСАБ ТИЗИМИ	103
Асаб тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар	103
Асаб тизими касалликлари	104
9-БОБ. КЎРИШ ТИЗИМИ.....	111
Кўриш тизимидаги ёшга алоқадор ўзгаришлар	111
Кўриш тизими касалликлари	112
10-БОБ. ЭШИТИШ ТИЗИМИ.....	115
Эшлитиш тизимида ёшга алоқадор ўзгаришлар	115
Эшлитиш тизими касалликлари.....	116
11-БОБ. ГЕРИАТРИК ФАРМАКОЛОГИЯ	118
Табиий антиоксидантлар ва метаболитлар.....	118
Гериатрик фармакологияларнинг асосий принциплари	121
Гериатрияда дори моддаларининг қўлланилиши	122
Гериатрик моддалар	124
Гериатрик хирургиянинг ўзига хос хусусиятлари	126
Ётот режимидаги оғир беморларни парвариш қилиш	127
Кекса ёшдаги одамлар жисмоний тарбияси	129
Гериатрик ёрдамни ташкил қилиш.....	131
Қари ва кекса ёшдаги беморларнинг реабилитацияси	132
Тестлар.....	137
Тавсиялар	144
Мустакил иш топшириклари.....	162
Таянч иборалар	162
Кўшимча адабиётлар рўйхати	163

**Мирзохид МИРЗАОЛИМОВ
Фофуржон АБДУЛЛАЕВ**

**ГЕРИАТРИЯ
ОЛИЙ ЎҚУВ ЎРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН**

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЎРТЛАРИДА ТИББИЁТ, БИОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ УЧУН
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ**

Мухаррир:

Алижон ЖҮРАЕВ

Техник мухаррир:

Абдулазиз ТОШПҮЛАТОВ

Теришга берилди: 10.10.2021 йил.

Босишига рухсат этилди: 15.10.2021 йилда.

Бичими: 60x84. Хажми: 1/16, 7,75 босма табок.

Адади: 100. Баҳоси келишув асосида.

“Usmon Nosir media” нашриёти
Наманган шаҳар, А. Навоий кўчаси 36.
Нашриёт тасдиқнома рақами AI - 1743
2020-йил 30-сентябрда берилган.

Мурожаат учун телефонлар: 99 002-94-39
93 050-28-72

“Toshbuloq oqshomii” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Наманган шаҳар, И.Каримов кўчаси 10-шу.

ISBN 978-9943-7646-2-0

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-7646-2-0.

9 789943 764620